

АПРЕЛЬ 4 1988



ЁШ КУЧ





Эҳтиёт бўлиб минилса, мотоцикл ҳайдашнинг завқига нима етсин!

Зарафшон шаҳридаги ДОСААФ клубининг ёшлар ўртасида нуфузи катта. Клуб аъзоси—Д. Собиров ўсмирлар ўртасида мотоспорт бўйича область чемпиони.

4-СПТУ ва 4-ўрта мактаб ўқувчилари Александр Куликов ва Сергей Чумаковлар Д. Собировнинг дўстлари ҳам рақиблари ҳисобланади.

А. КУДРЯШОВ фотолари.



Ёш куч



Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий бадий
безакли журнал

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 4 (22) 1988 апрель

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.

Бош редактор
Худойберди ТҲТАБОВ

Редколлегия:
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Евгений БЕРЕЗИКОВ
Владимир ВОЛОТКО
[бош редактор ўринбосари]
Евгений ГРЕВЦОВ
Хуршид ДУСТМУҲАМЕДОВ
Эркин МАЛИКОВ
[масъул секретарь]
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Латиф МАҲМУДОВ
Мирвосил ОДИЛОВ
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ
Йўлдошали ТОЖИБОВ
Александр ФРОЛОВ
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Рассом Маҳкам АБДУЛЛАЕВ
Техредактор: Ғайбулла БАРИМОВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежемесячный общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 4 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.


«Ёш куч» — «Молодая смена»
4 апрель 1988

С «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмахонага туширилди 11.02.88 и. Босишга рухсат этилди 16.03.88. Офсет усулда чоп этилди Р-11619. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Қоғоз ҳажми — 4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 199892. Буюртма № 2757. Баҳоси 35 тийин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.



С. Х. СИРОЖИДДИНОВ,
Узбекистон фанлар академиясининг академиги,
«Ёш куч» журнали
«Аниқ фанлар академияси»нинг президенти.

Бундан бир йилдан кўпроқ вақт муқаддам «Ёш куч» саҳифасида «Ёш математикларнинг сиртқи олимпиадаси»га старт берилган эди. Мен ўшанда олимпиада ўқувчилар орасида катта қизиқиш уйғотишига шубҳа қилмаган эдим. Нега? Негаки, ўқувчиларимиз орасида аниқ фанларга, шу жумладан математикага қизиқиш ниҳоятда кучли.

Чиндан ҳам редакция ёш математиклардан кўп-лаб хат олди. Жюри жавобларни текшириб, олимпиаданинг ғолибларини аниқлади. Шуниси қувончлики, олимпиадамиз ғолибларидан бири — қашқадарёлик Улуғбек Саъдиев бугун Ломоносов номли Москва Давлат университетининг студенти.

Мана, энди олимпиада «Аниқ фанлар академияси»га айлантирилди. Ташкилий комитет менинг зиммамга масъулиятли вазифа юклади — «Аниқ Фанлар академияси»нинг президенти қилиб сайлашди.

Ёш физикларни, ёш химикларни ва ёш математикларни академия беллашувларига таклиф этиб, уларга улкан омадлар тилайман.

Ғалаба иродали, сабр-бардошлиларгагина ёр-лишини унутманг, ёш дўстлар!



Н. А. ПАРПИЕВ,
Д. И. Менделеев номидаги
Бутуниттифоқ химия
жамиятининг раиси, профессор,
«Аниқ фанлар
академияси»нинг вице-президенти.

Азиз ўқувчилар! Химия фани ва унинг олами жуда кенг ва қизиқарлидир. Шунинг учун ҳам бу оламга қадам қўйган ўқувчи ёшларнинг кўпчилиги ўз ҳаётларини химия билан чамбарчас боғлайдилар. Номини дунёга танилган ва химия фани тараққиёти-

га катта ҳисса қўшган олимлар ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларида бу фанга меҳр қўйишган ва унинг сирларини ўрганиш учун енг шимариб ишга киришишган. Сизларнинг орангизда ҳам химияга ихлос қўйган болалар анча кўп, тўғрими? Улар учун билимларни синаб кўриш пайти келди. «Ёш куч» журнали саҳифасида иш бошлаган «Аниқ Фанлар академияси» беллашувлари сизларнинг билимларингизни пухта ва чуқур бўлишида ёрдам беради. Сизларда билимингиздаги камчиликларни йўқотишга интилиш қанчалик кучли бўлса, беллашувларнинг натижалари шунчалик яхши бўлади.

Фан чўққилари томон йўл олар экансиз, йўлингизда учраши мумкин бўлган қийинчиликларни босиб ўтиш учун изчил ва матонатли бўлинг.

Бу қизиқарли машғулотларингизда сизга катта ютуқларга эришишингизни тилаймиз.



У. Ғ. ҒУЛОМОВ,
Узбекистон фанлар
академиясининг муҳбир аъзоси,
«Аниқ фанлар академияси»нинг вице-президенти.


Бугунги ҳаётимизни фан ютуқларисиз тасаввур этиш қийин. Улар ишлаб чиқаришга, турмушимизга дадил кириб келишмоқда. Хўш, бу мураккаб техникани, дастгоҳларни ким бошқаради? Ким фаннинг номаълум саҳифаларини кашф қилади? Сиз, ўқувчилар. Шундай экан, ҳозирдан фан асосларини чуқур ўрганишингиз керак.

«Ёш куч» журналида «Аниқ фанлар академияси» очилгани айни муддао бўлипти. Энди биз журнал орқали ёш физиклар билан алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлдик. Улар беллашувларда иштирок этиб, физика борасидаги истеъодларини рўёбга чиқарадилар, билимини чуқурлаштирадилар.

Мен республикамиздаги физик олимлар, педагоглар номидан физика ихлосмандларига беллашувларда катта-катта муваффақиятлар тилайман.

[«Аниқ фанлар академияси» ҳақидаги материаллар билан 30—31-бетларда танишасиз].

БУ СОНДА!
Янги рубрика:
Аниқ фанлар
академияси
Бўлғуси шифокорлар-
миз-ку!
Тошбағир бўлиб
туғилмайдилар
Пештахта ортидаги
ташвишлар



Менинг ҳам бошқа барча совет кишилари каби «ўз Лениним» бор. Асов замонамизнинг турли даврларида Ленин қалбимизда ўзгача зухур топди. У аллақачон онгимизнинг ажралмас бўлагига айланган, демакким тўхтовсиз фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мен учун ҳам қарийб эртакомуз, меҳрибон ва салобатли болагим Ленини бор эди; революция учун онгли равишда ўз ҳаловатидан кечган, нажиб жозиба юксакликларига кўтарилган ўсмирлик Ленини; бу, революцияни — доҳий васиятларини дастлабки суронли беш йилликларда амалга ошира олган ва бу билан васиятларни билан кучларида мужжасам

топтирган ёшлигимиз Ленини; мутлақо ўзига хос, куч-қудрат ёғдусига тўлиб-тошган 30-йиллар пиравордидаги Ленин; Улуғ Ватан уруши ва фожиали-зафарли Ленинград қамали даври Ленини; ва ниҳоят халқ назарида бутун қадди-қоматини адл тутиб турган бугунимиз Ленини. «Менинг» бу санаб ўтган ҳар бир Лениним ҳақида дostonлар битишга ҳозирман...

Мен ўзимнинг Ленинга муносабатимни сўз билан ифодалай олмайман. Бу, муҳаббатга ўхшаш, лекин ундан кўра мураккаброқ, мазмунлироқ туйғу... Бу — Муҳаббат қояси!..

Ольга БЕРГГОЛЬЦ.

Униб чиққан ниҳол қуёшга кўриндими, гуркирашга ўтади. Бўй-бастини тезроқ ўзи ростлашга ошиқади. Қушчанинг илк парвози ҳам шундай: онасидан илгари қанот қоқади, «ўзи», фақат «ўзи» учишга интилади. Тетапоя қилаётган болакайга разм солинг. Туфличасининг боғичини ўзи боғлаётган, ака-опаларига буюрилган ишларга уйнаётган. Илк тили чиқибок, «ўзим қилай!», деб туришида бир олам орзу, журъат, шу билан бирга ўзига хос жасорат мужжасам. Мустақилликка интилиш бор.

Давра суҳбатимиз ўсмирларда мустақиллик қандай намоён бўлаётганига бағишланди. Унда Тошкентдаги 82-мактабнинг юқори синф ўқувчилари ва республика ёш физик ва математиклар мактаб-интернатининг 10-синф ўқувчиси Шуҳрат Деҳқонов иштирок этди.

Гулчеҳра Ғозиева: — Менимча, мустақилликка қадам қўйиш мактабни битиргач эмас, балки унғача, ҳар кун, ҳар соатда шакллана боради. Уртоғининг ҳал бўлмаётган саволига бир сўзда жавоб айтишинг, ота-она, қариндош-уруғ, таниш-билишларнинг олдида ўз сўзинг, ўз қарашингга эга бўлишинг — мустақиллигинг.

Ўтган йили синфимиз ўқувчилари сабзавоткорларга ёрдам берди. Мактабдан уйдан узоқда яшадик, ош-овқатни ўзимиз тайёрладик, кийим-бошим ўзимиз ювдик. Биз терган олмалар яшикларга жойланди. Ўзимиз поездларга чиқардик. Уларда «Кубага», «Вьетнамга» деган ёзувлар бор эди. Ғоят ҳаяжонли, завқли дамлар эди ўша кунлар. Аммо қувончларимиз ўзига хос ташвишлар билан алмашиб турди. Айрим ота-оналар кунда бўлма-са-да, кун ора келиб тенгдошларимнинг хаёлини бўлдилар. Натижада «Кетаман»га тушиб қолдик ҳам... Чунки ортиқча меҳрибонликлар «каттаман» деб юрганларни ҳам бола қилиб қўяркан.

Наргиза КОМИЛОВА: — Ота-онасига эргашиб кетганлар, кетолмаганлар кўз ёши қилиб, болаларга кулги ҳам бўлди. Фарзандлар мустақилликка интилганда катталар жиндай эрк бериши керак-да!

Санталат УРУНОВА (адабиёт ўқитувчиси) — Бунинг айрим пайтларда ёмон томони ҳам бор. Чунки сизлар улар учун ҳали боласиз. Қолаверса бу ҳис-туйғу ота-оналарни умр бўйи тарк этмайди.

Мустақилликка интилишингиз яхши. Аммо баъзида қош қўяман деб кўз чиқариб қўйишингиз ҳам ҳеч гап эмас... Ҳаммангиз бир хилда эмасиз-ку? Кимдир ҳаракатчан, кимдир лоқайд. Кимдир фикрчан, кимдир бе-парво.

Адабиёт ўқитувчиси сифатида баъзи дарслардан мунозара ўтказишга ҳаракат қиламан. Лекин унда синф ўқувчилари бирдек қатнашади, деб айта олмайман. Ахир ўсмирнинг мустақил фикри ана шундай баҳсларда шаклланади-да. Синф мажлислари, мактаб линейкаларида мустақамланади. Ушанда, «Меҳнат-роҳат» лагеридан икки ўқувчи уйга бориб келишди ҳам. Аммо оддий инсонийлик шarti — интизомни унутишди. Берухсат қилишди бу ишни. Ўқитувчилар ва ўқувчилар юзига оёқ тираш бўлди уларнинг бу «мустақиллик»лари.

Сайёра ДАДАБОЕВА: — Менимча чин мустақиллигимиз қўлга теккан кун — ўқув ишлаб чиқариш практикаси кун бўлса керак. Чунки мактабдан ташқарида меҳнат қиламиз, билимимизни мустақамлашамиз. Тенгдошларимиз билан кўча-куйда баҳслашамиз, ўзимизни тутишимиз, дарсдан ташқари ишларга кўникишимиз шаклланади. Мен УПКлар ҳақида гапирмоқчиман. УПКга қатнаша бошлаганимизда дастлаб севиндик. Чунки устозларимиз айтганидек, ҳаммамиз ўзимиз қизиққан касб-ҳунар бўйича шуғулланамиз, деб ўйладик. Лекин акси бўлиб чиқди. Масалан мен кийим-кечакларга гул солишни севардим. Уйда бивимдан дўппи тикишни ўргангандим. Бичиш-тикишга ҳам қўлим келиб қолганди. Ўзим тиккан кўйлақларга орзулаган гулларни тўқиш қандай яхши, деб кушдек учиб йўлга отлансам, ўрин тўлиб қолибди. Натижада тўқимачилик комбинатига юборишди. Инсон турли касбни ўрганса зинн қилмайди, деб бунга ҳам кўникиш. Аммо мен ва тенгдошларим уйда минг марта бажарадан супуриш, чанг артиш ишлари билан машғул бўла бошладилар. Пол ювиш, тўқилган қийқиндиларни териш... яъни меҳнат қилишдан қочмаймиз. Аммо қачон тўқувчиликни ўрганамиз? Устозлар ёнида, дастгоҳлар олдида бўлишни орау қиламиз. Боғчага борган дугоналарим ҳам ошхонадан чиқишмасмиш, картошка, пиёз артиб, товоқ-қошиқ ювиб...

Акбар УМАРОВ: — Бизга бундай «дарс» керакмас, дедик. Дастлаб сўзимизга ҳеч ким қулоқ солмади. Бизнинг кунимиз эса бекор ўтаверди. Уша кунни мактабда ўтказасак соз бўларди. Тўғаракларда шуғуллансак ҳам ўзимиз учун керагини оламиз, дедик. Ҳаммамиз бир бўлиб сўзимизни ўтказдик. Мустақил фикримизни баён қилишимиз, керак пайтда йиғилишларда сўзга чиқишимиз фойда берди. Масалан мен бултур слесарликка ўрганган эдим, бу йил сантехникликка ўтдим. Бундан куляпти Наргиза, Гулчехралар... Ҳайрон бўлманг. Чунки авваллари бизлар бир йил нонвойхонага борсак, иккинчи йили заводга темир-терсақлар ясашни ўрганишга борардик. Нонвойхонада нон ёпсак қани эди! Синган стулларда, ойнаси йўқ, совуқ хоналарда ўтириб битта дафтарни «тўлдириб» қайтардик. Эндиликда ишларимиз амалда кўринмоқда. Мен газ ва сув жўмрақларини ремонт қилдиган, трубаларни пайвандлайдиган бўлиб қолдим. Урганаётган ҳунаримизга қизиқиб кетдим.

Шоюнус ШОАКБАРОВ: — Аммо ҳар бир ўқитувчи ўз шогирдига турлича таъсир кўрсатади. Акбар энди қизиқаётган, ўрганаётган ишдан хурсанд бўлса, мен аксинчаман... Мустақиллигимиз фақат УПКларда эмас, кунлик ўқув пайтларида ҳам шаклланади-ку. Мактаб, ўқитувчиларимиз сабоғи ҳақида гаплашайлик. Менга масалан янги қираётган тарих ўқитувчимизнинг дарси сингмапти. Пенсияга чиққан Тўйчи Одилбековнинг ўринларини боса олмаяптилар. Нега десангиз, бу ўқитувчи-

миз фақат дарсликни такрорлаб чиқиб кетаверар экан! Тўйчи акамиз эса бошқа китоблардан, кўшимча қўлланмалардан фойдаланиб дарс ўтардилар. Дарсликни уйингизда ўқиб оласизлар, дердилар. Шунинг учун уларнинг дарс соатларини қизиқиб кутардик. Ошкоралик тўғра чиқаётган кунларда биз, 9-10 синф ўқувчилари ўқитувчиларимизнинг ҳам ҳатто қандай дарс ўтишига эътибор берсак ёмон бўлмайди. Чунки энди кичкина эмасмиз. Биз учун ажратилган 45 минутлик дарс соатидан унумли фойдаланиш керак! Айрим мураббийларимиз бизнинг синчковлигимиз, эътиборимиз натижасида ўз камчиликларини йўқотаяптилар. Тўйчи акамизнинг дарсида танаффус бўлиб қолганини сезмасдик. Албатта, ранга шўнни кетиб... Сир эмас, баъзи ўқитувчиларимиз бирортамиздан айб топади да, бутун дарсни ўшанга дакки бериб билан ўтказиб юборади. Тўғри, мураббийларимизнинг ҳар бир гапи биз учун сабоқ. Лекин ҳаммаси ҳар вақт биз учун қонун эмас. Шунинг учун ҳам юқори синф ўқувчилари эркин фикрларини мураббийларга тушунтира олсалар. Баъзида ўз ўқитувчиларини ўзлари «танласалар»...

Сайёра ДАДАБОЕВА: — Айниқса, ўғил болалар шундай талабчан! Улар «эркин фикрловчи»-да! Ўзлари эса дарсга битта «умумий» дафтар кўтариб келишади. Дафтар ҳам ўз номини оқлаб «умумий» бўлиб кетади. Айримларида эса кундалик дафтар умуман йўқ. Гўё юқори синфга ўтиб, чиндан катта бўлиб қолишган. Мустақилликни шундай тушунишади!..

Сантала УРУНОВА: — Инсон учун энг азиз, энг қадрли нарса ҳаёт. Бизнинг қувончларимиз, орау ва режаларимиз, умидларимиз ҳаёт билан боғлиқ. Бахтимизнинг рўёби ҳаётдан. Борган сари фикрингиз теранлашяпти. Олтинга тенг дақиқаларни жиллолаб олгингиз келаяпти. Азиз мактаб даври, синфхона, доска, парта, ҳамма-ҳаммаси ҳаётингиз саҳифаларида ёрқин из қолдирапти.

Ҳатто мана бундай тортишувлар ҳам! Синфдошлар, мактабдошлар қадрдонлашяпти, эрта-индин узоқ сафарга чиқасизу улар билан ҳаёт сўқмоқларида ё учрашасиз, ё йўқ... Бу фикр ҳам хаёлингизда гужгон. Дарвоқе, ҳар бир юқори синф ўқувчисининг кунлари тарихга айланиши аниқ. Буни у ҳис қилиб туради. Бу орада ўқиш ва ишлар, янги режалар сари чоғланиш билан бир вақтда ўйин-куллуга, шўхликларга ҳам вақт топади. Тенгдошларининг оламини қизиқишлари, ўзини тутиши, «йўл-йўриқ»лари билан тўлдиради, йўналтиради. Бежиз, катталардан кўра сафдошлар, тенгдошлар ўртоқларига тезроқ таъсир кўрсатадилар, яхши ёки ёмон ишларга аралаштириб юбордилар, деб айтишмайди. Фикрингиз янада бойиши, иродангиз шаклланиши, интилишларингиздаги ютуқ ва камчиликлар, ўртоқларингизнинг мулоқотидан, катта танаффуслардаги тортишувлар ва чақчақлашувлардан. Шундай экан, сиз қизлар уларга ўрнак бўлишингиз керак. Зарур пайтда ўрнини топиб, албатта! ШУҲРАТ ДЕҲҚОНОВ: — Тўғри, ўқувчиларнинг эркин фикрлашлари, эзгуликка йўналиши учун катталар рағбати, йўл-йўриқлари керак.

Разм солсам, ўсмир дўстларим негадир чиндан ҳам тажанг бўлиб кетишган. Буни ўз хоҳишлари, орау, режаларини ўзларидан катталарга тушунтира билмасликларидан деб биламан. Фикрингни баён қилиш учун ҳам бироз бардош ва чидам керак-да, ахир!

Энди мустақиллик ҳақида гапирсам. Мустақиллик менимча виждон таъқиқламаган ҳамма ишни қилиш демақдир. Киши мустақил бўлиш учун аввало ўзининг шахсий фикрига эга бўлиши керак. Юқорида тенгдошларим мустақиллик ҳақида анча яхши гапларни гапиришди. Мен уларнинг гапларига қўшимча қилиб ўзимнинг фикримни айтиб ўтмоқчиман. Тенгдошларим бир ой ёки икки ой мустақилликда — яъни олма теришда бўлган бўлсалар, мана мен қарийб уч йил-

дирки, ота-онам бағридан йироқда мустақил ҳаёт кечирмоқдаман. Одам мустақил бўлгандан кейин ўз-ўзини бошқара билиши керак албатта. Энди эркин қушман, хоҳлаган ишимни қилавераман, деб ўйлаш калтабинлик бўлади. Баъзилар мустақилликни бошқача тушунишади ва кўнгиллари тусаган ишни қилаверишади. Натижада ўғирлик қилиб қўлга тушишади. Безорилик, йўлтўсарликларининг охири эса жиноятга бориб тақалади. Мен ўз ҳаётимда мустақил бўлишни еттинчи синфдан бошлаганман деб ҳисоблайман. Келинг, яхшиси ўшанда бўлган воқеани бир бошидан айтиб берай. Қиш пайти эди. Уйда қилинадиган ишлар кам бўлгани учун мен вақтимни кўпроқ китоб ўқишга сарфлардим. Ўзимда бор китобларнинг ҳаммасини қайта-қайта ўқиб чиққанман. Кутубхонадан китоб олай десам, уч ойдан бери қулфлоглиқ. Кутубхоначи аёл ўз ишига ўта совуққонлик билан қарар эди. Уша вақтлар районимиз газетаси (Наманган район, «Учқун» газетаси)га кутубхоначи танқид қилиб бир мақола ёздим ва уни ҳеч кимга кўрсатмасдан редакцияга олиб бордим. 2—3 кун ўтгач, келиб кутубхоначи текширишибди ва мен ёзган танқидий мақоладаги ҳамма фактлар тасдиқланибди. Эртасига уч ойдан бери қорасини кўрсатмаётган кутубхоначи опамиз оёғини қўлига олиб мактабимизга келди. Мени ва мақолага қўл қўйган 10 та синфдошимни директор хонасига чақирди. Борсак, мактабимизнинг беш-олти актив ўқитувчиси, директор, илмий мудар, кутубхоначи ўтирибди. Шерикларим бунга биз қўл қўймаганмиз, ШУҲРАТ БОШҚА НАРСАГА деб кўрсатмай қўл қўйдириб олди, деб гапларидан тонишди. (Вақоланки, мақолани ёзиб бўлиб уларга ўқиб бергандим. Ўзлари кўнгилли бўлиб қўл қўйишганди). Мен эса, айтган сўзимда туриб олдим. Кутубхоначи менга бўлмагур сўзлар билан роса шанғиллади: — Мен ревизорнинг қизиман, ундай қиламан, бундай қиламан, деб. У кетгач директор ҳам менга: — Нима қилардинг, баланд дорга осилиб? Езаман десанг танқиддан бошқа нарса қуриб кетганмиди? — деб роса тергади. Ўқитувчилар ҳам унинг гапини маъқуллашди. Хуллас, бу ерда менинг тарафдорим йўқлигини англадим. Менинг бу ишимни фақат дадам маъқуллашларини билардим. Дадам ҳам шу мактабда бошланғич синфларга дарс берадилар. Лекин ўша пайтлар малака ошириш учун шахримизга бир ойлик ўқишга кетгандилар. Ўқитувчиларим бир оғиз ўзларидан ёки директордан маслаҳат сўрамаганимни таъна қилишди. Агарда улардан маслаҳат сўрайдиган бўлсам, бу мақолани ёзмасликка тўғри келарди! Қолаверса, нима учун мен ўз виждоним буурган иш учун улардан маслаҳат сўрашим керак экан?

Шу тариқа менинг мақолам газетанда эълон қилинмаса ҳам



КУРАШ

(Уруш ва меҳнат ветеранлари республика советининг раиси Расул ҒУЛОМОВ билан суҳбат)



ОСОН БЎЛМАЙДИ

Расул Ғуломовичнинг номини илгари эшитмаган ёки яхши билмаганлар Комил Икромовнинг «Литературная газета» да босилган «Вақти-соати етди...» мақоласидан кейин, табиий, унинг шахсига қизиқиб қолишди. Уша мақолада Расул Ғуломовичнинг республикамизда турли жиноятлар, кўзбўямачиликлар авж олган қийин ва мураккаб даврда тап тортмай шахсан Рашидовнинг юзига, КПСС Марказий Комитети ва унинг Бош Секретарига бор ҳақиқатни очик-ойдин, дангал айта олгани ёзилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Расул Ғуломович ҳеч қачон ўзининг бу журъатини катта жасорат, қахрамонлик деб билмаган. Шунинг учун ҳам айрим шахсларнинг ўринсиз мақтовларидан гашланганини яширмади: «Мен оддий бир коммунист сифатида шунчаки виждоним, кўнглим буюрганини қилдим, ҳалос. Аслида ҳамма, айниқса коммунист бўлган киши шундай иш тутиши лозим эмасми?» деди у куйиниб.

Мана Расул Ғуломович билан муҳбир сифатида суҳбатлашиб ўтирибман. Сўрайдиган, билиб қўйишим зарур бўлган нарсалар, муаммолар жуда кўп...

Отабоев: — Расул Ғуломович! Суҳбатимиз асосан ёшларга мўлжалланган. Ўзингиз яхши биласиз, ёшларда ҳақиқат ва адолат туйғуси кучли бўлади. Улар очик-дангал гапга ташна. Қуруқ панд-насихатдан, ҳаммага маълум, сийқа гаплардан обдон тўйишган.

Ғуломов: — Фикрингизни тушундим. Суҳбатимиз тўла-тўки ошкоралик руҳида ўтсин, демократизмда. Мен ҳам очик гапнинг тарафдориман.

Отабоев: — Ҳозир қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида турғунлик йиллари йўл қўйилган нуқсонлар кўп ва ҳўп танқид қилинмоқда. Бу тўғри, албатта. Танқид ўтмишдан тўғри сабоқ чиқариш ва истиқбол режаларимизни белгилаб олиш учун керак. Айни чоғда мен диққатингизни яна бир нарсага жалб қилмоқчиман: гоҳо танқидга берилиб кетиб, ютуқларимиз, ижобий сабоқларимизни инкор қилувчилар ҳам бўляпти. Баъзан эса танқид баҳонасида ўч олишга уринишлар сезилиб қоляпти.

Ғуломов: — Биз ўтмишга назар ташлар эканмиз, революциягача халқимиз оғир кунлар кўргани, маданиятнинг пастлиги, кўпчиликнинг саводсиз бўлганлиги, табиий ёрдамдан маҳрумлиги, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг қолақ бўлганлигини эсда тутишимиз керак. Ўзбекистон территориясида яшаган кўп халқлар хоризм ва маҳаллий эксплуататор — бойлар, руҳонийлар, беклар,

хонлар зулмида яшаганлигини унутмаслигимиз лозим. Октябрь инқилобигача Ўзбекистон меҳнаткашлари, хусусан бир қисм зиёлилар орасида рус халқи билан бирга бўлиш, унинг маданиятини ўрганиш ва маҳаллий шароитга тадбиқ этиш тенденцияси кучли бўлган.

Етмиш йил мобайнида жуда катта галаба-ютуқларга эга бўлдик. Халқимиз юз фоиз саводли бўлди, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиш даражасига етди; ўзбек ва бошқа қардош халқлар орасидан жуда кўп мутахассислар, инженерлар, врачлар, агрономлар, ўқитувчилар, олимлар, кўзга кўринган ёзувчилар, санъат арбоблари етишиб чиқди.

Албатта, ютуқларимиз кўп. Аммо бу ютуқлар ундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Ҳозир рашидовчилик деб тана билан айтилаётган давр ичида кўп соҳадаги ишларга путур етказилди. Ҳар хил йўллар билан республика раҳбарлигига келган Рашидов, унинг атрофидаги бир гуруҳ шахслар партия йўлини бузиб, кадрларни ўзларига ёққан, қавм-қариндошчилик, маҳаллийчилик усуллари билан масъул вазифаларга кўтардилар, ленинча принципларни буздилар. Шунинг орасида кўшиб ёйишлар, порахўрликлар юз берди. Бу эса халқимизнинг, айниқса ёшларнинг тарбиясига катта путур етказди.

Ҳозир республикамизда қайта қуриш, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш учун кураш қизгин давом этмоқда. Бу кураш демократия ва ошкоралик асосида олиб борилмоқда. Партия, комсомол, профсоюз раҳбарлигига ҳалол, партия ишига содиқ, интернационалист ёш кадрлар кўтарилмоқда. Уларнинг кўпчилиги эътиқоди соғлом, партия, халқ ишига содиқ бўлиш билан бирга етарли тажрибага эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Партия, совет, комсомол ташкилотлари олдидаги вазифалардан энг муҳими — раҳбарликка келган янги кадрларни тўғри тарбиялаш, ветеранлар босиб ўтган йўлда орттирган тажрибаларни ўрганиш, раҳбарликнинг янги-янги шакл-усулларини ижод қилишдан иборатдир.

Танқид масаласидаги фикрингизда ҳам жон бор. Уртоқ Горбачев Ленинградга бориб, Смольнида сўзлашган нутқида бошқа муҳим масалалар қатори танқид ва ўз-ўзини танқид масаласига ҳам тўхтади. Шу билан бирга танқиддаги айрим ошириб юборишлар, бўрттиришлар, ошкораликдан фойдаланиб ўч олишга, қоралашга уринишлар қайта қуриш сиёсатига тўғри келмаслигини таъкидлаб ўтди. Соғлом танқид ва ўз-ўзини танқид камчиликларимиз, хатоларимизни тузатиш-

да, айрим кадрларнинг нуқсонларини тузатишда ёрдам қилишини эслатиб ўтди.

Танқид ва ўз-ўзини танқид социализмни ривожлантиришга хизмат қилиши керак. Яхши, ҳалол, партияга, халққа керакли кадрларни обрўсизлантиришга уринишларга қатъий зарба бериш керак. Бу ишда матбуот ҳам катта роль ўйнаши мумкин.

Отабоев: — Кексароқ одамлар билан гаплашиб қолсанг, улар илгари тартиб-интизом мустаҳкам бўлганлигини, ўғирлик, юлғичлик, порахўрлик каби иллатлар деярли учрамаганини айтишади, бунинг айримлар Сталиннинг номи, унинг қаттиққўллиги билан боғлашади. Шахсан ўзим бунинг сабабини ленинча йўлдан, ленинча сиёсатдан четга чиқишлар туфайли юз берган нуқсонлардан қидиргим келади. Ахир айрим тоифа одамларда юксак эътиқод-идеалларимизга ишончсизлик, шубҳа уйғонганлиги ҳам ана шу чекинишлар оқибати-ку!

Ғуломов: — Революция давомида, социализм системасини мустаҳкамлаш лозим бўлган даврларда ҳақиқатан ҳам интизом каттиқ бўлган. Қийинчиликларни енгишга тўғри келган. Тарихий шароитнинг ўзи мустаҳкам интизомни тақозо қилган. Сиз айтган эътиқод ҳақиқатан ҳам мустаҳкам бўлган. Хоризм азобларини кўрган, маҳаллий эсплуаторларнинг зулмини бошидан кечирган халқда ихлос-эътиқод мустаҳкам бўлган. Ленин партиясининг қақирғи билан халқ хўжалигини тиклаш, индустриалаштириш, қолхозлаштириш, пролетар маданиятини барпо қилишда интизом мустаҳкам бўлиши қонуний эди. Уруш даврида ҳам худди шундай бўлди. Урушдан кейинги йиллар ҳам меҳнат, жамоат интизомини мустаҳкамлаш даврилар деб ҳисобланиши керак. Аммо 70—80-ва қисман 60-йилларда ленинча сиёсатнинг бузилиши оқибатида аста-секин интизом бўшашиб кетди. Шунинг учун охириги 20 йил ичида илгари кетиш ўрнига қўлга киритилган ютуқлар даражасида тўхтаб қолиш ва ҳатто бу ютуқларни бой бериш даражасига келдик. Социалистик қурилишга етказилган зарарлар ҳақида очик, ошқора айтиш билан бирга халқ хўжалигини ривожлантириш учун биринчи навбатда партия, совет, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш таъкидланди. Бу соҳада ҳозир партия раҳбарлигида диққатга сазовор ишлар қилиняпти. Айни чоғда турғунлик йиллари йўл қўйилган нуқсонлар биз ўйлагандан кўра анча чуқурроқ ва мураккаброқ эканлиги ҳам маълум бўлиб қолди.

Отабоев: — Расул Ғуломович! Мана сиз узок

кутубхоначига хайфсан берилди. Умуман ҳақ жойда қарор топди. Шундан кейин кутубхона доим очик турадиган бўлди. Ҳа, мен мустақиллиқни шундай бошлаганим. Кейин Тонкаевга келдим. Бир гал каникулга борганимда дадам, қаерга кирмоқчисан, деб сўраб қолдилар. Мен ҳеч иккиланмай: журналистика факультетига, деб жавоб бердим. Улар менинг гапимга эътироз билдириб: Йўқ, сен халқ хўжалиги институтига кирасан, ревизор бўлиб юрасан мазза қилиб, тагинда машина. Журналистнинг номи улуг, супраси қуруқ, фақат гонорарга қараб яшайди, дедилар. Мен қарорим қатъий

эканини, бу йўлдан қайтмаслигимни айтдим. Дадам мени синамоқчи бўлганларини, ўзи мустақилми ёки амалга учяптими деб ўйлаб, мени атайлаб чалғитиб кўрмоқчи эканлар.

Мустақилликка ёшлик чоғларидан ўрганиш менимча, катта аҳамият касб этади. Кўпинча ота-оналар бола ҳали ёш деб, унга мустақил иш буюрмай ўзлари бажаришади. Бу бола катта бўлганидан кейин ҳам дастлаб мустақиллиқни қандай бошлашни билмай қолади. Бу воқеа ўзимнинг ҳам ҳаётимда юз берган. Биринчи бор Тошкентга келганимда нима қилишни билмай гангиб қолганман. Уртоғим билан

ейишга бирон нарса олиш учун магазинга чиқдим. Сотувчи аёлнинг олдида одамлар қатор бўлиб туришарди. Биз олган нарсаларимизнинг пулини тўлаш учун кассага яқинлашдик. Одамлар у ерга қўйишмади. Кейин билсак, навбат бор экан. Ушанда роса хижолат бўлгандик. Кейин ўрганиб кетдик. Мана ҳозир бемалол мустақилликда яшаймиз. Мустақиллик ҳамма нарсада бўлиши шарт. Бинобарин ўқишда ҳам, ишда ҳам. Айримлар уйга берилган вазифани синфдошидан кўчириб олади-да, ўқитувчига бориб ўзим бажардим, дейди. Аммо у ўқитувчини эмас, ўзини ўзи алдаганини тушунмайди. Биз-

нинг мактаб-интернатимизда соат 17 дан 19 гача ҳамма йиғилиб мустақил дарс қилади. Аммо, менимча бунинг ҳеч бир фойдаси йўқ. Чунки, болалар бир-бири билан гаплашиб ўтириб, дарс қилолмайди. Тўғри, тарбиячи уларнинг ёнида ўтиради. Шундай бўлса ҳам, барибир. Ундан кўра ҳар ким ўз хонасида мустақил равишда дарсга тайёрланса мақсадга мувофиқ бўларди. Студентлик даври ҳам мустақилликни талаб қиладиган алоҳида бир давр. Баъзилар учун бу ҳаётнинг аҳамияти бўлмай ўтиб кетади. Баъзилар учун эса унутилмас эсда қоладиган нурли лавҳалар даври бўлади. Биз мустақил ҳаёт-

Йиллар юксак раҳбарлик лавозимларида ишлаб келдингиз. Жуда кўп нарса раҳбарга боғлиқ, деса янги гап айтган бўлмайман. Ахир ҳозир кескин қораланаётган турғунлик йиллари, кечирасизу, энг кўп «қовун туширган»лар ҳам ана шу раҳбарлар бўлди-ку! Қизик, жуда кўп раҳбарларимизнинг фаолиятини маъқуллаб, чапак чапиб, кейинчалик, миси чиккач, орқасидан тош отиб, қоралаб келишимиз... Ҳай майли бўлар иш бўлди, энди ўша ўтмиш хатолари бизга бир умрлик сабоқ бўла олармикин? Айрим жойларда ҳамон кўшиб ёзишлар, юлғичликлар, мансабини сунистеъмо қилишлар давом этаётгани хотиржамликка ҳали эрта эканини кўрсатмайдими?

Ғуломов:— Агар биз ўтмишдаги иллатларни танқид қилмас эканмиз, айбдорларга қарши кескин курашмас эканмиз, бу хатоларнинг такрорланишига шубҳа йўқ. Бунинг учун бутун халқ оммасининг фаолиятини кучайтириш, уларни ижтимоий-давлат ишларига активроқ жалб қилиш ва амалга оширилаётган ишларни назоратга олиш, кадрларнинг малакаси ва жавобгарлигини ошириш кўнгилсиз ҳолларнинг такрорланмаслигини таъмин қилади деб ўйлайман. Ҳали кураш охирига етди деб бўлмайди. Ваъзилар партиянинг янги сиёсатини жуда маъқуллаган бўлиб кўринсаларда, амалда — ишда жон куйдирмайдилар. Айримлар эса янги йўлимизни қўлласаларда, уни амалга оширишда яширинча тўсқинлик қилдилар. Биз ишларимизнинг олға силжишини иста-сак, кўзбўямачиликка йўл қўйганларни, сурбетлик қилиб юрганларни орамиздан тозалашимиз керак. Кадрларимиз ўртасида бир-бирига ишонч, хурмат ва талабчанликни кучайтиришимиз керак.

Отабоев — Республикаимизда кейинги йилларда идеология ишига раҳбарликдаги кўпол хатоликлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан ҳаққоний қораланди. Ўша хатоликларнинг қалбларда қолдирган доғи ҳали кетгани йўқ, айниқса ижодий интеллигенция, маданият ва санъат аҳли кўп азият чеқди. Ачинарлики шуки, бу хатоликлар айни қайта қуриш палласида юз берди...

Ғуломов:— Абдуллаева Рашидовнинг тарбиясини олган эди. У илмий савияси паст бўлган аса-ри — КПССнинг советларга раҳбарлиги ҳақидаги китобида Рашидовни мактаб, осмонга кўтарди, бу даврга тенг келадиган давр йўқ эди, деб ёзади. Рашидовнинг вафотидан кейин Марказий Комитетга секретарь бўлди. Яхшиям унинг фаолияти кўпга чўзилмади. Акс ҳолда оқибатини тасаввур қилиш қийин эмасди. Марказий Комитет пленумининг уни ишдан олиш ҳақидаги қарорини партия ташкилотлари, зиёлилар, бутун жамоатчилик кизғин маъқуллади. Бундан ҳам тегишли хулоса чиқариб олиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Отабоев:— Олам пайдо бўлибдики яхшилик билан ёмонлик ўртасида кураш кетади. Биз барибир ахирги яхшилик галаба қозонади деб ўзимизни овутамиз. Аммо яхшилик галаба қозонгунча анча-мунча қабохатлар, адолатсизликлар ҳам содир бўладики, бунинг оқибатини баъзан бир умр тузатиб бўлмайди. Яхшиси, ёмонликка йўл қўймадик керак. Аммо бу айтишга осон. Имон-этиқод инсоннинг маънавий оламда бир компас бўлиб, унга тўғри йўлни кўрсатиши керак эмасми? Загори экранда пахтани кўшиб ёзиб, катта-катта пора олган одамнинг сўзини эшиттиришди. Нега пора олдингиз, деган саволга у «Менга буюришди, шундай қилмасанг бўлмайди деб мажбурлашди», деди. Совет мактабида ўқиган ўша олиёулмаднинг кайсига «Ахир ўзингнинг калланг, виждонинг кайсига эди?» дея хитоб қилгинг келади. Шу ўринда, Расул Ғуломович, бир нарсага алоҳида эътиборингизни тортмоқчиман. Жуда кўп ҳалол, меҳнаткаш одамларни жиноят йўлига раҳбарлар, аниқроғи райком ва обком секретарлари тортишди. Дўппи тор келиб, сичқоннинг ини миёна танга бўлганда эса ўзларини қўй оғзидан чўп олманг,

га жуда эрта қадам қўйдик, назаримда. Аммо бунга заррача ачинмаймиз. Аксинча, фахрланамиз. Ахир қишлоқдаги тенгдошларимиз ҳамон мустақилликка қадам қўйишгани йўқ. Уларнинг мустақиллиги ўз қўлида эмас, балки ота-оналарининг қўлида десам, муболага қилмайман. Қишлоғимиздаги қизларни кўпинча ўнинчи синфни битиришлари билан турмушга бериб юбо-

ришади. Еки ўғил болалар ота-оналари айтган ўқишларга киришлари шартдек. Ўзлари севган касбни танлашга жон-жаҳдлари билан интилишмайди ёки бошқача қилиб айтганда, уларда мустақиллик йўқ.

Ҳозир мамлакатимизда қайта қуриш, жадаллаштириш кетмоқда. Ошқоралик, демократия деган сўзларни ҳар биримиз ҳар куни кундалик ҳаётимизда учрати-

беозор қилиб кўрсатдилар, берган буйруқларидан тондилар. Шундай вазиятда баъзан мутлақо гуноҳсиз-айбсиз одамлар ҳам жавобгарликка тортилиб кетмоқда. Қонунларимизни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ҳам жиддий нуқсонлар содир бўлмоқда.

Ғуломов:— Тўғри. Аммо биз рашидовчилик тугатилган заҳоти ҳаётимиз бутунлай равон, текис йўлга тушиб олади деб ўйламаслигимиз керак. Олдинга силжиш фақат кураш натижасида бўлади. Кураш эса осон эмас. Турғунлик даврида авж олган кўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар қуйдан эмас, юқоридан, юқорининг ташаббуси — тазъийки билан бўлган. Жойлардаги ишга масъул одамлар мажбур қилинган. Албатта, бу борада биринчи навбатда партия сафларидаги айниб кетган, ленинча йўлдан тойиб кетган кимсалар айбдор. Лекин, юқоридан мажбур қилинган деган сабаб билан қонунни бузганларни бутунлай гуноҳсиз дейиш ҳам тўғри эмас. Шунинг учун биз бундай кўнгилсиз ҳолларнинг такрорланмаслигини хоҳлар эканмиз, ким томонидан нотўғри кўрсатмалар берилмасин, уни рад қилишимиз, бу билангина кифояланмай, қонунни бузувчилар билан қатъий курашишимиз керак.

Отабоев:— Ҳақиқат ва адолат учун курашиш, ҳатто тўғри гапни айтиш қийин бўлган йилларда ҳам имон-этиқодига хиёнат қилмаган виждонли одамлар бор эди. Она-замин мана шулар туфайли барҳайт. Ана шундай одамлар ҳақида гап кетганда биз бугун академиклар Ҳабиб Абдуллаев, М. Муҳаммаджонова ва ёзувчи Абдулла Қаҳҳорларнинг номини алоҳида меҳру ихлос билан тилга оламиз. Ёзувчи Комил Икромов «Вақти-соати етди...» мақоласида Сизнинг коммунист-раҳбар сифатидаги принципиаллигингиз, тўғрисиўзлигингиз, жумладан Рашидов билан муносабатларингиз ҳақида ёзади. Шу ҳақда, агар мумкин бўлса, ўзингиз батафсилроқ гапириб берсангиз. Менимча, бу тафсилотларнинг ибратли томони бор, албатта.

Ғуломов:— А. Қаҳҳор, Ҳ. Абдуллаев каби принципиал позицияда турган одамлар ҳақидаги мулоҳазаларингиз жуда тўғри. Ўзим ҳақимда гапириш эса менга ноқулай...

Мен Расул Ғуломовичдан шундай гапни кутган эдим. Илтимос қилганимдан кейин у йккиланиш-истихола билан айрим хат-хужжатларни олдимга қўйди. Шароф Рашидовга ёзган хатида мана шундай жумлаларни ўқидим: «Кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган улкан олим, СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, республикадан чиққан биринчи Ленин мукофоти лауреати Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев асосиз қатъий жазоланди. У Республика фанлар академиясига президентлик қилганида ўлкамиз йирик илмий марказга айланган эди. Мана шундай одам асосиз ишдан олинди. Кўп ўтмай у оғир касалга дучор бўлди ва вафот этди. Унинг ўлими — уволи ҳам сенинг буйнингда...»

«Партия ва халқнинг ишончи туфайли мана шундай юксак лавозимни эгаллаб турган сендай одам булоқ каби тоза, мусатффо бўлмоғи лозим эмасми? Минг афсус ва чуқур ишонч билан айтаманки, сен ундай эмассан! Сени тоза чашмага қиёслаб бўлмайди. Аслида сен «Мен раҳбарман, бошқаларга мумкин бўлмаган нарса менга мумкин» қабилда иш тутадиган раҳбарлар тоифасидансан».

Р. Ғуломов мазкур хатни КПСС Марказий Комитетига, унинг Бош секретарига ҳам юборди. Махсус комиссия тузилди. Аммо комиссия ҳатда кўтарилган принципиал масалаларни холис, объектив ўрганиш ўрнига Расул Ғуломовичнинг ўзини айблашга шошилди. Р. Ғуломов Марказий Комитет Президиуми аъзолари ҳузурида бунга жавобан шундай дейди: «Менинг аламзадалигим, фактларни чалкаштирганим, тухматчилигим нимада кўринади ахир? Наҳотки уставда кўрсатилган ҳуқуқимдан фойдаланиб, Марказий Комитет

секретари номига хат йўллаб танқидий мулоҳазаларимни айтганим шундай хулоса чиқаришга асос бўлса? Еки ўртоқ Рашидов танқиддан четда турмоғи лозими? Балки КПСС уставининг унга даҳли йўқдир?»

Ўтмишдаги иллатлар, раҳбарларнинг хатоликлари қораланаётганда кўпинча: «Ўша вақтда қайсига эдинглар? Нега бу гапларни ўшанда, ўз вақтида айтмадинглар?» деган ҳаққоний савол — эътирозларни кўп эшитаемиз. Мен бу ўринда Расул Ғуломовични намуна қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Ибрат — сабоқ бўлар дея айрим факт-тафсилотларнигина келтирдим. Фактлар эса ўзар нарса; ҳар ким ундан ўзига яраша хулоса чиқариб олар. Фақат бир мулоҳазани катта афсусармон билан таъкидламоқчиман: ҳарқалай, ўша йиллари Р. Ғуломовга, А. Қаҳҳорга, Ҳ. Абдуллаевга ўхшаган одамлар кўпроқ бўлганда эди, бунчалик аянчли хатоликларга балки йўл қўйилмасмиди... Балки шунда умри бемаҳал ҳазон бўлган А. Қаҳҳорлар, Ҳ. Абдуллаевлар ҳозир орамизда юриб, шу кунларга гувоҳ бўлишармиди...

Юқоридаги воқеа-тафсилотларни эслаш Р. Ғуломовга осон эмас; беихтиёр кўнгилга адоқсиз қайғу-ғусса чўқади. Уни чарчатиб қўйганимни сездим. Хаёлни ёруғ хотираларга бургим келди.

Отабоев:— Расул Ғуломович! Сиз ҳозир уруш ва меҳнат ветеранлари республика Кенгашига бошчилик қилиясиз. Айтингчи, Кенгаш ёшлар масаласи билан қай даражада шугулланади? Оталар ишининг ҳақиқий давомчиларини тарбиялаш, авлодлар ворислигини таъминлаш борасида ҳурматли ветеранларимиз қандай ишларни амалга оширмоқдалар?

Расулов — Ёш авлод тарбияси Кенгашимизнинг асосий диққат марказида турадиган масалалардан биридир. М. С. Горбачев комсомолнинг XX съездида сўзлаган нутқидан халқимиз ёш авлод билан фахрлигини, мамлакат истиқболи, Октябрь идеаллари тантанаси, ёшлар тарбияси билан боғлиқлигини алоҳида таъкидлади.

Ёшларни гоёвий-ахлоқий баркамоллик, интернационализм, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ҳамisha биз ветеранларнинг диққат марказимизда бўлмоғи лозим. Бизнинг ветеранлар ташкилотимиз айниқса мурабийчилик ҳаракатида диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқда. Ветеран-мурабийлар ёшларга ҳаётий-меҳнат тажрибаларини, шарафли ишчи касбининг сир-асрорларини бажонидил ўргатмоқдалар. Республикамида бу борада етарли тажриба тўпланди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мурабий», ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг «Ёшлар мурабийси» фахрий нишонлари таъсис этилди.

Айни чоғда биз ветеранларни айрим тоифа ёшлар ўртасида кенг тарқалган иллатлар — турмушга манфаатпарастлик нуқтаи назардан ёндошиш, ичкиликка ружу қўйиш, гиёҳвандлик, жиноятчилик ва мешчанлик жиддий ташвишлангирмоқда. Шунинг учун ҳам биз ёшлар тарбиясида шу маҳалгача ҳукм суриб келган юзакилик, формализмга барҳам бериб, таълим-тарбия ишининг янги-янги шакл-воситаларини, таъсирчан усулларини қидириб топишимиз, ижод қилишимиз лозим. Қайта қуриш ва жадаллаштириш талаби ҳам ана шунга таъсир қилади.

Отабоев:— Самимий, мазмуни суҳбатингиз учун катта раҳмат, Расул Ғуломович! Сизга сихат-саломатлик ва узоқ умр тилайман.

Суҳбатни Шодмонбек ОТАБОВ олиб борди.

турибмиз. Шундай экан, ўша қайта қуриш, ўша жадаллаштиришда биз ўқувчилар ҳам, биз комсомол ёшлар ҳам фаол иштирок этишимиз керак. Ҳаётимизда учраб турган камчиликлар ечимини кутиб ётган муаммоларни ҳал қилишимиз, рўйи-рост айтишимиз керак. Қисқаси, ўз мустақиллигимизни ўзимиз қўлга олишимиз керак. Айниқса қишлоқ ёшлари бу ишга жиддий

қарашлари керак. Қачонгача ўз мустақиллигини қўлига ололмай юради улар? Шу ўринда ҳам-қишлоқларимизга шундай дегим келади:

— Ўз мустақиллигингизни қўлга олинг. Бусиз ҳаёт сермазмон бўлмайди!

Давра суҳбатини У. АБДУАЗИМОВА уюштирди.

РЕДАКЦИЯДАН: Мустақиллик ҳақидаги мунозарамиз давом этади. Мустақилликнинг ўзига хос ҳам яхши, ҳам ёмон томони бор. Азиз ўсмирлар! Жамиятимиз тубдан яхшиланаётган қайта қуриш даврида маънавий оламимиз қандай бо-

йиб бормоқда? Кимлардан ўрнак олишга, кимларга ўхша-га интилайсиз? Ўзингиз қайта қуришда қандай иштирок этаёйсиз? Тезкор давримизга муносиб бўлиш учун нима-ла қилаёйсиз? Хатларингизни кутамиз.

МУНОСИБ ЎРИН-БОСАРЛАР КЕРАК



Т. СТЕФАНОВСКИЙ
генерал-лейтенант,
Қизил Байроқли
Туркистон ҳарбий округи
сиёсий бошқармаси бошлиғи,
ҳарбий кенгаш аъзоси.

Шу йилнинг май ойида Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ташкил этилган куннинг 70 йиллигини нишонлайди. Округ ҳарбий Советининг аъзоси, сиёсий бошқарма бошлиғи генерал-лейтенант Геннадий Александрович Стефановскийнинг мақоласи шу шонли санага бағишланган.

Бугунги кунда барча совет йигит ва қизлари, шу жумладан армия ёшлари ҳам қайта қуриш натижасида келиб чиққан революцион ўзгаришларнинг актив иштирокчиларидир. Улар она-Ватанимиз хавфсизлиги посбонлигида ҳушёр турибдилар. Бу комсомолнинг ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида олиб бораётган катта ва жиддий ишларининг натижасидир.

Округимиз йигитлар учун жасорат, сиёсий етуқлик, қатъиятлик, ватанпарварлик ва интернационал бурчи адо этишга шай туришлик мактаби бўлиб қолди. Ёшларимиз зиммаларига юклатилган топшириқларни бемалол уддалаяптилар, она-Ватанимизни, унинг жанубий чегараларини муҳофаза қилиш бўйича ўз бурчларини муносиб бажаряптилар. Ўқув ва ўқув-жанговар топшириқларни бажаришда

совет жангчилари кўрсатаётган фидойилик, қаҳрамонлик ва жасоратнинг кўп сонли намуналари ана шундан далолат бериб турибди.

Албатта, бундай хислатлар ўз-ўзидан шаклланмайди. Унинг манбаи — оилада, мактабда, меҳнат коллективидадир. Шу маънода оммавий мудофаа ишларини, аҳоли орасида энг аввало, ёшлар орасида юксак маънавий-сиёсий, жанговар, руҳий хислатларни шакллантиришнинг аниқ мақсадга қаратилган, узлуксиз жараёни сифатида олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

КПСС Марказий Комитети бу ишларнинг аниқ программасини белгилаб берган. Бу программа ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жисмоний тобланиш билан боғлиқ масалаларга комплекс ёндошишни кўзда тутди, давлат аҳамиятига молик бу вазифани ҳал этиш партия, совет ва комсомол органлари, ҳарбий комиссариатлар, халқ маорифи ва ҳунар-техника таълими органлари, ДОСААФ, спорт ташкилотларининг ҳамкорлигида, дўстона иш юритишларини тақозо қилади. Республикаимизнинг бир қатор район, шаҳар ва областларида амалга оширилаётган амалий тадбирлар системасининг натижалари жойларда олиб борилаётган ишлар мазмунан бой, шакл ва методлар жиҳатидан ранг-баранглигидан далолат бермоқда.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда кўпгина область ва шаҳарларда бу ишларнинг планли ва мақсадга қаратилган бўлишига, ҳарбий қисмлар, билим юртлари ва ҳарбий комиссариатлар куч-ғайратини ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда оммавий-мудофаа ишлари ташкилотчиларининг фаолияти билан бирлаштиришга эришдик. Ҳамкорликдаги бу ишлар натижасини ошириш бўйича конкрет амалий тадбирлар, амалий тавсиялар 1986 йилда республика илмий-амалий конференциясида муҳокама қилинди, бу ишларнинг қандай бажарилаётгани жойларда ўрганиб чиқилди, ўтган йили ҳарбий раҳбар кадрлар, партия, совет, комсомол органлари, ёшларни армияда хизматга тайёрлашга масъул министрлик ва идораларнинг вакиллари билан ўтказилган махсус кенгаш муҳокамасига кўйилди. Ёшларни армияда хизматга тайёрлашдаги ижобий ўзгаришлар ҳозирдан кўриниб қолди. Маҳаллий комсомол ташкилотлари билан ҳарбий қисмларнинг оталиқ алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Бугунги кунда ҳарбий-ватанпарварлик ва оммавий мудофаа ишларининг шакл ва усуллари даражаси анча кенгайди, қисм ва ҳарбий комиссариатларнинг офицерлари, билим юртлари курсантлари билан ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ташкилотчиларининг область ва районлар, округ горнизонлари бўйлаб агитучиш ва агитпоездларида ҳамкорликда қатнашишлари, «Зарница», «Орлёнок» ўйинларида, «офицер — қаҳрамонлик касби» ойликларида, ҳарбий билим юртларида ўтказиладиган «очиқ эшиклар кунлари»да, қақирлувчиларни Қуролли Кучлар сафига тантанали кузатувларда, запасга бўшатишган интернационалчи жангчиларни кутиб олишда иштирок этишлари одат тусига кирди.

Базасида бўлажак жангчилар университетлари, ҳарбий-ватанпарварлик лекторийлари, тўғрак ва секциялар, қисм ва бўлинмалар учун комсомол активлари резерви тайёрлаш мактаблари ишлаб турган офицерлар уйи ва солдат клубларининг, ҳарбий билим юртларида эса ўсмирлар ҳарбий ватанпарварлик тарбияси мактаблари имкониятларидан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ишларида янада кенгроқ фойдаланилмоқда. Тошкент, Термиз, Самарқанд ва бошқа бир қатор горнизон бундай иш соҳасида ижобий тажрибалар тупланди. Область ва районларда запасга бўшатишган интернационалчи жангчилар кенгаши ва секциялари тузилиши фойдали бўлди. Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар қатнашчилари айниқса, ҳарбий қисмлар бўлмаган жойларда пионер ва ўқувчилар орасида иш олиб боришга кенг жалб этила бошланди.

Қақирлувчилар орасида олиб бориладиган ишларни ташкил этишда комсомол комитетлари бераётган ёрдам салмоқли бўляпти. Қақирув комиссияси составига комсомол ходимларини киритиш, шунингдек хизматга йўл олган ёшлар эшелонига улардан комсорглар тайинлаш қақирлувчиларни интизомли ва уюшқоқ бўлишига кўмаклашди. Ҳарбий хизматни бажараётганда улар билан алоқани яхшилаш, оилаларига ғамхўрликни кенгайтиришга имкон берди.

Округ госпиталлари билан ҳарбий-оталиқ алоқаларининг шакллари такомиллашмоқда. У ёшлар орасида ҳарбий-ватанпарварлик ишларининг муҳим тарихий қисмига айланди. Комсомол ташкилотларининг ташаббуси ва иштироки билан ярадор ва бемор жангчиларга ғамхўрлик қилинмоқда. Область ва район комсомол комитетларининг фаол иштироки

Пештахта ортидаги

Хона ўқувчилар, ёшлар билан тўла. Ҳамманинг хаёлида келгуси ҳақида режалар, ўйлар... Ахир ширин орзулар оғушидаги ёшликнинг қалбига қулоқ тутмоқдан ҳам мароқли дамлар бўлар эканми? Ўқитувчи қаршидаги нигоҳларга тикиларкан шуларни ўйлади.

— Қани, болалар, хаёлингизга нимаики келса очик айтверинглар, қандай касб танламоқчи бўляпсиз?

Бугунги ўқувчи ҳам жуда биз ўйлаганча содда эмас, ақлли, ниҳоятда сиҷков. Улар устозининг сўзларини эътибор билан тинглади-да, сўнг савол беришга тутинишди.

— Сотувчилик ҳам яхши касбми?

— Албаттада, нимаси ёмон, ҳатто ўзимга қолса шарафли касб деб ҳисоблайман. Негаки доимо одамлар орасида бўласан, уларнинг мушкулени осон қилиб, ташвишларини камайтирасан, маоши ҳам айтарлик кўп эмас, яқшанба ҳам иш, қамақ душанба кунигина дам оласан. Вуларнинг ҳаммасига чидаш, сабр қилиш унчалик осон эмас.

Маълумки, кейинги пайтларда социологлар сотувчилик касби билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммоларни ўртага ташляпти.

Кўпчилик ёшларнинг савдо соҳасига ўзини ишининг сирин йўқмикин? Пештахта тагига яширилган моллар уларга бойлик орттириш учун қўшимча даромад бўлмаётими?

Кейинги пайтларда савдода қизлар, аёллар ишлаши лозим бўлган жойларни ҳам йигитларнинг эгаллаб олиши (хотин-қизлар кийимлари, пардоз-

андоз товарлари ва ҳоказолар) жамоатчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Натижада савдога, умуман сотувчилик касбига кўпроқ қизларни жалб қилишга алоҳида эътибор берила бошлади.

— Тўғрисини айтсам, — деди Зайниддин, — мен болалигимдан доимо одамлар билан муомалада бўлишни орзу қилардим. Балким шунданми Тошкентдаги савдо ҳунар-техника билим юртларининг бирига кириб ўқидим. «Саноат моллари сотувчиси» деган дипломни ҳам қўлимга олдим. Лекин ишга киришда кўп сарсон бўлдим. Ҳатто ўзим орзу қилиб, сотувчилик касбини танлаганимга пушаймон ҳам едим. Рост, мен жамиятга керак эмас эканман, давлат нега шунча маблағ сарфлаб мени ўқитди, деб ўйладим. Ниҳоят, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига мурожаат қилдим. Уларнинг бевосита ёрдами билан касбим бўйича ишга жойлашдим, секин-аста ташвишли кунларим ёдимдан кўтарилди. Лекин ҳамма шундай қийинчилик билан ишга ўринлашмаса ёшларнинг бу касбга бўлган қизиқиши сўниб кетмайдими деб ўйлайман.

«Ганга» комсомол-ёшлар магазинида савдо ходимлари ҳам ўзларини халқ хизматида астойдил бахш этганмиз деб мулоҳаза юритишади.

Яқинда Ўзбекистон комсомоли Марказий комитети, Тошкент шаҳар УБХСС ҳамда республика радио ва телевидениесининг қўшма рейди мазкур комсомол-ёшлар магазинида бўлиб, у ердаги ҳақиқий аҳволни кузатди.

«Ганга» магазини харидорлар билан гавжум. Қайсидир пештахта ёнида хотин-қизлар қўйлақлари, сочиқ... хуллас «ноёб» деб ҳисобланадиган моллар атрофида шов-шув кўтарила бошлади.

У ерда сотувчи Жавлон Аҳмедов — «Ганга» комсомол комитети секретарининг ўринбосари хизмат қилаётган эди. Албатта унинг ўзи ҳам «синглимнинг дугонаси тўйига», «таниш-билишларга» деб ноёб моллардан олиб қўйишни эсдан чиқармабди. Шунга қарамай у, ўзини оқлар, бу касбга болалигимдан қизиққанман деб айтарди.

— Сизлар ўйламанглар, мен бир қўлим билан мол сотиб, иккинчи қўлим билан дўнтакни тўлдирадиган одамлардан эмасман, уйимизда, оиламизда ҳам савдо ходимлари йўқ, ҳаммалари меδικлар...

— Ойлигингиз сизни қаноатлантирадимми?

— Албатта. Тўғри, ойлигим унчалик кўп эмас, 95 сўм. Лекин ҳозирча ёлғизман, агар оилалик бўлиб, иқтисод кўпроқ лозим бўлган пайтда бу ишимни ташлашим, маоши кўпроқ ишга ўтишим мумкин.

Мана шундай нохуш суҳбат устига «Ганга» магазини администратори Неля Лукмоновна Яфасова келиб қолди.

— Бу қандай гап бўлди, куппа-кундузия, пештахта тагига мол яшириб қўйиш? Албатта биз бундай номаъқул ишларга қарши курашамиз. Комсомол йиғилишимизда муҳокама қиламиз, мукофот пулларидан маҳрум этамиз.

Доимий одатга айланиб қолган бундай ясама,

билан Фарғона, Қарши, Термиздаги госпиталларнинг даволаш базаларини кенгайтириш бўйича амалий тадбирлар юзага чиқарилди.

Округ ҳарбий кенгаши республика маориф, олий ва ўрта махсус таълим министрликларига ўқув юртлари ҳарбий раҳбарларини танлаш ва ўқитишнинг сифатини яхшилашда, ўқув қуроллари, ускуналар билан тўла таъминлашда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Тошкент ва Самарқанддаги мактабларда бу масалалар амалий жиҳатдан ҳал этилган, Фарғона ва Урганчда эса бу иш поёнига етказилмапти.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича КПСС Марказий Комитети ва ВЛКСМ XX съезди белгилаб берган вазифаларни бажаришдаги ижобий ишларни эътироф этган ҳолда бу соҳадаги ишларда қайта қуриш ниҳоятда суст бораётганини баралла айтиш керак. Унинг аҳволи, энг муҳими, самарадорлиги чақирилувчиларни тайёрлашга бўлган замонавий талабларга ҳамма вақт ҳам мос келмаяпти, ҳарбий ватанпарварлик ишлари ижодкорлик ва ишчанлик характерини кейинги пайтларда аста-секин йўқотаётгани, зерикарли ёки юзаки тадбирга айланаётгани комсомол съездида бежиз тилга олингани йўқ. Округдаги кўпгина командирлар, сиёсий ходимлар ва ҳарбий комиссариатларнинг амалий фаолиятида область ва районларда ёшларнинг ҳарбий-ватанпарлик тарбияси ташкилотчилари каби замонавий ҳарбий хизматдаги сифат ўзгаришлар, армия ва флотнинг техник таъминоти, ёшларни социализм ютуқларини ҳимоя қилишга маънавий, жисмоний ва ҳарбий-техник жиҳатдан тарбиялаш соҳасидаги мақсадга қаратилган ишларни олдиндан — ёшлар чақирув участкасига бириктирилган даврдан, яъни Қуролли Кучларда хизмат қилишдан анча аввал ўтказиш заруриятини кўпинча эътибордан четда қолдирмоқдалар.

Ёшларни бевосита ҳарбий хизматга тайёрлаш даврида улар орасида ўқув-тарбиявий ишларига масъул бўлган барча орган ва ташкилотларнинг фаолиятини координациялаш бўйича вазифаларни ҳамон ҳал этолганимизча йўқ. Ҳарбий интизомнинг бузилиши, айрим ҳолларда эса ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, диний таассубларга берилиш намоён бўлмоқда. Чақирилувчилар билан суҳбат қилинганда уларнинг 40 процентдан ортиги қўшинларнинг қайси турида хизмат қилишнинг фарқи йўқлигини билдирди. Шубҳасиз, бу бефарқлик ҳарбий ватанпарварлик тарбиясидаги камчиликлар оқибатидир.

Республикамизнинг бир қатор область ва районларида ҳарбий таълимнинг ҳеч қандай формасига жалб этилмаган чақирилувчи ёшлар сонининг камайиб кетгани, айниқса, ташвишлидир. Кўпгина мактаб, техникум ва ҳунар-техника билим юртларида ўқув-моддий базасининг йўқлиги ёки ниҳоятда фақирона экани натижасида бошланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича амалий машғулотлар назарий машғулот билан алмаштирилади. Бирлашган ўқув пунктларида таълим олаётганлар машғулотли устидан на-



зоратни на тегишли министрлик ва на комсомол комитетлари амалга оширмоқдалар.

Республика комсомоли ёшларнинг рус тилини ўрганишини яхшилаш бўйича катта ишларни амалга ошириши мумкин ва лозим. Округ қўшинлари сафини тўлдирадиганлар орасида дастлабки пайтларда ҳатто ҳарбий коллективдаги ўртоқлари билан тиллашолмайдиган, оддий командаларни бажаролмайдиган, ўрта ва тугалланмаган олий маълумотли йигитчалар сони камаймаяпти. Бу муаммонинг маънавий томони ҳақида гапирмай, мана шунинг оқибатида уларнинг кўпчилиги масъулиятли касб ва сержантлик унвонига нолайиқ бўлиб, асосан хўжалик ва қурилиш ишлари билан шуғулланаётганини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Республика партия Марказий Комитети ва Олий Совет Президиуми бу муаммоларни ҳал этиш йўлларини белгилаб берди. Энди область ва район комсомол комитетлари ташаббус кўрсатишлари, маориф органлари билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик қилишлари лозим.

Бизнингча, Қуролли Кучлар учун мутахассислар тайёрлаш масаласи юзасидан комсомол комитетларининг ДОСААФ ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги жиддий қайта қуришга муҳтож.

Ҳарбий билим юртларини маҳаллий миллат ёшла-

ри ҳисобидан комплекташ вазифаси ҳам муаммо билан боғлиқдир. Ҳозир бизнинг офицерлар корпусида бундайлар жуда оз процентни ташкил этади. Бундай система бир қатор жойларда ўқувчи ёшларни ҳарбий касбларга йўналтириш ишлари қонқарсиз олиб борилаётгани оқибатида юзага келган. Шунинг натижасида биз ҳарбий билим юртларига номзодлар танлаб олиш планини йил сайин бажармаяпмиз, йўлланма билан юборилганлар эса умумий билими, жисмоний тайёргарлиги, тил ўрганиши жиҳатидан кўпинча талабга жавоб бермаяпти.

1987 йилда республикамиздан юборилган ҳар тўрт номзоддан бири ҳарбий билим юртига киролмади, ҳарбий билим юртида ўқишнинг дастлабки ойда қабул қилинганларнинг айримлари ўқишдан кетиб қолди.

Албатта, бизнинг республикадаги комсомол комитетларининг ҳаммаси офицерлик хизматининг моҳиятини пропаганда қилиш, ҳарбий билим юртларига ёшларни саралаб танлашда ҳарбий комиссариатларга ёрдамни яхшилаш, ўқиш жараёнида ўзини кўрсатган, оммавий-мудофаа ва ҳарбий ватанпарварлик тадбирларида фаол қатнашган ёшларни ҳарбий билим юртларига йўллаш билан жиддий шуғулланишлари лозим. Бўлажак абитуриент-

Ташвишлар

баландпарвоз гапларни эшитиш албатта ноқулай эди. Негаки ўз касбини астойдил севган одам ҳаммаша халқ манфаатини, унинг аҳтиёжини қондиришни ўйлайди, зарур молларни пештахта ортига эмас, одамларнинг олдига қўяди.

1987 йил 1 июлдан бошлаб, барча савдо ташкилотлари ўз-ўзини таъминлаш системасига ўтди. Энди ишлар қандай бўляпти? Бу ҳолат савдода қандай ўзгаришларни юзага келтирди?

Бу ҳақда Ўзбекистон савдо министрлиги меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг мудир Соҳиқа Исломова ғоят оптимистик руҳда ўз мулоҳазаларини изҳор этди.

— Ўз-ўзини таъминлашга ўтиш савдо соҳасида бир қанча реал имкониятларни яратиб берди. Бу имкониятлар албатта иш ҳақининг кўтарилиши билан бевосита боғлиқдир. Эндиликда ҳар бир савдо ходими вақтинча ишга чиқолмаган касбдошнинг вазифасини бажараётгани учун қўшимча ярим ставка иш ҳақи олишга, план бажарилган тақдирда муқофот пулини ҳам чегараланмаган миқдорда олишга эришмоқда. Натижада оддий сотувчининг ойлик иш ҳақи ҳозирда тахминан 180 сўмгача етиб борапти, бу назаримда жуда яхши.

— Савдо ходими ойлигининг ошиб бориши магазиннинг харидорбоп ва зарур моллар билан қай даражада таъминланишига ҳам боғлиқ, шундайми?

— Албатта.

— Бу борада ҳам ишлар юришиб бораптими?

— Афсуски бу борадаги ишлар кўнгилдагидай эмас. Ҳануз қабул қилинган товар ресурслари билан истеъмол этилган моллар ўртасида тафовут катта. 1987 йил бу тафовут ҳажми деярли бир миллиард сўмга етди. Йилнинг иккинчи ярмида енгил саноат министрлиги 16 миллион сўмлик ип-газлама маҳсулотларини, 13 миллион сўмлик трикотаж буюмларини етказиб беролмади. Магазинларнинг замонавий маҳсулотларга бўлган буюртмалари 17 процентга бажарилди. Агар бундай нуқсонларнинг олди олинмаса кўзланган мақсадга эришиш яна қозғоларда қолиб кетиши мумкин.

Кейинги пайтларда савдодаги бундай номутаносиблик ҳақида марказий матбуот ҳам жиддий мулоҳазалар айтаяпти. Шулардан иқтисод фанлари доктори А. Орловнинг «Огонёк» журналида чоп этилган «Янги» бозорнинг эски муаммолари» номли мақоласини кўрсатиш мумкин. Жумладан автор: «савдода кескин вазият сақланиб қолмоқда, ҳатто баъзи соҳаларда кучаймоқда... тахминан 10 миллион савдо ходимларининг маоши камайиш хавфи туғилмоқда» деб ёзади.

Булар ва бундай ҳолат қайтадан «ноёб моллар муаммоси»ни келтириб чиқармайдими? Яна одамлар кундалик зарур нарсаларни қидириш билан овора бўлмайди, ёки устига қўшимча пул бериб олмайди? Албатта буларни ҳал қилиш савдо соҳасининг кечиктириб бўлмайдиган зарур масалаларига кирди.

Лекин Соҳиқа Исломованинг бу борадаги мулоҳазалари ҳам оптимистик характерда.

САВДОДАГИ МУАММОЛАР

— Камёб нарса дейсизми? Йўқ. Ҳозир бизда камёб деган нарса йўқ. Масалан олтин асбобларни олинг. Буни илгари топишнинг иложи йўқ эди, гиламлар фақат рўйхатлар билан бериларди. Ҳозир эса марҳамат, хоҳлаганингизча олишингиз мумкин. Мана энди: сизлар хурсандмисизлар харидор ўртоқлар, деб айта оламиз.

Тошкент магазинлари бўйлаб айланишни давом этамиз. Саноат моллари магазинларининг бирида харидорнинг кўнгли тўладиган товарлар кам. Сергелидаги «Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик бирлашмаси ишлаб чиқарган маҳсулотлар сифатсиз. Пенсонерлардан бири маънос тортиб, пештахта ортидаги сотувчига пичирлайди: «Кўнглингга ёқади, ташвишингни енгил этадиган тайинлик бирор нарса йўқ».

— Бўлиб қолар.

Пештахта ортидаги бу йигит бир вақтлар Глиэр номли музыка мактабининг халқ қолғу асбоблар бўлимида ўқийганида, бу сеvimли касбдан ажралишни сира ўйламаган эди. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз, қўли операция қилинди-ю, ўқишни давом эттиришнинг имкони бўлмади. Музыка унинг иккинчи касбига айланиб қолди, сўнг савдо билим юртига кириб сотувчилик касбини эгаллади.

— Аввалига одамларнинг бир тийинига ҳам хиёнат қилмадим, — деб ҳикоя қилади ёш йигит, — «тажрибали» ҳамкасбларим бу ишимни унча хушламади, кейин пештахта ортидаги ташвишлардан қутилишнинг йўли қийин бўлди.

ларга кириш имтиҳонларига тайёрланишда ёрдам кўрсатиш, шу мақсадда консултация пунктлари ташкил этиш керак. Ҳарбий билим юртлари ҳузуридаги ўсмирларнинг ҳарбий-ватанпарварлик мактаблари имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш зарур.

Ёшларни армия хизматига жисмоний тайёрлашдек муҳим вазифа расмиятчилик билан ҳал қилин-япти, комсомол ва спорт комитетлари, маориф органлари унга етарлича эътибор бермаяптилар. Биз шу пайтгача қақирув ёшидаги ҳар бир йигитчанинг оммавий-спорт соғломлаштириш лагерларида тайёргарликдан ўтишига эришганимиз йўқ. Бир қатор районларда умуман бундай лагерлар йўқ. Бундай объектлар ҳар бир район комсомол ташкилоти учун зарбдор қурилишга айланиши лозим. Ўзбекистоннинг бир қанча областларида ўтказилган текширув қақирилувчиларнинг атиги 32 процентига ГТО ишони ва спорт разряди тўғри берилганини кўрсатди.

Ҳарбий комиссариатлар ва ЛКСМ комитетларида қақирув ёшига етмаган ва қақирилувчи ёшлар билан профилактика-даволаш тадбирлари самарадорлигини таъминлаш учун барча имкониятлар бор. Бироқ, Тошкентдаги айрим касалхоналарда текширув ва даволашга юборилган қақирилувчилар ичкилик-бозлик, гиёҳвандлик билан шугулланмоқда, тартибни бузишяпти, мана шу бузғунчилик оқибатида улар касалхонадан муддатидан илгари чиқариб юборилмоқда, улар даволанмасдан армияга жўнаб кетмоқдалар.

Биз шу пайтгача процент кетидан қувиш, қақирилувчиларни расмиятчилик билан, шоша-пиша комсомолга оммавий қабул қилиш ҳолларига дуч келиб турибмиз. Бундай тадбирнинг зарарини киши кўз олдига келтириши мумкин, аммо у армия шароитида янада чуқурлашади.

Ҳозир мамлакат ҳарбий комиссариатлари ва ҳарбий қисмларда алоҳида вазият ҳукмрон — баҳорги қақирув ўтказилмоқда, ёш ўринбосарлар жўнатиляпти ва кутиб олинапти. Табиийки, бизни ёш ўринбосарларнинг тайёргарлик масаласи ҳаяжонга солади: у қисқа муддатда армия сафига турулолади, катта авлод аъналарини давом эттира олади-ми?

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ва ёшларни армия хизматига тайёрлашнинг кўплаб резервлари ҳақида гапирар эканман, жойларда бу ишларни

жонлантириш, яқиний натижаларни оширишга ёрдам берувчи конкрет таклифларимни айтиб ўтмоқчиман.

Кўпгина область ва районларда ёшларни армия ҳамда флотда хизмат қилишга сифатли тайёрлаш учун ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, оммавий-мудофааси ва спорт ишларини уюштиришда маълум ижодий тажрибалар тўпланди. Фикримизча, бу тажрибани оммалаштириш бу ишларни ташкилотчилари учун методик қўлланма тайёрлаш лозим.

Совет Қуролли Кучларининг техника билан мукамал таъминлангани ҳаммага маълум. Бугун замонавий танкни бошқараётган, ракета комплекси пульти ёнида ўтирган, овоздан тез учадиган ракета элтувчи самолёт штурвалини маҳкам тутган кечаги ўқувчи, колхозчи ёки ишчининг ҳарбий-техник тайёргарликка бўлган талабини ҳам тасаввур этиш мумкин ва ҳоказо. Армияда икки йиллик хизмат — билимдон ҳарбий хизматчини тайёрлаш учун ниҳоятда оз муддат. Шу боисдан барча комсомол ташкилотларини бўлажак жангчиларнинг техник умум-таълими учун чиннакам курашга жалб этиш керак. Шу муҳим ишда ҳарбий қисмлар ҳам, ДОСААФ ташкилотлари ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишлари лозим. Бу ишнинг аниқ системаси бўлиши, юқори кўрсаткичларга эришиш учун курашнинг мусобақавийлиги жорий этилиши, маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш қўлланиши зарур.

Партия, совет, ҳарбий ва комсомол кадрлари ва органлари бош вазифа — ёшларнинг энг яхши вакиллари билан бирлаштирувчи офицерлар состави билан Қуролли кучларни тўлдириш вазифасини ҳал этишда ўз куч-ғайратларини бирлаштиришлари лозим бўлади. Эҳтимол, офицерлик касбининг давлат аҳамиятига моликлиги ва нуфузлигини пропаганда қилувчи идеологик тадбирлар системасини ҳам, бу мураккаб ва масъулиятли фаолиятни рағбатлантирувчи ташкилий, ижтимоий-машиий ва моддий тадбирлар комплексини ҳам бирлаштирувчи мақсадга қаратилган программани ишлаб чиқариш ва амалга ошириш вақти етиб келди.

Ҳарбий-билим юртлари қошидаги ҳарбий-ватанпарварлик мактабларининг ишларини анча яхшилаш лозим. Республика комсомол ташкилотлари ЛКСМ Марказий Комитети бошчилигида билим юртларига номзодларни саралаш ва юқори малакали офицер кадрлари тайёрлашни ўз назоратларига олишлари


лозим. Комсомолнинг ҳарбий билим юртлари устидан конкрет талаб қилиши бу ишларнинг сифатига катта таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Мудофаа министри томонидан ўтган йилнинг куз фаслидан бошлаб қақирилувчиларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришнинг янги тартиби жорий этилди. Янгиланишнинг бири — ҳар бир қақирилувчига характеристика тайёрлаш. Бу характеристика, агар у холисона ёзилган бўлса, ёш солдатнинг шахсий карточкаси бўлиши лозим. Қисм ва бўлималарнинг командирлари, сиёсий ходимлари, партия ва комсомол ташкилотлари унда ёзилганларни эътиборга олиб тарбиявий ва ўқув тадбирлари системасини тузиб чиқишлари лозим.

Шу муносабат билан ҳарбий комиссариатларга, демак, қўшинларга ҳам янги тарбиявий механизмни сошлашда, комсомол ходимлари ва активларининг ёрдами лозим бўлади. Бошланғич комсомол ташкилотлари армияга йўллайдиган ўз вакилларининг кучли ва кучсиз томонларини тезроқ билиб олишимизда кўмаклашадилар ҳамда уларнинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий сифатларига ҳаққоний баҳо берадилар, деб ишонамиз.

Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини, армия хизматига тайёрлашни тубдан яхшилашда уларнинг округ қўшинлари комсомол ташкилотлари ҳам янада актив ва конкрет позицияни эгаллашлари лозим. В. И. Лениннинг «казармаларни завод ва фабрикаларга яқинлаштириш лозим», деган сўзлари ҳар бир раҳбар, шу жумладан комсомол ходими учун ҳаракат қўлланмаси бўлиши, ёшлар тарбияси маҳорати, мамлакат мудофаа қудратини юксалтириш, Қуролли Кучларда ёшларнинг жанговар шайлигини ошириш йўлида талаб алоқаларини мустаҳкамлашга ундаши лозим.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, ёшларни армия хизматига тайёрлаш барча кадр ва ташкилотларнинг конституцияда белгиланган вазифаси, бурчи ҳисобланади. Бу иш кўп қиррали, ҳаммага — мактаб ўқувчиларидан тортиб республика ва округ миқёсидаги раҳбарларгача тааллуқлидир. Биз ҳаммамиз уни янада яхши, янада самарали қилишимиз керак. Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг командирлик ва сиёсий кадрлари, партия ва комсомол ташкилотлари ўзларининг амалий вазифаларини шундан иборат деб билмоқдалар.



Пештахта ортидаги йигитнинг сўзларига баъзан ишонинг келади, баъзан ачинасан, баъзан одамларнинг ўзига ҳам ҳайрон бўласан.

Албатта мен одамлардан «бунинг устига пистонча пул берасиз» деб сўрамайман, — дейди ўша йигит, — уларнинг ўзлари: «уни олиб қўйинг», «бу нарса керак эди» дейишади, уларнинг илтимосини бажараман, ташлаб кетишади, йўқ, олмайман, деймайман.

Буни ва бундай «ҳожат чиқариш»ни яхши ният билан эл хизматини бажаришга бел боғлаган ёш савдо ходимининг ҳалоллиги деб бўладими?

Ўз-ўзини таъминлашнинг жорий этилиши яхши бўлди. Лекин савдода бунинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор.

Магазинларга харидорбор товарлар келса-ку яхши, келмасачи? Ахир бунинг ижобий кафолатини ҳеч ким ўз зиммасига ололмайди-ку? Оқибат яна «камбўлик», яна пештахта ортидаги «ташвишлар», «ҳожат чиқариш»лар кўпаймайдими? Булар ҳам савдода иккинчи даражали масалалар эмас.

Савдо ходими бўлишни бойлик орттириш, ҳеч нарсага муҳтож бўлмай яшашнинг ягона йўли деб ўйлайдиганлар ҳам оз эмас. Бундайлар аввалига орзусига эришгандай бўлиб кўринади. Лекин ҳеч қачон қинғир ишнинг охири хурсандчилик билан тугаган эмас.

Дурдона Зокирова мактабда ўқиётганида ҳамма қатори ширин хаблар оғушида яшаган. Аввалига шифокор, сўнг актриса бўлишни орзу қилган. Лекин ҳаёт уни орзу қилган йўллариغا олиб бормади, савдо ходими бўлди, «Тошгалантерейторг»нинг филиал магазинида кичик сотувчи бўлиб ишлади. У 1987 йил 19 июнда ўзи ишлаб турган магазинга ўт қўйиб юборди, давлатга 65575 сўм зиён келтирди. Дурдона буни атай қилган, лекин нима учун?

Афсуски, бу ишнинг нима мақсадда қилинганлиги ҳозирча бизга қоронғи.

Аввалига ёшлар ҳалол ишлайман деб савдо ишига қадам қўйсада лекин бу яхши ниятлар ҳамини ўзини оқламайпти. Турли магазинларда юз бераётган нохуш ҳоллар, айрим савдо ходимларининг ҳаром йўлга қадам қўйишидек хатти-ҳаракатлари бу мулоҳазаларнинг тўғрилигини исбот этапти. Фактларга мурожаат этиб кўрайлик.

1987 йил, 3 сентябрда Олой колхоз бозорида «Ташкомиссионторг»нинг сотувчиси Исмомил Хабиров (1961 йили туғилган) чет эл соатлари, маг-

нитафон ва бошқа қимматбаҳо буюмларни сотаётганида ушланди.

1987 йил 6 октябрда, Октябрь колхоз бозорида «Ташгалантерейторг»нинг 33-магазини сотувчиси Гулнора Маматқулова (1967 йили туғилган) ҳам ноёб молларни чайқов қилаётганида қўлга тушди.

1987 йил 15 ноябрда Привокзальный майдонида «Ташгоркоопторг» ишчиси Лев Терюшков (1960 йилда туғилган) «Русская водка»ни хуфиёна пуллаётганида қармоққа илинди.

Бундай рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Кўриб турибсизки, буларнинг ҳаммаси деярлик ёшлар, балким улар ҳам бу соҳага яхши ният билан қадам қўйгандир, элга хизмат қиламан деб ўйлагандир?

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси УВХСС бўлимининг бошлиғи Н. И. Дмитриенко бундай хуш хатти-ҳаракатларга қарши курашни кучайтириш учун фақат ички ишлар ходимларининг

сонини кўпайтириш билангина эришиб бўлмайди, деб тўғри мулоҳаза айтяпти. Бу борада энг аввало жамоатчиликнинг актив фаолияти керак.

СССР Министрлар Советининг сифатсиз, талабга жавоб бермайдиган маҳсулотларни савдога қабул қилмаслик ҳақида махсус кўрсатмаси бор. Лекин шунга қарамай савдода бу қарор тўла ўз кучини кўрсатяпти, деб айтиш қийин. Ҳануз сифатсиз, яроқсиз маҳсулотлар савдога чиқариляпти, эҳтиёж зарурияти туфайли одамлар олишяпти.

Бундай хатти-ҳаракатларни танқид қилиш албатта осон. Лекин нуқсонни фақат танқид қилиш билангина тuzатиб бўлмайди-ку. Вугунги соғлом фикрлаш, кишиларнинг мулоҳазалари шундай.

Сотувчилик шубҳасиз шарафли касб. Мактаб партасидан хайрлашаётган ҳар бир ўқувчи бу касбни танлашга аҳд этганида, албатта ундаги «шарафли» сўзига доимо содиқ қолишни ёдда тутишлари керак.

Б. ГЕРШГОРИН



Ёшлик қайтиб

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим хотира-қиссасини ёзиб тугатди. Адиб хотиралари ўқувчи хабарини республикада ижтимоий янгилашни билан боғлиқ бўлган турли жабҳаларга етказди. Хотиралар муаллифнинг шахс камолотининг улғайиш лаҳзаларини кўз ўнгимизда гавдалантиради. Кўйида журналхонларга маасур қиссадан лавҳа тақдим этилмоқда.

Мен туғилган Фарғона музофоти, Қува волости, Сойкелди қишлоғида у вақтда туғилишдан гувоҳлик берадиган турғуқхона ҳам, туғилишни рўйхатга оладиган ЗАГС ҳам, ҳозиргидай қишлоқ совети ҳам йўқ эди. Улуғ Октябрь инқилоби ғалабасидан кейин, қишлоқларда ҳам Совет ҳокимияти ўрнатилгач, бу ишлар аста-секин йўлга қўйилди. Унгача одамларнинг туғилган йили — мучали билан юртилар, унинг ёшини неча мучал кўрганга қараб белгилар эдилар. Винобарин, йили тахминан аниқлангани билан туғилган кун камдан-кам ҳисобга олинарди. Шунинг учун ҳеч ким туғилган ойна, кунини аниқ билмасди. Анкеталар тўлдириш даври бошланган вақтда кўпчилик мучалчининг оғзига қараб қоларди.

Шу иш менинг ҳам бошимга тушганди. Пионерликка ўтиш вақтида туғилган йилим, ойна, кунини сўрадилару, аниқ ёзолмадилар. Ўзим билмасдим. Комсомол сафига ёзилиш вақтида (ҳа, «комсомолга ёзилиш» бор эди ўшанда) ойна, кунини ҳам аниқ ёзиш керак бўлиб қолди. Балиқ йили, кеч кузда, офтоб чиқиб турган кунда дунёга келгансан, дедилар онам Тўхтабиби. Бу гаплар ҳам мени қониқтирмади. Тахминий санани қабул қилишни хоҳламадим. Мучалчига бор, дейишди, мучалчини махитдан топасан.

Биз Сойкелди қишлоғининг Шарқий этагида яшардик. Маҳалламизни «Ит овқат» деб ҳам атардилар. Унинг номи менга жуда дағал, ҳақоратдай эшитиларди. Нима учун «Ит овқат?» — тагига етолмай ҳайрон бўлардим.

«Ит овқат» маҳалласининг биттаю-битта кўзга кўринарли иморати — махити бор бўлиб у ҳар кунни уч маҳал: тонгда, пешинда, хуфтонда гавжум бўларди. — Маҳалла эрақлари жам бўлиб, номоз ўқиб кетардилар. Бошқа вақтларда Махит ҳовлиси болалариники бўлиб қоларди, унинг ташқи супасини эса, қотма юзли, хипчагина кўса одам эгалларди. У сийрак соқолини гўё битталаб санаётгандай бармоқларида силаб, бир қўлида тасбеҳ ўгириб ўтирар, ўқтин-ўқтин болаларга «шовқинлашма, жужуқлар» деб кўярди. Утган-кетган унга эгилиб салом берар, йўловчилар ундан йўл суриштирар, бозорчилардан эса унинг ўзи ҳам нархнаво сўраб кўярди. Маҳмудхўжа ота деб аталмиш бу қария ҳамма нарсадан хабардор, билимдон одам бўлиб, каттаю-кичикнинг маслаҳатгўйи эди. Махит ҳовлисида бўлиб турадиган дарвишонаю, ҳалимхонлик маросимлари ва тўй-маъракаларнинг бирортаси унинг иштирокисиз ўтмас, қишлоқда юз берган ҳеч бир нарса унинг назаридан четда қолмасди. Бир сўз билан айтганда, Маҳмудхўжа ота қишлоқ ҳавосининг барометри, жонли энциклопедияси эди.

Мен уни ўша эски Махитга кираверишда йўл бўйидаги супада учратдим. Кўриниши — ўша ўша, қотма юзли, хипчагина, кўзлари юмикроқ, чап қўлида сийрак соқолини силаб, ўнг қўлида тасбеҳ ўгириб ўтирибди.

Оёқ товушини эшитибми, ўзининг ҳузурига келаятган одамга эътибор бериб, соқол силашни бас қилди, аммо тасбеҳ ўгиришни тўхтатмай супоқ бўлди. Сал наридан салом бериб, ҳузурига яқинлашдим. «Одамларни оёқ ташлашдан белида неча пули борлигини биламан» дер эди у киши.

— Маҳмуджон ота! Мен комсомолга ёзилмоқчиман. Туғилган кунини сўраптилар... — дедим кўл қовуштириб.

Маҳмудхўжа ота овозимдан мени таниди.

— Ҳошимми ўғли Иброҳимжонмисан? Хўш, бўтам, ке, ке, ёнимга ўтир, — деди-да, ўнг биқинидан жой кўрсатди. — Ўтира қол, бўтам. Хўш, мучал суриштириб келдингми?

— Туғилган куним...

— «Тушундим», — деди-да, Маҳмудхўжа ота

чап қўлида сийрак соқолини силаб, ўнг қўлида тасбеҳини ўгиришкан дон-дона гапира кетди:

— Ҳошимми кенжаси ўша Иброҳимжон бўлсанг... мучалинг балиқ. Балиқ йили, анорлар пишган, пахта теримининг авжи палласида, ойнанинг ўртасида, Тўхтасин Муроб қора от сотиб олган бозор кунни туғилгансан, бўтам...


Унинг гапларидан болалигимда кўрган-кечирганларим ёдимга тушди... «Болаликда кўрғанинг — кўзингга жойлашиб, эшитганинг — қулдоғингга қуйилиб қолади» деган эди онам.

...Ўша кезде бизнинг қишлоқ аҳолиси от-уловсиз қашшоқ яшарди. Эсимда: маҳалланинг бир чеккасидаги пастқам уйда яшовчи Мамади отанинг битта эшаги бўлиб, ўша эшак ҳамманинг оғирини енгил қиларди. Тегирмонга ғалла олиб бориш, тортилган урни уйга келтириб олиш, бозор-ўчарга юк элтиб ташлаш каби юмушлар шу биттаю-битта эшакнинг зиммасида эди. Кирага эшак сўраб келувчилар баъзан Мамади отанинг дарвозаси олдида қаторлашиб кетардилар. Мамади ота уларнинг ҳеч бирига «йўқ» дегиси келмасди, ҳожатбарорларга хос салобат билан ҳаммага зимдан қараб оларди ва андак жимиб тургач, тегирмон ҳам навбати билан айланади, дегандай уларнинг юмушлари салмоғига, зарурати нечоғли тигизлигига қараб, навбат белгиларди. Бировларга кундузи, баъзи бировларга кечкурун, ҳатто тунда навбат тегарди. Мамади отанинг эшаги баъзан «тез ёрдам» вазифасини ҳам ўтарди. Ўзи юриб боролмайдиган бетобларни узоқдаги табиғга олиб борувчилар ҳам эшак сўраб келардилар. Мамади ота бундай эҳтиёжни тигиз зарурат деб, ундай ишга навбатсиз «тез ёрдам» кўрсатар эди. Шунинг учун бир деҳқоннинг бозордан от сотиб олиши, қишлоқда бутун бошлиқ от пайдо бўлиши жуда катта воқеа бўлган албатта. Қишлоғимизда юз берган ана шу «тарихий воқеа» мучалчи Маҳмудхўжа отанинг ёсида қолган экан.

Маҳмудхўжа ота тўқсон ёшларда бўлиб, ҳали тетик, бардам ва ниҳоятда хотираси пухта одам эди. У қишлоқда юз берган ҳамма воқеани ёддан билар, кимнинг қачон, қаерда туғилганию, кимнинг қачон ва қайси кишининг қизига уйлангани, уй солгани, ер сотгани, қайққа сафар қилганини сира эсидан чиқармасди. Уни ҳамма мучалчи-қомусчи деб ҳисобларди.

Маҳмудхўжа ота мучалимдан келиб чиқиб, ўша йили қишлоқда қандай воқеалар юз берганини санади-да, бояғидай хулоса чиқарди. Энди янги ҳисобда ойна билан кунни аниқлаш керак эди. Ойна — анор пишгию пахта теримининг ўртасини — янги ҳисобда Октябрь деб билдик. Ойна ўртасидаги кунни аниқлаш ҳам қийин бўлмади. Отни бозор кунни харид қиладилар. Октябрнинг ўртала-рида бозор кунни — 15 октябрь бўлиб чиқди. Шундай қилиб, мен анкеталарга «1916 йили 15 октябрда камбағал деҳқон оиласида туғилганман» деб ёза бошладим.

Дадам Абдурахим Али ўғли яна уч акаси билан деҳқончилик қилар экан. «Бу ўртада ўзининг ери йўқ, вақиф ерини экарди», дедилар, унинг таржимаи аҳволини аниқлаб берувчилар. Кунларнинг бирида дадам ҳали бўйдоқлик чоғида те-варак-атрофдан ҳажга борадиган одамларнинг илтимоси билан уларнинг эшакларини ҳайдаб ҳажга йўл олибди, аммо уларнинг ҳеч бири ҳажга етолмабди. Баъзилар йўлда қолиб кетибди. Ушалар қатори менинг дадам ҳам «Зоминдан берида, Сирдарёдан нарида» кимнингдир оҳогини пишириб, йўл харажатига бир оз пул йиғиб, қишлоғига қайтибди-да, 25 ёшида уйланибди. Бу ерлардаги удум бўйича астойдил ният қилиб ҳажга йўл олган одам ҳажга етолмай йўлдан қайтса ҳам у



«фалончи ҳожи» деб аталар экан. Менинг дадамни ҳам «ҳожи» деб атабдилар. Дадам мен туғилгандан салгина кейин чақалоқ вақтимда тиф касалидан вафот этган экан. Шунинг учун уни мутлақо эслай олмайман. Биз катта опам Сурмахон, акаларим Абдукарим ва Умурзоқлар бева онамнинг қўлига қараб ўсганмиз. Отамдан бойлик қолмаган, битта озгин жайдари сигир бор экан, уни ҳам ота ўлимидан кейин қора тунда ўғриллар ўғирлаб кетган. Акамлар ёш бўлгани учун биттаю-битта сигирни ҳам ўғридан сақлаб қола олмаганлар. Қимматчилик, очарчилик даври эди, бераҳм ўғри оғзимизни оқлаб турган сигирдан маҳрум қилгач, сағир оила ночор аҳволга тушди. Сигир ўғрисини қидириб онам бечоранинг бормаган жойи, арз қилмаган одами қолмади. Мени етаклаб фолбинга боргани кўз ўнгимда. Махитнинг орқасида, гува-ла уйда оқ дока рўмол ўраган, юзи кип-қизил аёл онамнинг арз-додини тинглагач, бурчакка тўшалган сарғиш бўйрага чордона қуриб, бир коса со-вуқ сувга пахта пилик ташлади-да, пичирлаб сув бетидеги пиликни кузатди. Онам кўзларини мўл-тиллабтиб гоҳ фолбинга, гоҳ коса сувидаги пахтага термулар, ундан қандайдир нажот кутарди.

Пилик коса сувида эринчоқлик билан сузиб, бир четда тўхтади. Онам ундан кўз узмасди. Фолбин хола онамнинг ғамгин кўзига боқдида, «Сигирингиз бировнинг уйида боғлиқ турибди. Оёқларига тушов солиб қўйилган», деди. Аммо қаерда, кимнинг уйида эканини айтиб беролмади. Онам бисотидаги бир мирини фолбинга бериб, бўшашиб кўчага чиқди.

Яна қидириш бошланди, аммо ҳеч қаерда оёқлари тушовланган сигиримиз топилмади. Онамнинг кўз ёши тинмасди. Негаки ёш болалари билан тул қолган хотин кишининг кун кечириши, етимларини боқиши мушкулдан-мушкул иш эди. У вақтларда етимларнинг бошини силаб, нафақа берадиган одат йўқ эди ҳали. «Ўзинг учун ўл етим» деган мақол ўша вақтларда ҳам яшагучи эди.

Қишлоғимиз водий бошланадиган жойда, Чатқол тоғи этагидаги адирлар биқинида жойлашгани учун жуда хушхаво, дилором жой эди. Гўё

(Давоми 23-бетда.)

КЕЛТАЙДИ

Бир одам...

Туркум

I

У,
шундай бир йўловчи эди —
кутиб-кутиб,
ҳаммадан кейин чиқарди
автобусга
ва, тушиб қоларди
ҳаммадан олдин.
У, шундай бир йўловчи эди...

II

Илжайиб юрар мулойим —
кўксида қўли.
Бошқаларни мақтар доим,
хокисор бўлиб.
Шу боис ҳам кўрган борки,
уни «яхши» дер.
Мақтов, не тонг, хуш ёқурким
барчага ахир.
Феъли шундай — ҳаммаёқни
ялайди тили.
Топиб олган яшамоқнинг
омадли йўлин.

III

Унинг қўлида бир даста калит,
Дам-бадам айлантириб қарайди.
Хазина топган нотавон тахлит,
Бундан хўб яйрайди.

У, фақатгина шунга ярайди,
Фақат шу билан иш битмас сира.
«Тилини билмасанг» қулфин очмайди,
Калитлар — темир бир парча.

«Тилин билмоқ» эса жуда осонмас
Ва жуда қийин ҳам эмасдир, бироқ.
Бу — буйруқ ҳам, илтимос ҳам эмас,
Бу оддий англамоқ.

Зеро, бунга фаҳми етмагач, йўнаб,
Яйрасин... Қон бўлсин... Бари бир... Жимжит.
Унинг қўлида бир даста калит.

IV

У,
хаёлида орзунинг суратин чизди.
Қанда қилмай чизди
бир умр.
Йўлларга айланиб
борди бу сурат.
Юрагини эса аёвсиз эзди.
Қанда қилмай эзди
бир умр.
Армон бешафқат...

V

Қизиқ, йиғинларда мақтар эринмай,
У, давра тўрида турганлар барин.
Ростми ёки ёлгон ҳайронсан — билмай,
Сўзлайди деворга қадаб кўзларин.

Холи суҳбатларда, битта қолдирмай
Барчага отади тағна тошларин.
Ростми ёки ёлгон ҳайронсан — билмай,
Сўзлайди деворга қадаб кўзларин.

VI

Ҳамиша,
бировнинг йўлдан тойишин
юради пойлаб.
Шундай фурсат
келди дегунча,
ишга солиб қолар
бор имкониятин.
Албатта,
йиқилганни
тургазиб қўйиш учунмас,
балки,

ундан олдинга
ўтиб олмоққа интилар...

VII

Унинг
ишидан
ҳангу манг бўлиб —
таажжуб-ла
ушлайсан ёқа.
Қандай кўргилик?!
Бировларнинг
этагидан
тўкилган донларни
териб:
«Ўзимники», дея
бозорга солар
ва харидор чақирар
тинмай.

VIII

От сингари кишнар бу кимса,
Тишин қайрар бўри сингари.
Тўрвада осилган ем кўрса,
Сезса мўмай турган ўлжани.

IX

Исми ҳаракатдаги
жами нарсалар,
бирдай,
ғашини келтирар унинг:
Оналарнинг алласи.
Болаларнинг қийқириғи.
Юлдузларнинг шивири.
Япроқларнинг шитири.
Шамолнинг югуриши.
Офтобнинг меҳри.
Барча-барчаси
ғашини келтирар унинг.
Чунки,
ўзи,
мўштлаб қотирилган
пахса девордек:
бир жойда туради —
қимир этмайин.

X


У, қочган кезларига
мўм тишлатиб бирдай,
қувган онларидан
гапирар
фақат.
(Умри қувиш билан ўтгандек гўё.)
Қаҳрамон сиёқ
кўрсатиб
ўзин.
Ажабо!..
Аслида,
қувганидан кўра
қочгани
кўпроқдир, унинг.

XI

Анча бўлди,
юрмай қўйганига
бу йўлдан
унинг.
Эсидан ҳам чиқиб кетгандир,
ҳатто,
паст-баландликлари.
Қизиқ,
бу йўлни ихтиёр этган умидга,
ҳануз
фатво берар
эгардан тушмай.

XII

«Бошқалардан ортда қолмаслик».
Унинг топган фалсафаси шу.
Ғаёго солар,
Қилади ўрлик,
Бас бойлашиб йўл юради у.
Югурганга чопар қўшилиб,
Тўхтаган-ла тўхтайдиги таққа.
Тарқалган-ла кетар эшилиб,
Тўпни кўрса қалқар оёққа.



Ўтиргани — ҳасаддир қат-қат,
Турса захри тўкилар тўлиб.
Умри ўтиб боради — ҳасрат,
Бошқаларнинг сояси бўлиб.

XIII

Аввалига
ўйламади,
қаттиқ ёпди қизиқ устида,
ўзи ҳар кўни
кириб-чиқадиган эшикни.
Энди бўлса,
гинаванддир
беайб шамолдан.

XIV

У, ўз ишини
жудаям пухта билади.
Важаради
худди кўнгилдагидек,
Фақат топшириқ берилса бўлди —
«Олам гулистон».

XV

Умрида,
ҳеч ким билан
сиз сўзи
санга бормаган унинг.
Қайрилиб боқмаган
бировга зинҳор,
юзингда кўзинг бор дея.
Ҳазиллашиб ҳам
чертмаган бирор одамни.
Шундай:
ўз тилини тишлари орасида асраб бу одам,
ўз қўлларини чўнтагида сақлаб бу одам,
бировнинг тили билан ниш санчар бировга,
бировнинг қўли билар урар доим бировни.

XVI

Автобусга ҳовлиқиб чиқди.
Нафасини ростлаб олмасдан
ўтирди,
дастлаб дуч келган ўринга.
Кейин,
у ёқ-бу ёққа кўз югуртириб
қидира бошлади
қулайроқ жойни,
танлаб ўтирмоқни истади кўнгли.
Чунки,
йўл-йўлакай,
бекатларда,
одамлар тушиб-тушиб:
бўшаб борар эди автобус,
ўриндиқлар қоларди бўм-бўш.

XVII

Тўғри келган йўлдан йўртиб тўрт томон
Оёқдан қариди бемаҳал бу зот.
Энди, қисматидан бўлади нолон,
Тикинди олади йўллардан, ҳайҳот.

Элебарият

ЮЛДУЗ ТҮЛА ОСМОН

Мен болалигимда келинчакни одамларга ўшамайдиган, узок-узоклардан келган қандайдир бир гаройибот деб ўйлардим. Тўйларда кайвони аналаримиз, момоларимиз исериқ солиб, келин-куёв атрофида айланиб юришганида, мен ҳам уларнинг узун этакларига ёпишиб олардим-да, уйнинг бурчаккинасида ҳаё билан бош эгиб ўтирган келинчакнинг оппоқ кийимларини, хинадан қизариб кетган бармоқларини, қоп-қора қошларини силаб, ушлаб-ушлаб кўрардим. Назаримда, келин бошқа дунёдан келган ажойиб, сирли кимса-ю, ҳамма унинг ҳуснини кўришга орзуманд. Улар шу қадар масъум ва шу қадар мунис эдики, ушлаш учун кўл чўзаверсам, раҳматли энам, бўлди-да, деб кўлимга бир уриб кўярдилар. Бир куни шаддод кўшни қизнинг келин бўлганини кўриб, қанотли туя кўргандай ҳайратландим. Вирданига келинлар — оддийликка, дунё келинлари эса шу шаддод қизга айланиб қолгандай бўлди...

Қизларжон, мана сиз мустақил ҳаётнинг остонасида турибсиз. Эртага сизнинг қиз мажлисингиз, индинга эса тўй. Қизлик дунёсида бир умр оппоқ ҳарирларга, нурли ёғдуларга йўғрилган келинлик дунёси бошланади. Бизнинг қай биримиз, ҳаяжондан энтикиб шу ёруғ кунларга, келинликнинг масъум онларини, олачалоқ чироқ нури тушиб турган, пахтали кўрпа тагида тонгларни-тонгга улаб пичирлашмаган эдик? Қай биримиз сирдош дугонамизни кўлтигидан олиб, бугун у сенга салом айтиб юборди, демаганмиз? Кечагина кимдир қулоғингга секингина, «ой чиққанда тол тагида чиқ». Сенинг эса студент дўстим, «соат саккизда курант тагида учрашамиз», деган қоғоз лекция дафтариингнинг биринчи бетига қистириғлиг эди.

У бир келинлик, янги дунё ваъда қилаётган оҳанграбо, азиз кунлар — эди. Сен оппоқ ҳарир кўйлақларда, ҳавас билан тикилиб турган нечача қора кўзларни термултириб, кайвони момолар, ёши улуг бувалар оқ фотиҳаси билан оппоқ остоналар томон юрдинг, юравердинг, юравердинг...

2

...Сен осмонда юлдузларнинг бунчалик кўплигига, ишвагарлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдинг. Биринчи марта, ҳув қуюқ дарахтзор четида, елканга куёвнинг костюмини ташлаб, ҳароратли, ўтли нафаслардан дил ўртаниб, юлдузли уммонга узок-узок боққандинг. Сен ўшанда коинотда сонсиз-саноксиз юлдузларни ва шу юлдузлар ичидан, ўзингнинг ва унинг юлдузини излаб чарх урганларинг!..

Яна, сен ремонти чала қолган деворни кечаси чироқ ёқиб суваётган, яланғоч баданига кўнган чивинларни лой юки кўли билан шап-шап ураётган, ялтираётган баданидан тўхтовсиз тер оқаётган йигитга — куёвинга бир товоқ айронни узатдинг-да, юлдузлари марвариддай сочилган осмонга термулдинг. Юлдузлар бунча кўп, шуларнинг ичиде бизнинг ҳам юлдузимиз бор, деган ўй ўтганди миянгдан.

Тўй ўтгач, сен учун азиз ва мўътабар бўлган байрамона кайфиятнинг аста-секин чўғи тугай бошлади. Кунлар эса тутқич бермай гир-гир айланаверди. Сен вақтди уйғонмаган кунинг, ҳар тонг сени қаршилайдиган ҳазонрез тилла япроқлар остонанггача тўкилиб, маҳзун бўлиб пойлаб ётарди. Сен тонгда ухлаб қолдинг — қайнонанг, сен уялиб, минг хижолатда берган саломингга эшитилар-эшитилмас алик олди... Эртаси куни худди атайлабдан қилгандай, яна ухлаб қолдинг. Уйкуга тўймаган кўзларингни кўзгуга тикиб, идишлар тарақлаётган ҳовлига чиқарингни ҳам билмадинг, чиқмасингни ҳам. Шу кўйи майда-чуйда...

Кунлар сувдай оқиб кетди. Энди асал ойна ўтиб кетганди, атроф ўз асл рангида кўрина бошлади. Биринчи фарзанд туғилди.

Энг аввало келишмовчилик сен билан қайнонанг ўртасида келиб чиқди. Қайнонанг: «Нимага уйдан чиқмайди, бола туққан биргина уми, бошқалар далада ишлаб юрибди», — деди. Сен ҳам болангни бағринга босиб ичкаридан отилиб чиқдинг, балки чиқмаслигинг керакмиди? Ушланг, ушланг болани, ҳаммасини ўзим қиламан, дединг. Зоҳиран, сен онадан туғилиб, ишдан қочган одам эмасдинг.

Эринг ҳам силтаб ташлайдиган одат чиқарди. Ҳамма нарса қандайдир бошқача тус олиб кетди. Сени ҳайрат ўради. Эринг бир нарсдан ранжиса, астойдил ранжибми ё чақалоқнинг тунги йиғисидан қочибми, ўрнини кўтариб бошқа уйга чиқиб кетадиган бўлди. Сен сўз қўшмадинг. Кейинчалик эса эрингни бу қилиғи одатга айланиб қолди. Уйнинг юмушлари ҳам оз эмасди. У ёқда бола ёзининг иссиғида бетобланиб, инжиқ бўлиб қолганди. Кўзингга боладан бошқа ҳеч ким кўринмай қолди. Бир вақтлар не-не йигитларни мафтун этган қора кўзларинг энди ёниб турмас, тартибсиз ёйилиб ётган сочларинг илгаригидай паришон гажакларинг билан чирмашиб, қулоғинг ортига тушиб турмасди. Уйқусизликдан юзларинг захил, кўзларинг киртайган эди. Айни чилла, бола касал, сен дардманд эдинг.

Бир вақтлар сен нафас олган ҳаводан нафас олишни бахт деб билган одам, яъни сенинг ҳабибинг, қоронғилик пардалари чор-атрофни ўраганда, онда-сонда сизлар ётадиган уйда тунарди. Қайнонанг...

Қайноналар эса беш бармоқ тенг бўлмаганидек, ҳар хил эди. Сен доим кўшни келиннинг қайнонасига ҳавас қилардинг. Кўшни қайнонани эса бутун қишлоқ ҳурмат қиларди... Уша тун боланга кўшилиб сен ҳам йиғлаб чиққандинг, эртаси эса бу уйдан бош олиб чиқиб кетдинг, кетавердинг, кетавердинг. Атрофингга одамлар оқими тўхтовсиз ва ўзансиз эди. Уларнинг ҳаммаси шод, бахтиёр... Сен, ўйлаиб остонангга, кўшни қишлоққа етгунингча, мен буларнинг ҳаммасини ўқувчига айтиб бераман. Гап кўзинг бирлигидадир, кўпчилик эса ҳаминша одил ХУКМ чиқаради.

3

«Фақатгина оила ғамини еб яшаш ҳайвоний очлиқдир, бир киши учун яшаш — тубанлиқдир, фақат ўзи учун яшамоклик эса — шармандалиқдир».

Н. ОСТРОВСКИЙ.

Баъзан, ҳар кун гапириладиган воқеалар тўғрисида гапиринг келмайди. Тақорланган гап — тусиз таом. Лекин дунёда шундай одамлар, шундай тасодифлар бўладик, улар ҳақида ҳар сафар гапирганда янги олам, янги уфқлар очилгандай бўлади. Оила, янги турмуш ҳам шунақа...

Доно халқимизнинг, тегирмон икки тошдан, муҳаббат икки бошдан, деб нақл қилганига неча юз йиллар бўлиб кетди.

Юз йиллар... Бу орада қанча сувлар оқди, қай дарёлар кўмилди. Яна қайдадир янги ирмоқлар пайдо бўлди.

Лекин оила оилалигича қолди. Бу сўз ҳам таъсирини йўқотмади. Хўш, ҳозирги ёш оила, янги келин-куёвлар ҳақида нима дейиш мумкин? Кўчаларда кўлтиқлашиб кетаётган жуфтларни ёки жажжигина чақалогини бағрига босиб, кўзларида оналик меҳри ва жуссасидан меҳр-муҳаббат ёғилиб турган оналарни кўрсак ҳавас қиламас. Жуфтлар ортидан узок термулиб қоламиз. Лекин...

Бир танишимиз бор эди. Келин-куёв узукка кўз кўйгандай бир-бирига мос-муносиб эди. Куёв шофёр, келин уй бекаси. Орада икки фарзанд туғилиб, оиланинг боши жанжалдан чиқмай қолди. Келин эрини ҳар куни янги қилиқ ва янги ўйловлар билан кутиб оладиган бўлди. Бугун, уастақда турадиган ўртоғиникидай, товус гулли сым ўтган атлас кийгиси келса, эртага ёқа-енгларига зар тикилган бархит...

Хуллас, жанжаллар ажралишгача бориб етди. Ёшгина, ҳали дунёнинг оқ-қорасини таниб улгурмаган жувонда бундай мешчанлик қайдан пайдо бўлган? Латта-путта, бойлик, бир кунлик, бир муддатлик оруз-ҳаловат учун икки ўғилни тирик етим қолдириш... Қани энди шофёр йигит эр бошини эгмаса, хотинини хурсанд қилса... Нафсаламбирни айтганда, инсоф қани, диёнат қани шофёр маоши билан ҳар бири 100—200 сўм турадиган кўйлақларни олишга қудрати етадими? ЙУҚ! Келин буни биладими, албатта билади... Эр ўғиллик қилсинми, давлат пулини ўмарсинми? Мана, жамиятимизда бундай иллатлар қайдан пайдо бўлади!

Келин қайнонаси билан келишолмайди, алоҳида яшагиси келади... Еки куёв билан характери тўғри келмай қолади. Э, минг хил сабаб! Хуллас, ажралишга, турмуш бузилишига турли нарсалар сабаб бўлади. Аммо, аниқ гап — хатога кўп йўл, ҳақиқатга эса битта йўл олиб боради.

4

Пастак гувала деворли уйдан чиққан жамалак сочли, ўн икки ёшлардаги қиз, тўсиндан отилган катта телпак зарбидан қалқиб кетди... Лекин йиқилмади, йиқилмади...

Кўркувдан титраб-қақшаб турган қизча — менинг момом, замондошим.

Революциядан илгари Хоразм томонларда ўсмир қизни узатиш учун тўсатдан телпак билан уриб кўришган, агар йиқилмаса... Йиқилмаса эрга беришган, умрида кўрмаган, ёшида йигирмами, ўттиз йил фарқи бор одамга. Менинг момом бобом билан олтмиш йил умр кўришган. Олтмиш йил...

Мен бу билан феодал муҳит иллатларини ёқламокчи эмасман. Бу нарсалар асрлар қатида, йиллар ортида қолиб кетган. Нега энди умрида бир-бирини кўрмаган, ёши, дунёқароши, хулқ-атвори жиҳатидан ҳам бир-бирдан осмон билан ерча фарқ қиладиган одамлар яшаб кетишган, бола тарбиялашган, севишган, севилишган...

Биз, оқ-қорани таниган, йигирманчи аср зиёлилари, жамики қонун-қоидани, ҳуқуқ-даъволарни миридан-сиригача билган, ҳис қилган севишганлар, атом асрининг Лайли-Мажнунлари, хиёбонлардаги скамейка-ю мажнунтоллар «эгаси» — бир-биримизни тушунолмаймиз. Гоҳ туйғулар, гоҳ характеримиз, гоҳ феъл-атворимиз, гоҳ яна нима балоларнинг тўғри келмаганидан «ажралишаман-га тушамиз. «Ажралишаман — шундан қутулсам бахтли бўлиб кетаман!» «Ажралишаман — бу билан ҳеч нарса йўқотмайман». «Ажралишаман — орадаги икки болага ҳеч нарса қилмайди. Умри узок бўлса, кунини кўриб кетади. Е ўзим билан олиб кетаман». (Наҳотки сен шу нарсалар учун турмуш кўрган бўлсанг?!.)

Нимага ҳаётга бунчалик энгил қарайдиган бўлиб қолдик. Ў, биродарлар, ўйлаб-ўйлаб ғазабинг тошаверади... Гитлер Москва остонасига келиб Кремлни ўққа тутганда, сон-саноксиз гўдакларни, оналарни, чол-кампириларни ўлим крематорияларига етаклашганида, ҳайдашганида, Зояларнинг ҳали бўртмаган сийналари қонли кўллар билан кесиб олинганда, боболаримиз, момоларимиз, ака-сингилларимиз кунжара еб очликдан шишиб ўлганда, қаҳратонда кўсак териб, уруш йиллари узун туналар мунгли кўшиқ айтиб кўсак қувиганда, ёнгинангга бехосдан ўлиб қолган чолга аза очиб йиғлаганда чидаган асабларимиз — энди бир оғиз сўз кўтаролмай узилиб кетади. Шарм-ҳаёни, одоб-андишани йиғиштириб қўйиб, суд залларида қора курсиларда, бир вақтлар умид билан бир ёстиққа бош қўйган одамлар бир-бирини қаҳоратлашади, маънавий азоблашади, масҳараомуз кулишади. Қўйиб берса, ёқа бўғишади.

Бу нимадан, нима бунинг сабаби — ёшликми — йўқ, гўрликми — йўқ, калта ўйлашликми — йўқ, йўқ! Худбинликми, ўзига бино қўйганликми, том маънода мешчанликми?! Ҳақ гап кимгадир ёқмайди — нафас бўғизга тикилади, ҳаводаги қўл муаллақ қолади.

Биз ёш келин-куёвлар ҳаддан ташқари мағрурлик қилмаймизми? Бир оғиз яхши гап билан мувозанат ўзгартишини, аҳвол яхшиланишини биламиз. Сўнг ҳамма нарса кўнгиладигандай бўлиб кетишини ҳам биламиз. Лекин... Ким, қайси мард бу гапни олдин айта олади? Ким «ғурурини» ерга уриб, «ялиниб», гап бошлайди. Ким олдин «бўйин эгади» — менми, уми?

Асаб бузилган пайтда бир оғиз гапдан қолсақ олам гулистон бўлишини биламиз. Ким «бир оғизгина» гапдан қолади? — Кимнинг «кул» бўлиб бўйин эгтиси келади. Шуларни ўйлайман-у, барибир муаммонинг тагида етолмайдигандай бўламан. Юрагимда қайнаган саволлар кўп, лекин барига жавоб тополмайман...

Саломат ВАФОЕВА.

Ёш куч 11

3-МАШҒУЛОТ

Ҳурматли ўқувчилар, иккинчи сабоқда кишилик олмошлари билан гап тузишни ўргандингиз, уларнинг турли шакллари билан танишдингиз ва мазкур шакллардан бирини «у» кўмакчиси билан қўлланишини билиб олдингиз. Бу сабоқда ўша шаклнинг бошқа хусусиятлари ҳақида маълумот берамиз.

Около

около меня (окалина) — олдимда (яқинимда, қошимда)
около тебя (окалотиба) — олдинда (яқинингда, қошингда)
около него (окалиниву) — олдида (яқинида, қошида)
около неё (окаланийу) — олдида (яқинида, қошида)
около нас (окалинас) — олдимизда (яқинимизда, қошимизда)
около вас (окаливас) — олдингизда (яқинингизда, қошингизда)
около них (окалиних) — олдида (яқинида, қошида)

Мисоллар: Заботливая мать сидела около меня (около тебя, около него, около неё, около вас, около нас, около них) — Меҳрибон онам олдимда (олдинда, олдида, олдимизда, олдингизда, олдида) ўтирар эдилар; Незнакомые люди стояли около нас (около меня, около тебя, около него, около неё, около вас, около них) — Нотаниш кишилар бизнинг яқинимизда (яқинимда, яқинингда, яқинимизда, яқинингизда) турардилар.

Возле

возле меня (возлимина) — олдимда (ёнимда)
возле тебя (возлотиба) — олдинда (ёнингда)
возле него (возлиниву) — олдида (ёнида)
возле неё (возлинийу) — олдида (ёнида)
возле нас (возлинас) — олдимизда (ёнимизда)
возле вас (возливас) — олдингизда (ёнингизда)
возле них (возлиних) — олдида (ёнида)

Рус тилидаги «бирини билдирувчи» сўзлар уч шаклга эга: один, одна, одно, масалан:
один учебник — бир дарслик
одна школа — бир мактаб
одна семья — бир оила
одно дерево — бир дарахт
одно сочинение — бир иншо
одно ружьё — бир милтиқ

«Учебник» — сўзи қаттиқ ундош билан тугагани ва ёзувда юмшатиш белгиси бўлмагани учун «один» шакли билан ишлатилади: один учебник, один класс; «книга» сўзи «а» билан, «семья» сўзи эса «я» билан тугаганлиги сабабли «одна книга», «одна семья» деб қўлланилади; «дерево» сўзи «о» билан, «сочинение» сўзи «е» билан, «ружьё» сўзи «ё» билан тугаганлиги учун «одно» шакли билан бирикади: одно дерево, одно сочинение, одно ружьё.

«Два, две сонини қўллашда қуйидагиларга эътибор берамиз:

два класса — икки синф
два учебника — икки дарслик
два дерева — икки дарахт
два сочинения — икки иншо
два ружья — икки милтиқ
два словаря — икки луғат

Демак, «два» шаклига қаттиқ ундош ёки «о» билан тугаган сўзлар бириктиб охиридаги ундошга «а» қўшилади; агар сўзлар «е» ёки «ё» билан тугаган бўлса (словарь — юмшатиш белгилли мужской роддаги сўз) охиридаги ундошга «я» қўшилади; две школы — икки мактаб
две парты — икки парта
две семьи — икки оила
две тетради — икки дафтар
«Два» шаклига эса «а» билан тугаган сўзлар бириктиб охиридаги ундошга «ь» қўшилади; агар сўзлар «я» билан тугаган бўлса (тетрадь — юмшатиш белгилли женский роддаги сўз) охиридаги ундошга «и» қўшилади.

Юқоридаги сўзлар «три», «четыре» сонлари билан қуйидагича ишлатилади:



Пять, шесть, семь, восемь, девять, десять ва қолган бошқа сонларга сўзлар қуйидагича бирикади:

пять (шесть) классов — беш (олти) синф
пять (шесть) деревьев — беш (олти) дарахт
пять (шесть) сочинений — беш (олти) иншо
пять (шесть) ружей — беш (олти) милтиқ
пять (шесть) словарей — беш (олти) луғат
пять (шесть) школ — беш (олти) мактаб
пять (шесть) семей — беш (олти) оила
пять (шесть) тетрадей — беш (олти) дафтар
Ружей, словарей, семей, тетрадей сўзлари — «—ей» билан, деревьев сўзи «—ьев» билан, класс сўзи — «—ов» билан тугаган; сочинений, школ сўзларининг охирида ҳеч қандай қўшимча йўқ.

Топшириқ: дарсни яхшилаб ўзлаштириб русча саломлашишни ўрганинг:
Здравствуйте! — Ассалому алайкум! Эсонмисиз?
Доброе утро! — Хайрли тонг! (эрталаб кўришганда)
Добрый день! — Хайрли кун! (кундуз кўришганда)

Добрый вечер! — Хайрли кеч! (кечқурун кўришганда)
Привет, друг! — Салом, дўстим!

РУС ТИЛИ САБОҚЛАРИ

Мисоллар: Возле него (возле меня, возле тебя, возле неё, возле нас, возле них) никого нет. — Унинг олдида (олдинда, олдинда, олдингизда, олдида) ҳеч ким йўқ; Возле неё (возле меня, возле тебя, возле него, возле нас, возле вас, возле них) играют дети. — Унинг ёнида (ёнимда, ёнингда, ёнимизда, ёнингизда, ёнида) болалар ўйнаптилар.

Утган сабоқда «менда», «бизда», «сенда», «сизда» русчада «у меня», «у нас», «у тебя», «у вас» деб ёзилиши ва «умина», «унас», «утиба», «увас» деб айтилиши маълум бўлди. «Унда» деган сўз рус тилида уч шаклда берилади. Стакан ва перо назарда тутилса, «у него» ёзилади ва «униву» деб айтилади. Кружка назарда тутилса, «у неё» деб ёзилиб, «унийу» деб талаффуз этилади. «Уларда» русчада «у них» деб ёзилади ва «уних» деб айтилади. Бу ҳолдаги «н» товуши кўмакчи борида пайдо бўлади. Унинг олдида кўмакчи бўлмаса, «их» шаклида ишлатилади ва «уларнинг» ҳамда «уларни» деган маънода бўлади.

Шу ҳолатдаги «у» кўмакчиси рус тилида ўзбекчадаги «—нинг» маъносида ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан, «Менинг бошим оғрипти» демоқчи бўлсангиз, русча «у меня болит голова» дейсиз. «Менинг яхши бир итим бор» демоқчи бўлсангиз, русча «у меня хорошая собака» дейсиз. Русчада «есть» (бор) дейиш шарт эмас. Аммо ўзбекчада «бор» (есть) дейиш шарт. Олмошнинг мазкур шакллари яқин, олд маънолардаги «около» (окали) ва (возли) сўзлари билан ҳам ишлатилади.

Энди, ҳурматли ўқувчилар, русча ўнгача санашни ўрганайлик:

один (адин), одна (адна), одно (адно) — бир
два, две (двэ) — икки
три — уч
четыре — (четырэ) — тўрт
пять — (пат) — беш
шесть — олти
семь — етти
восемь (восим) — саккиз
девять (дэвит) — тўққиз
десять (десит) — ўн

три (четыре) класса — уч (тўрт) синф
три (четыре) дерева — уч (тўрт) дарахт
три (четыре) сочинения — уч (тўрт) иншо
три (четыре) ружья — уч (тўрт) милтиқ
три (четыре) словаря — уч (тўрт) луғат
три (четыре) школы — уч (тўрт) мактаб
три (четыре) семьи — уч (тўрт) оила
три (четыре) тетради — уч (тўрт) дафтар
«Два», «две» шаклларига бириктиб келадиган ҳамма сўзлар ўзгаришсиз «три», «четыре» сонлари билан бирикади.

Как вы поживаете? — Яхшимисиз? Аҳволингиз қалай?
Как дела? — Ишларингиз қалай? Ишларингиз жойидами?
Очень рад встретиться с вами? — Кўришганимиз учун хурсандман!
Что нового? — Қандай янгиликлар бор?

Сабоқни С. АБДУЛЛАЕВ олиб борди



Тошкентдаги 136-мактабда рус тили дарси.

Е. БОТИРОВ фотоси.

Инсон қалбининг нозик сирларини эҳтирос ила созининг торларига боғлаган, ўзини сўзининг қора, тубсиз горларига чоғлаган шоирларнинг бири қадим турк шоири Юнус Эмродир.

Юнус Эмронинг ҳаёти афсоналарга боғланиб, халқ яратган дostonларнинг қаҳрамонлари каби одамлар тилидан тушмай келаётганига мана етти юз йилдан ортди. Унинг ҳаёти, шахсияти, шеърляти ҳақида етти юз йилдан буён турли ривоятлар, афсоналар яратилган.

Юнус Эмро XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг бошларида Анатолияда яшаган бир турк дарвишдир. Илм олами бу шоирнинг ҳаёт йўли; унинг қаерда туғилгани, қаерда таҳсил олгани, қаерда оламдан кўз юмгани ҳақида аниқ маълумотларга эга эмас.

Шоир шеърларида унинг Анатолия ва, Шом тупроғини, Арзирум,

Гарс ва Озарбайжон элларини кезиб чиққани очиқ-ойдин намоёндыр. Юнус Эмро ўша даврнинг буюк шахслари Мавлоно Жалолоддин Румий, Ҳожи Бектоши Вали, Сари Салтук, Барак Бобо, Топдиқ Бобо каби оқил зукко инсонлар билан таниш бўлгани тахмин қилинади.

Туркиянинг жуда кўп шаҳар-қишлоқларида Юнус Эмронинг муқаддас саналган тўққизта мозори бор. Бир жисмга тўққиз мазор! Мана шу мазорлар жойлашган ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳар Юнус Эмро шу ерда туғилган деб даъво қилади, жар солади, гурур билан ҳайқиради.

Бироқ, бу улур шоир шеърляри ҳақида тахминан эмас ишонч билан улур миллион дилларда жарангламоқда десак адашмаймиз.

* * *

Ҳар бир киши билмас биззи...

Ҳеч бир киши билмас бизи, биз на ишнинг ичиндамиз,
На ҳирсимиз бордир бизнинг, на нафсининг ичиндамиз.
Бирор кимса давлатига тағна этиб, биз кулмасмиз,
На мункирмиз олимлара, на тарсонинг хочиндамиз.
Биз дунё нелигин билдик, онинг нимасига қолдик,
Орзумиз нафси учун эмас, дунё тафарружиндамиз.
Юнус айду, ҳей султоним, ўзга шоҳим бордир маним,
Қўй дунё олтин-кумушин, на мис ва на тунжиндамиз.

Карам эт, бир манга боқ...

Карам эт, бир манга боқ, ниқобни айла йироқ.
Ойнинг ўн тўртимисан, барқ урур юз ва ёноқ.
Шул оғзиндан келар сўз юзминг шукрона ила
Дастур келсин ташқари, сўйласин тил ва дудоқ.
Ўттиз икки инжуни маржона тизмиш каби,
Қиймати дурдон бўлмиш, ярашур инжудан оқ.
Сифатинг орийлиги бугдой ва нўхот каби
Ики қошинг қайрилиб, ҳилола берур сабоқ.
Кўрган парвонадайин қанча ўтга тушмасин,
Кўзларининг боқиши жон олур ики чароғ.
Юнус ҳақ тажаллисин санинг юзингда кўрди,
Чора йўқ айрилмага, чун санда кўринди ҳақ.

Кўзим сани кўрмоқ учун...

Кўзим сани кўрмоқ учун,
Алим санга етмоқ учун
Бугун жоним йўлда қўйдим,
Кўзингга учратмоқ учун.

Бугун жоним йўлда қўйдим
Эрта эвазин берасан
Арз айлама учмоғини²
Ҳеч арзим йўқ учмоқ учун.

Манга жаннат нега керак
Ҳаргиз кўнглим анга боқмас
Ушбу манинг зорлигим
Эмасдурур бир боғ учун.

Учмоқ, учмоғим дедиги,
Мўъминларни элтадиган
Бордир, бўлса бир тўп ҳури,
Арзим йўқ ноз-фироғ учун.

Сўфийлара бер сан уни,
Манго сани керак сани.
Нечук ман тарк этай сани,
Шул бир уй-ла чордоғ учун.

Гар яна келдим ман бунга...

Эронларнинг ҳимматини ман манга йўлдош айларам,
Ҳар қаерга борур эсам, жумла ишим хуш айларам.
Тоza ва юмшоқ киймаям, бор кийимдан фориг бўлам
Гар тўшагим тупроғ эса, ёстиғимни тош айларам.
Урам, йиқам, нафс уйини, ўта ёнар ҳирсу ҳаво,
Ални тортам ҳаммасидан, нафс ила саваш айларам.
Бугун кулган киши бунда, эрта йиғлаяжак унда,
Равон тўкиб кўз ёшимни ёстиғимни ёш айларам.
Мискин Юнус, чақириб кел ул суюкли мискинларинг,
Ичим мискин эмас эса, мискин ташим уш айларам.

Гар яна келдим ман бунга, сир сўзим аён айлайин,
Бир сўз ила еру кўкни, жумласин баён айлайин.
Тилар эсанг тан айлайин, тилар эсанг жон айлайин.
Кўнглими — тоғ, жоним — Мусо тахти Сулаймон
айлайин.

Умр манга қарши келар, ман умрнинг бўйини бурам,
Умр агар вожиб бўлар, умримни қурбон айлайин.
Азроил на кишидурур қасд этар доим жонима,
Ман унинг қасдини яна ўзима зиндон айлайин.
Е жаброил ким бўлар-ки, ҳукм этар манинг оҳима
Юзминг жаброил каби бир дамда паррон айлайин.
Бу бизнинг ўнгдан келганлар, мағнони пинҳон
қилганлар,

Ман онадан туғилгандек, келдим-ки урён айлайин.
Юнус санинг кўнглинг уйи ҳақ борлиғига тўлиғдир
Уш келдим-ки ошиқлара борлиқдан эҳсон айлайин.

Билганлардан сўрмоқ керак...

Билганлардан сўрмоқ керак
Бу тандаги жон на эмиш.
Жон худ ҳақнинг қудратидир,
Томирдаги қон на эмиш.

Фикр юмуш ўғлонидир,
Андиша қайғу қонидир,
Бу аҳвол ишқ тўнидир,
Тахт ўтирган хон на эмиш.

Шукур унинг бирлигина
Йўқликдан ул бор айлади
Чунки азалдан йўғимиз
Мулку хонумон айлади.

Султон бериб эди бизи
Бор дунёни кўринг дея.
Бу дунё худ боқий эмас,
Мулкга Сулаймон на эмиш.

Сўранг Топдиқли Юнусдан,¹
Бу дунёдан на англади
Бу дунёнинг қарори йўқ,
Сан на эмиш, ман на эмиш.

Ҳеч билмасам кезар каби

1
Ҳеч билмасам кезар каби
Орамизда кезар ўлим.
Халқни бир бўстон айлаб,
Хоҳлаганин узар ўлим.

Бир нечасин белин букар,
Бир нечасин мулкин йиқар,
Бир нечасин ёшин тўкар
Бор кучин кўрсатар ўлим.

Бирининг олур қардошин,
Равон этар кўзин ёшин,
Ҳеч ўнгармас бағир бошин,
Хабар қилмай келар ўлим.

Йигити қари бўлгунча
Қўймас ўзини билгунча
Бирини кўмиб, кулгунча,
Кўзларини сузар ўлим.

Қани унинг севган ери
Қил тоатин, нари юри,
Мискин Юнус нечук турур,
Аждарҳони ютар ўлим.

Туркчадан Муҳаммад СОЛИХ таржимаси.

¹ — ал — ўғуз шевасида — қўл.
² — учмоқ — жаннат.
³ Юнус Топдиқ — Эмронинг устоаи.
⁴ Кезар — уйкукезар (лунатик) ёки сайёҳ.



лари билан Тошкент шаҳридан Калинин райони-га мева-сабзавот териб учун ҳашарга чиққан студентларнинг ётоқхонасига ўғирликка тушди. У ердан магнитофон, жинси шимлар ўмариди. Бирок, шерикларидан бири қўлга тушди ва тергов ҳужжатларида унинг, Жамолнинг ҳам номи қайд этилди.

Бу гал ҳам у судга келмади, шунга қарамай суд уни тўрт йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Унга иккинчи бор қидирув эълон қилинди...

Ёқуб буларни билмасмиди? Биларди... Жуда яхши биларди... Аммо Жамол шафқатсиз... Унинг оғайнилари ҳам...

Ёқубнинг ота-онаси Жамолнинг бобосига ўғли йўқотган эски пальто ва шим учун беш юз сўм тўлашга мажбур бўлди.

— Беш юз сўмдан бир тийин кам бўлса ҳам унингга кerosин сеипи ёқиб юбораман! — таҳдид қилди бобо. Шу гапни айтганда, ёнида Жамол ҳам бор эди. Бу унинг учун яна битта шафқатсизлик, тошбағирлик сабоғи бўлди.

Ёқуб эса ҳамон ўзини ким урганлигини айтмасдан оёқ тираб турарди. Жиноятчини қидириш самара бермаганлиги учун 1987 йил, 5 июнда қидирув тўхтатилди.

Хўш, бундан ким ютди? Ёқубми? Жамолми? Жамол, албатта.

Ёқуб эса... Жамолнинг номини айтмай яширган учун у кейин қаттиқ пушаймон қилди.

Бирок, энди кеч эди...

Орадан бир мунча вақт ўтди. Ёқуб энди Жамолга рўпара келиб қолмасликка тиришар, узокдан қорасини кўрса бошқа ёққа бурилиб кетарди. Бир куни у Жамолни Эркин ҳамда Зоирлар билан бирга кўриб тинчини йўқотди. Назарида улар уйига бостириб кириб, судраб олиб чиқиб кетиши, сўнг тилла тишларини қоқиб олаётгандек туюларди. Чунки, Жамол барибир, тилла тишинини қоқиб оламан, деган эди.

У энди уйда тунамас, кўпинча Қишлоқ хўжалиги техникуми олдидаги нонвойхонада ётиб қоларди. Кундузлари эса, Вўрижар четларида кезиб юрарди. Унинг дадаси «Ўғлимни милиция ёрдамида тарбиялашга ёрдам беришларингизни сўрайман» деб ёзган аризаси мана шу пайтларда, яъни 27 июлда ёзилган. Ёқуб нима учун қоқиб юрганлигининг сабабини айти олмас, қочмас... Жамол айтганини қилмай қўймайди.

Ариза ёзилганидан кейин тўрт кун ўтгач, Ёқуб яна Жамолнинг қўлига тушди...

* * *

Қишлоқ хўжалиги техникуми боғининг этагида Ёқуб Собир ва Шавкат деган болалар билан гаплашиб ўтирарди.

Ёқуб гоҳ-гоҳ атрофга аланглайди. Кўзларида кўрқув, ваҳима...

Кутилмаганда қаршисида Жамол, Эркин ва Зоирларни кўриб, тахта бўлиб қолиб қолди. Аксига олиб Шавкат билан Собир боқиб юрган қўйларни қайтариб келиш учун кетишган эди.

— Қўлга тушдингми Ёқуб, — совуқ тиржайди Жамол, — қани пулни чўзиб қўй?

— Қанақа пул? Бердик-ку бобанга.

— Менга ҳеч ким пул бергани йўқ. Менга сенинг тилла тишларинг керак, — деди хотиржам Жамол.

Ёқуб ялинишга тушди.

— Тишимга тегманглар, жон оғайнилар.

Ёқубнинг ялиниши Жамолга зигирча ҳам таъсир қилмади. У қулочкашлар туриб унинг кўкрагига мушт туширди. Ёқуб гандираклаб йиқилди. У кўзларида дув-дув ёш, гоҳ Жамолга, гоҳ Эркинга, гоҳ Зоирга ялиниб-ёлворар, раҳм-шафқат қилишини сўрарди. Жамол уни урар экан, Зоирга деди.

— Бор, Зоир, пичоқ топиб кел, кавлаб тишини оламиз, — деди.

— Зоир! Зоир, — Ёқуб ёрдам сўраб унга талпинди.

У Жамолдан энди сира шафқат кутмас, аммо Зоир орага тушар, Жамолни бу йўлдан қайтарар деган илнж, умид йўқ эмас эди...

Бирок Зоир орага тушишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Сабаби, у ҳам ишламасдан ўғирлик билан пул топишда Жамолдан қолишадиган жойи йўқ.

У биринчи марта 1986 йил 7 майда бировнинг чўнтагидан пул ўғирлаётганда қўлга тушган эди.

Ун олти ёшли ўсмир судланди. Суд унинг ёшлигини ҳисобга олиб, икки йиллик қамоқ ҳукмини икки йилга кечиктирди. Суддан кейинроқ у район балоғат ёшига етмаганлар билан ишлаш инспекцияси томонида рўйхатга олинди. Энди у бирон жойда ўқиши ёки ишлаши, белгиланган вақтда уйда бўлиши, берухсат бошқа жойга ўзнаб кетиши мумкин эмас эди. Аммо Зоир уларга амал қилишдан, СПТУда ўқишдан бош тортиди.

— Биз белгиланган қоида бўйича милиция ҳисобида турган болаларни тез-тез уйига бориб турамиз, — деб ҳикоя қилди кейин милиция лейтенанти Юсуф Турсунбоев, — афсуски, Зоир кеч-курунлари уйда бўлмасди. Устига устак, машина, мотоцикллар олиб қочиб яна қонунни бузди, берухсат Оренбург шаҳрига кетиб қолди. Албатта қоидага кўра бундай вазиятларда ҳукмини кечиктириш ҳақидаги ҳукмини бекор қилиб уни колонияга ўтказиш керак. Унинг хулқи район ижроия комитети ҳузуридаги балоғат ёшига етмаган болалар билан ишлаш комиссиясида муҳокама қилинди ва берилган жазо ижросини ўзгартириш кераклиги ҳақида Чилонзор район судига хат ёзилди.

Ёқубнинг ялиниб-ёлворилари Зоирга заррача кор қилмади. Унинг фикри-хаёли Ёқубнинг тишини олишда эди.

У техникум ошхонасидан пичоқ топиб келиб, Жамолга берди. У пичоқни ўқталиб, ўшқирди.

— Яхшиликча чиқар тишларингни!

— Жамол...

— Гапни калта қил! — у Ёқубнинг қўйлагини ечди ва пичоқни учи билан Ёқубнинг кўксини атайлаб тилиб юборди. У оғриққа чидалмай йиғлади, йиғлар экан, энди Эркинга ёлворди.

— Эркин, Эркин, қўйиб юборинглар, сизларга нима ёмолик қилдим.

Эркин Жамолдан ҳам, Зоирдан ҳам катта икки ёш катта. Балки у Ёқубни уларнинг чангалидан чиқиб кетишга кўмаклашар...

Э, йўқ, яқиндагина колонияда қамоқ жазосини ўтаб келган Эркиннинг ҳали бурнига сув кирмаган эди.

Қошиқ топиб, оловда уни қиздиришди, Ёқубнинг тишига босишди. Тишлар қимирламасди.

— Ма, тишларингни ўзинг олиб бер, биз карта ўйнаб ўтирамиз, ололмасанг тош билан уриб қоқиб оламан.

Ёқуб кўнмади, Жамол яна уни уриб кетди.

— Бўпти олиб бераман, урма. — Жамол ва унинг ўртоқлари ўз фикридан қайтмаслигини тушунган Ёқуб тишларини олиб бериб улардан кутулмоқчи бўлди. Ундан бошқа чора ҳам қолмаган эди. Аммо Ёқубнинг ўзиям тишларини чиқара олмади.

— Бунча ивирсийсан, — бақирди Жамол ва унинг юзига, бўйнига, тош билан ура кетди. Ёқубнинг оғзини очиб туриб, тишига тош билан урган эди, учта тиши чиқиб кетди. Устма-уст тушаётган зарбалардан ўзини тамомила йўқотиб қўйган Ёқуб тишларини қандай қилиб қоқиб олганини ҳам билмади. Жамол тишларини олиб Эркинга берди. Сўнг Ёқубни ўрнидан турғизиш кўрқитишга тушишди.

— Бировга чурқ этиб оғиз очсанг калланг кетади, — деди ўкрайиб Жамол. У Жамолнинг ўзларини айтиб қўймасликка ишончи комил эди. Чунки бундан уч ой олдин ҳам ким урганлигини милицияга айтмаган-да.

— Айтасанми? Айтмайсанми? — деди Зоир. Ёқуб бош чайқади — «айтмайман». Бирок шундан кейин ҳам ваҳшийлик давом этди. Ёқубни яна уришди.

Уйга бир амаллаб етиб келган Ёқубни яна касалхонага олиб кетишди. Врачлар мияси қалқиган, тишлар синган, деган диагноз қўйди. Бунинг устига бутун бадани калтак зарбидан кўкариб кетган эди.

Даволаниб ўзига келгандан сўнг Ёқуб ўзини кимлар урганлигини, тишини кимлар суғуриб олганлигини рўйи рост айтди. Жамол, Зоир, Эркинлар устидан жиноий иш қўзғатилди. 5-июнда тўхтатилган жиноий иш ҳам бошқатдан бошланди. Жамол ҳисбага олинди, Эркин билан Зоир ҳеч қаерга чиқмаслик ҳақида тилхат олиниб, судга қадар очикда қолдирилди.

* * *

Биз танишган воқеа фақатгина тошбағир бешафқат одамларнигина қўлидан келади. Ахир ҳеч ким тошбағир бўлиб туғилмайди-ку. Шундай экан тошбағирлик, шафқатсизлик уруғлари энди-гина вояга етиб келаётган бу ўсмирларнинг юрагига қачон ва қаерда тушган?

— Жамол анча лаёқатли бола эди. Мен ҳам дарс берганман, — деди 197-мактабнинг ўқитувчиларидан бири. Лекин Жамолга у ўсган оила ёмон таъсир кўрсатди. Уларнинг оиласида болалар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Ким нима қиляпти, бировнинг иши йўқ. Шунинг учун бўлса керак, болаларнинг ҳаммаси шафқатсиз, тошбағир бўлиб ўсган. Маҳалламиз кишилари ҳали-ҳали бу оилда ака уқани арзимаган сабаб билан болта билан чопиб ташлаганини даҳшат билан эслашади. Яна тўрт-беш ака-уқаларнинг аксарияти ўғирлик қилганлиги, хотин-қизларнинг номусига тажовуз қилганлиги учун ва кўп жиноятлари учун қамалиб чиққан. Жамолнинг йўл бошида адашишига оилавий муҳит сабаб бўлди. Мактаб боллага эгулик уруғини сочишга нечоғлик уринмасин, у агар оила муҳитида мустақкамланмаса унинг ўсмайди, самара бермайди. Эгулик кирмаган юракда тошбағирлик илдиз отади...

Жамол еттинчи синфга ўтганда ўқишини бутунлай ташлаб юборди. Синфда қолди, болаларни пулини олиб қўйиш, уриш, қисқаси ноҳўя ҳаракатлари кўпайди. Шунда мактаб маъмурияти уни ёпиқ СПТУга юборишга қарор қилди. Бундан кўзда тутилган мақсад уни қайта тарбиялаш эди. Аммо Жамол у ердан ҳам қочиб кетди...

Зоир кўп болали оилада ўсди, бундай оилада улғайган болалар кўпинча меҳнаткаш, иродали бўлади. Лекин Зоир бундан мустасно. У Жамол сингари болалар таъсирида ўғирликни ўзига касб қилиб олди. Жиноятнинг боши берк кўчасига кирди...

Эркин... мактабда уларнинг оиласини меҳнаткаш оила дейишди. Бирок, улар жинояти учун жазо муддатини ўтаб келган Эркиннинг юриштиришидан хабардор бўлиб туриши керак эди. Аммо ота-она буни унутди. Оқибатда яқиндагина озодликка чиққан Эркин иккинчи марта жиноят қилди.

Суд уларнинг ишини синчиклаб ўрганиб чиқиб уларнинг уччаласини ҳам айбдор деб топди. Жамол олдинги жинояти учун берилган тўрт ярим йил ҳисобга олиниб олти ярим йилга озодликдан маҳрум қилинди. Зоир Йўлдошев олти йил озодликдан маҳрум этилди. Бундан олдинги кечиктирилган ҳукм ҳам ҳисобга олинган. Эркин ҳамдамов эса икки йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди...

* * *

Мана, айбдорлар қилмишига яраша жазоландилар. Афсуски, бундан хурсандлик ҳис қилолмаймиз. Нега? Негаки эндигина ўн саккиз, йигирма ёшга кирган бу йигитлар қамоқда ўтирмаслиги, бирон жойда ўқиётган ёки бўлмаса ишлаётган бўлиши ҳам мумкин эди-да.

Нега энди улар, ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган бу ёшлар жиноятчига айланиб қолди?

Гап шундаки, уларнинг ҳаётида фақат пешона тери билан топилган пулгина кишини бахтиёр этишини, ҳалол меҳнат саодат келтиришини қулоғига қўядиган, уқтирадиган, қонига сингирдирдиган одам топилмади. Топилгандир балки, айтгандир ҳам, бироқ юрак-юрагига етиб борадиган қилиб айтмаган. Бундан чиқди айб уларда эмас, ўша юрагига етказмаган кишиларда экан-да? Йўқ, бизнингча, энг катта айб уларнинг ўзларида. Зеро, улар ўзларига берилган ажойиб имкониятдан — ёшлиқдан яхши, баркамол инсон бўлиш учун фойдаланмадилар, бинобарин, баркамол инсон бўлиш учун тинимсиз ўқиш, ўрганиш, кўп ва хўп меҳнат қилиш талаб этилади. Улар меҳнат қилишдан, ўқиш-ўрганишдан бош тортишди. Фожианинг илдизи ҳам мана шунда.

Ёқубдан қоқиб олинган тиш кейин маълум бўлишича, тилла эмас, оддий металл бўлиб, яқин қариндоши сариқ металлдан унга тиш қўйиб, «Ана Ёқуб, сенга тилла тиш қўйдим» — деб ҳазил қилган экан.

Бу тасодифий ҳодиса замирида рамзий маъно бор. Чиндан ҳам кимки меҳнат қилмай дунё орттириш йўлига кирса, бир кун албатта миси чиқади. Энди Ёқубга келсак, биз унга кўрқув исканжасидан тезроқ чиқиб олишни маслаҳат берамиз. Бунинг учун ростгўй бўлиш, ҳақиқатни сўлаш, қинғир ишларни фош этишда ўзида жасорат пайдо қилиши керак! Жасорат бор жойда тошбағирлик чекинади!

Шоҳруҳ АКБАРОВ,
«Еш куч»нинг махсус муҳбири
Тошкент шаҳри.

БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИЛАР

«Еш куч» журналхонлари! Биз Сизларни бутун республикамиз аҳолиси учун дахлдор бўлган муаммо ҳақида гурунглашишга таклиф қилмоқчимиз. Йилдан-йилга ўтиб келаётган, минг афсуски, ечими ҳануз топилмаётган пахта терими муаммоси хусусида мунозарага, баҳсга чорламоқчимиз.

Биз мамлакатимизда қайта қуриш ишлари кенг қулоч ёйган бир даврда яшамоқдамиз. Партия ва ҳукуватимиз ҳаётнинг барча жабҳаларида инқилобий ўзгаришлар ясалишини, барча куч ва эътибор кишилар ҳаётини янада фаровонлаштиришни, ўқиш ва ишда янада самарали натижаларни қўлга киритишни талаб этмоқда. Республика-миз халқ хўжалигида жуда катта ва жиддий кампания бўлмиш пахта терими тадбирлари ҳам бундан мустасно эмас. Хўш, шу соҳада кескин ўзгаришлар юз бераптими?

Терим мавсуми бундан бир неча йиллар аввалги мавсумлардан фарқ қиляптими?

Фикримизни ўз тажрибаларимиз асосида ўртага ташлашга рухсат этсангизлар.

Институтимиз студентлари ҳар йили Жиззах области пахтакорларига етиштирилган ҳосилни териб олишда ёрдам берадилар. Ўтган йили ҳам шундай бўлди.

Пахта майдонлари бизни одатдагидан ўзгача қарши олади, деган умидда эдик. Афсуски, умидимиз дастлабки кундаюқ пучга чиқди.

Одатда уйимизга бир киши меҳмон бўлиб келишини билсак шунинг тадоригини кўриб қўямиз. Бироқ, юзлаб, минглаб студентлар ҳашарга келишини била туриб Пахтакор районининг «Са-

данларимиз, қийин вақтларда қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз. Орамизда 9—10 ёшлигидан буён сурункасига ҳар йили пахта теримига чиқаётган йигит-қизлар кўп. Айтмоқчимизки, биз меҳнат машаққатларидан чўчидиганлардан эмасмиз. Бироқ, биз ва бизнинг институт талабалари бўлажак шифокорлар эканлигини унутмаслигимиз керак. Ҳадемай оқ халатлар кийиб беморларни қабул қила бошлаймиз, кишилар ўз саломатликлари ҳақида нажот кутиб бизга мурожаат қилишади. Биз эса олти йиллик ўқув муддатининг қарийб бир йилини пахта даласида ўтказамиз. Республикаимиз шифокорлари шаънига кейинги вақтларда айтилаётган таъна-дашномлардан, ўлкаимизда болалар ўлимнинг кўпайиб кетганлигидан хабаримиз бор. Ўтган йили Тошкентга ташриф буюрган СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов врач кадрлар тайёрлаш ишларининг паст савияда эканлигини қаттиқ танқид қилди. Устма-уст танқидлар кўпайиб кетганидан дам уяласан, дам севиначан киши. Негаки, энди ўқиш-ўқитиш ишлари яхшиланса керак деб умид қиламиз. Аслида эса, умидимиз орзулигича қолиб кетаяпти. Ўтган йили 55 кунлик пахта теримидан қайтганимиздан сўнг лекция ва амалий машғулотлардаги чоп-чопни тасаввур қилсангизлар эди! Ўқув программалари қисқартирилган, практика қисқартирилган — демак, ўзлаштириш ҳам шунга яраша бўлади. Малакали шифокорлар етишмай турган бир маҳалда студентлар ўқишидаги бундай юзакичиликка қандай чидаш мумкин?!

Биз ўз ҳасратимиз билан чекланиб қолмаймиз.

ларимиз, доцент ва профессорларимиз республикамизнинг кўп сонли шифокорлари — ҳаммаси ўзларининг муқаддас бурчлари хусусида қайғуришлари фойдалироқ эмасми?!

Тенгдошлар, олий ўқув юртлари раҳбарлари, мутасадди ака-опалар! Республикаимиз пахта майдонларида ҳосилни йиғиб олиш бир йиллик муаммо эмас. Бундан кейин ҳам об-ҳавонинг қулай келишига ҳеч ким қафолат беролмайди. Шундай экан, пахта йиғим-терим билан боғлиқ бўлган, унга студентлар, турли ўқув билим юрти талабаларини жалб этиш муаммолари юзасидан кўплашиб фикрлашиб олмоғимиз даркор.

Саодат НИШОНОВА,
Мақсуда АБДУЖАББОРОВА,
Лола ҲАМРОЕВА,
Иқбол НУРИДДИНОВА,
Феруза ОЗОДОВА,
Кумуш ҲАЙИТОВА,
Шоира ДАВЛАТОВА,
Тошкент Давлат медицина институтининг
толибалари. (Жами 130 имзо.)

РЕДАКЦИЯДАН. Ҳа, ўтган йил республикамиз пахтакорлари учун оғир келди. Айниқса терим мавсумидаги об-ҳаво инжиқликлари ҳосилни йиғиб олиш ишларини чўзиб юборди. Республика хирмонини уйиш йўлида каттаю-кичик матонат кўрсатиб меҳнат қилди. Ҳашарчи теримчилар учун шарт-шароитни яхшилаш борасида эътиборга сазовор ишлар қилинди. Жумладан Тошкент Автомобиль йўллари институти ҳашарчи талабаларга ҳар жиҳатдан қулай шароитлар яратиб бериши ибратга, кенг оммалаштиришга лойиқ-

БЎЛҒУСИ

ШИФОКОРЛАРМИЗ-КУ!..

ҲАММАМИЗНИНГ
ТАШВИШИМИЗ

марқанд» совхозида қарийб ҳеч қандай тайёргарлик кўрилмаган эди. Баракдаги икки қават супа тахталари тузук-қуруқ қоқилмаган, ромларга ойна солилмаган, оёғимиз остидаги тақир ердан зах уфуриб турарди.

Орадан кунлар, ҳафталар ҳам ўтавердию, лекин яшаш учун оддий гигиена шароитлари ҳам яратилмади. Овқатланиш учун тўртта оёғу битта тахтадан иборат стол, қизлар учун гигиеник палатка, бетқўлни чайдиган умивальник, ҳатто кечирасилару, туалет ҳам қуриб беришмади. Душ, телевизор, радио, кундалик матбуот билан таъминлаш, озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонлар келтирувчи автолавкалар эса анқонинг уругига айланди.

Дарвоқе, 55 кунлик ҳашар мобайнида бор-йўғи 3 марта ҳаммомга тушиш бахтига мушарраф бўлдик. Кишилардан доимо озодаликни, шахсий гигиенани талаб қиладиган биз медиклар икки ойда 3 мартагина ҳаммомда ювиндик! Тасаввур қиляпсизларми?! Ҳаммом бўлганда ҳам «Самарқанд» совхозидаги алмисокдан қолган — тор, ифлос ҳаммомда соатига 100 киши «чўмилиб» чиқдик.

Биз бўлғуси шифокорларимиз, соғлом турмуш тарзи, яшаш маданияти тарғиботчиларимиз. Шунинг учун ҳам антисанитария ҳолатларини бошқа соҳа кишиларидан кўра чуқурроқ ҳис қиламиз. Кун уззукун далада юриб қайтгач ўринга кириб кийимларимизни алмаштирар эканмиз ёстиқларимиз тагида югуриб юрган сичқонларни, газета-дастурхонларимиз тепасида гуж бўлган пашшаларни кўриб шахс гигиенасига доир дарсликларимизда ўқиганларимиз эсимизга тушади. Пахта даласининг дуч келган жойида, захда ўтириб овқатланиш-чи? Бундай шарт-шароитлар айниқса биз қизлар учун зарарли эканлиги аниқ-ку, ахир...

«Пахта терими дам олиш уйи эмас», ёки «Шароитни яхшилаш учун ўзларингиз нима қилдингизлар?» дейдиганлар ҳам топилар. Тўғри, биз қараб ўтирганимиз йўқ. Кўплашиб умивальниклар сотиб олдик, ўрнатдик, кечикиб қурилган ошхона, гигиеник палаткаларга қатнаш учун гишт йўлка ётқиздик, совуқ тушиши билан илматеник баракимизни иситмасе-да, ўзимиз печка қурдик.

Талабаларнинг кўпчилиги комсомол аъзолари. Зеро, зинҳор қадамидан ўт қақнаган йигит-қизлар юрт бошига келган тўйдан зорланяпти деган хайлга борманглар. Биз ҳам Ватанимизнинг чин гражд-

Танлаган касбимиз ўзимиздан кўра халқни, кишилар саломатлигини ўйлашни тақозо этади. Пахта теримида юрган кунларимиз Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Литературная газета»да, сўнг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарида босилган «Қишлоқдаги фожиа» деб номланган мақоласини ўқидик. «Ташкентская правда» (10 ноябрь) газетасидаги «Туғуруқхонадаги фожиа — медицина фожиаси» деган танқидий мақолани ўқиб бир неча кунгача уйқумиз келмади. Ахир, дунёга янги келган норасидалар ҳали она сутига тўймай ҳаётдан кўз юмиб кетаверсаю, уларга парвона бўлиш бурчи ҳисобланган шифокорлар пахта теримига жўнатилган бўлса! Уша мақолада ёзилганидек, пахта теримидаги ҳеч қандай қийинчилик инсон саломатлигидан устун бўлолмайди!

Бизлар билан пахта теримида юрган ўқитувчи-

дир. Афсуски, бундай ташаббус кенг қулоч отмади. Хат муаллифлари ёзганидек, ҳашарчилар ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳолатлар ҳам учради.

ТошМИ толибаларининг куюнчакиги бежиз эмас. Улар бўлғуси шифокорлар малакаси ҳақида қайғуриштилар, инсон саломатлиги посбонларини ўзларининг Бош вазифаларидан чалғитмасликлари хусусида ҳақли талабларни ўртага ташламоқдалар. Дарҳақиқат, даволаш муассасалари коллективларини пахта теримига жалб қилмасак-чи. Медицина билим юртлари талабалари бор имкониятларини ўз профессионал малакаларини оширишга қаратсалар маъқул эмасми?

Ҳадемай ўлкаимизда яна долзарб мавсум — пахта терими мавсуми бошланади. Ушанда дуч келинадиган муаммолар ҳақида эса ҳозирданюқ бош қотирмоғимиз, уни ҳал этиш йўллари топмоғимиз керак.



Бўлғуси врачларнинг чехрасига янглишиш изтироблари ҳеч соя солмасин...

Е.БОТИРОВ фотеси.




Бу уч ўртоқ—Тоҳир Дадамирзаев, Аваз Абдуллаев, Шамси Шокировлар Наманган шаҳридаги I-хунар-техника билим юртида қурувчи-дурадгорлик касбини эгаллашмоқда.

А. КУДРЯШОВ фотоси.




АССАЛОМ, О





ОНА ТАБИАТ!..

В. МОИСЕЕВ ва Р. ЯРУЛЛИН фотолари.





Валерий Зув Мўйноқдаги пионер ва ўқувчилар саройи қошида ташкил этилган қайиқсозлик тўғарагида қатнашади.

А. КУДРЯШОВ фотоси.

Редакцияга посилка келди...

Редакцияга одатда хат келади. Бу гал эса посилка...
Ичиди нима бор экан?..
Қутини очдик. Унинг устида бир дона хат...
«Хурматли редакция!
Сизларга мактабимиз ўқувчилари

ўз қўллари билан ясаган ва фанерга чизган суратларини эсдалик совга сифатида посилка қилиб юбораяпмиз. Аммо сизларга юборишимиздан мақсад фақат бугина эмас. Мактабимиз ўқувчиларидан Алишер Норқулов, Нодира Раҳимқулова ва Баҳодир Бекпўлатовлар гипсдан ҳайкалчалар ясашга ҳамда тасвирий санъатга жо-

ну-дилдан, жуда-жуда қизиқишади. Яқинда областимизда санъат асарларига бағишлаб кўрик ўтказилди. Унда юқоридаги ўқувчилар ҳам ўз ишлари билан қатнашишди. Лекин кўриқда уларнинг ишларига ҳеч ким эътибор бермади, бирор маслаҳат ҳам беришмади. Бу нарса эса ўқувчиларнинг интилишларига салбий таъсир

этмай қўймайди. Тайёрланган ишларни кўриб, фикрларингизни айтасизлар, деган умиддамиз.

Ҳасан ЖУРАЕВ,
Қашқадарё область,
Дехқонобод районидаги
Ҳамид Олимжон номли
69-мактаб ўқитувчиси».

Мақсуда ҲАКИМОВА

ҚЎЛЛАРИ ГУЛ БОЛАЛАР

(ҳамда лоқайд катталар ҳақида)



Хатни ўқигач бизда шундай савол туғилди? Область кўриқлари нима учун ўтказилади? Шунчаки номига, кўрик ўтказдингми, ўтказдим дейиш учунми? Ахир кўрик ўтказишдан мақсад область ўқувчиларининг тўғаракларда ясаган ишларига баҳо бериш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб бериш эмасми?

Шундай экан, нима учун деҳқонободлик болаларнинг ишлари кўриқда ўз баҳосини олмайди?

Эки арзимайдими? Йўқ! Болаларнинг бўш вақтларини тўғарак машгулотларида ўтказиб, санъат асарлари яратиш устида ишлаганигининг ўзи диққатга сазовор. Минг афсуски, кўрик ташкилотчилари масаланинг мана шу томонига мутлақо эътибор берган эмаслар.

Бу — лоқайдлик. Аслида бундай бадий ижодкорлик билан боғлиқ тавсияларни кўриқни уюштирган ташкилотчилар юбориши керак эди редакциямизга.

Мана, ўқувчилар ясаган ва чизган ишларнинг мавзуси хилма-хил. Баҳодир Бекпўлатов фанерга ер шари шаклини чизиб, тинчлик рамзи бўлган кабутарни жойлаштирибди. У ўз сурати билан ер юзидаги барча халқлар дўстлашгандагина тинчлик тантана қилади, деган ғояни илгари сурган.

Иккинчи суратида тинчлик мавзу-

сини янада чуқурлаштиришга ҳаракат қилган. Бунда кўкка парвоз қилаётган тинчлик кабутари.

Алишер Норқулов гипсдан шакллар ясашга қизиқаркан. У ер шари бўйлаб парвоз қилаётган кабутарни чиройли қилиб ифодалабди.

Бугунги кунда табиат олами билан қизиқмаган катта-ю кичикни топши қийин. Деҳқонободлик ёш дўстларимиз ҳам ўз ишларида табиат мавзусига алоҳида эътибор беришибди.

Посилка қутисидан қора рангли ҳайвоннинг ҳайкалчасини олганимизда, ҳамма унга завқ билан тикилиб қолди. Бу мўъжаз ҳайкалчада сакрашга ҳозирлик кўриб турган қоплон акс эттирилган. Унинг куч-қудратини муаллиф аниқ акс эттира олган. Минг афсуски, у йўлда синиб қолган.

Мана, яна ҳайкалчалар: қўй, от, кулча бўлиб ётган илон. Булардан кўриниб турибдики, деҳқонободлик ёш санъат ишқибозлари бу соҳада кунт ва сабот билан машқ қилиб келишяётган экан.

Бу — бизнинг биринчи таассуротимиз. Қолаверса, рассомлик, ҳайкалтарошлиқдан анча узоқ бўлган кишининг фикри.

Хўш, профессионал рассомлар ишларга қандай баҳо бераркин?

— Болаларнинг қўли келиб қолганлиги шундоққина кўриниб туриб-



ди, — дейди журналимиз редколлегия аъзоси, рассом Мирвосил Одилов, сурат ва ҳайкалчаларни синчиклаб кўздан кечирар экан.

— Тинчлик мавзуси болалар томонидан анча мукамал ишланган. Деҳқонободликлар ўз маҳоратларини ошириш устида куч-ғайрат билан меҳнат қилсалар жиддий ютуқларга эришишлари мумкин, — деди «Еш гвардия» нашриётининг бош рассоми Рустам Зуфаров.

Биз ҳам ўз навбатида деҳқонободлик дўстларимизга катта ижодий ютуқлар тилаймиз.



Журналхонларимиз ёзадилар

Хурматли редакция!

Сизлардан ниҳоятда хурсанд бўлганимдан ёзаяпман бу мактубни. Мен ёш математик Ҳошимов Муҳаммадалининг онасиман. Сизлардан олган хатда, ўғлимнинг конкурс голиби бўлганлиги билан табриклабсизлар, каттадан-катта раҳмат, лекин яна бир хурсандчиликни сизлар билан баҳам кўришни истаймиз: Муҳаммадали 1987 йил 26 март кунини ўтказилган Республика олимпиадасида қатнашиб муваффақиятга эришди, 7-синф ўқувчиси бўлган ҳолда топшириқларни 8-синф программаси бўйича ишлаб чиқиб кичик фанлар академиясининг муҳбир аъзоси ва «кичик академик» унвонига сазовор бўлди.

Ҳозир Тошкентдаги Республика физика-математика мактаб интернатининг 8-синфида ўқишмоқда.

Ўғлимизнинг номини «Еш куч»нинг 1987 йил 12-сониди эълон қилинган «Еш матема-

тиklarнинг сиртқи олимпиадаси» голиблари сафида кўриб яна бошимиз осмонга етди.

Каромат ҲОШИМОВА,
Фарғона область, Қува райони,
Қўшкечик қишлоғи.

Хурматли «Еш куч» журнали редакцияси ходимлари! Мен 1987 йили «Жонажон табиат» викторинасининг голиби сифатида эсдалик совга ва фахрий ёрлиқ билан мукофотландим. Бунинг учун сизларга катта раҳмат. Мен севимли журналимдан жуда миннатдорман. Ана шу журналнинг «Жонажон табиат» викторинаси учун айниқса катта раҳмат.

Хурмат ва эҳтиром билан ёш муҳбир қизингиз

Шарват МУРОДОВА,
Самарқанд область, Оқдарё районидаги
К. Маркс номли колхоз.

Биз ҳақиқий ЭҲМни кўрамизми?

Хурматли «Еш куч» редакцияси! Биз ЭҲМ — электрон ҳисоблаш машинаси фанини астойдил ўқишга киришдик. Лекин афсуски, мактабимизда бир дона ҳам ЭҲМ йўқ. Бизга фақат расмини кўрсатиб, ЭҲМ мана мунақа бўлади дейишади. Биз нима қилайлик? Ахир биз келажакда ЭҲМ билан ишлаймизми, ё унинг сурати биланми?

Сурхондарё область, Денов районидаги
А. А. Жданов номли 27-ўрта мактабнинг
9-синф ўқувчилари.

РЕДАКЦИЯДАН: Ўқувчиларнинг саволига жавоб беришни биз Ўзбекистон ССР Маориф министрлигидаги масъул ўртоқларга ҳавола қиламиз.

УЛГАЙИШ

Равшан богда секин юриб атрофни кузатди. Кечагина бу ерларда катта байрам ўтган эди, бугун эса... Ҳар жойда қоғоз гуллар палапартиш осилиб турарди. Оёқ тагида — асфальт йўлда писта пўчоқ — ҳар хил қоғозлари сочилиб ётар эди. Боғнинг бир четини супураётган қоровулнинг аёлми, эркаклигини таниб бўлмас эди.

Волалар майдончасига кириб қолган Равшан бир зум ёғоч отни миниб юрди-да, кейин бўйи баланд шайтон гилдираги тагига бориб, тепага қаради. Сўнг кўприкка, кеча сувга сакраган жойга борди. Хаёлида яна Камоланинг овози жаранглагандай бўлди:

— «Эшитяпсанларми, ҳаммангдан нафратланаман!!! Энди билсам, гўдақдан фарқларинг йўқ экан ҳаммаларингми!»

Равшан ўгирилиб, кўл томонга йўл олди.

Хиёбонда у спортчилар формасини кийиб бир текис чопаётган мўсафид чолни учратиб қолди. Равшан ҳам чолнинг ёнида югура кетди. Чол ёнидаги Равшанга бир қаради-ю, мамнун жилмайди.

— Нима учун югуриясиз? — сўради Равшан.
— Югурияман-да...
— Фойдаси нима?
— Соғлиқни сақлаш учун.
— Мен эса ҳеч нарса сезмаялман.

Чол яна кулди:

— Ҳали ёшсан... Ҳаёт сени қайси томонга олиб борса, ўша томонга оғиб кетаверасан. Аммо йўлни ўзинг танлашинг керак... Тушунасанми — ўзинг!

* * *

Уйига қайтиб келганида, ойиси дазмолдан бош кўтармасдан стол тепасида овора эди. «Айтсаммикин ё йўқми? Нима бўлишини тасаввур қилмаман...» — уф тортди Равшан ичкари хонага ўтиб. «Буниям мен билан иши йўқ», — деб ўйлади у телефон трубкасини қўшқўллаб кучоқлаб ётган акасини кўриб. «Дадамнинг ёнларига кирсаммикин?»

Дадаси одатдагидек кабинетда ишлаб турган экан, чарчоқ кўзлари билан Равшанга қаради.

— Нима керак? Яна муштлашиб келдингми? Равшан бошини сарак қилди.
— Нимага кирдинг бўлмаса?
— Ҳўш, шундай.
— Ишинг бўлмаса, чиқ, — деди дадаси, яна қорғозларига тикилиб.

«Эҳ-ҳа!» — суюниб кетди Равшан ошхонада буйруқ бериб юрган бувисини кўриб.

— Бувижон, бир гап айтсам ҳеч кимга айтмай-сизми — сўради у бувисини ёнига келиб.

— Майли, нима гап эди? — ишини тўхтатмай сўради бувиси.

— «Майли» эмас! Қасам ичинг!
— Ҳўп, қасам ичдим! — бувининг сабр-тоқати тугай бошлади.

— Бувижон, мен уйланмоқчиман.
Бувиси тақ этиб тозалаётган идишини столга кўйди.

— Ҳўш, келин бола ким экан?
— Камола.
— Қачон тўй? Эртагами? Еки индингами?
— Йўқ. Уч йилдан кейин.

— Ҳа, бунга чидаса бўлади. — Бувиси қўлини артиб стулга ўтирди.

— Мен нима қилишим керак? Совчиликка бора-райми?
— Мен жиддий гапирялман, бувижон. Биласизми, мен ҳунар билим юртига кирмоқчиман, уни битириб заводга ишга қираман, кейин эса уйланаман. Ойлик маошим 250 сўм бўлади, балким кўпроқ ҳам бўлар. Сизниям ўзимиз билан олиб кетамиз.

— Шундай дегин... Камола-чи, бунга биласизми?
— Қайда?! Бунақанг гапларга ҳали ёшлик қилади. Ҳозирча ўқинини ўқийверсин.

— Ҳай, майли, мен ҳозир нима қилишим керак?
— Ойимларга секингина тушунтириб қўйинг. Биласизку, институтдан бошқа нарса ҳақида эшитишни ҳам истамайдилар.

— Ҳўп, яхши, — ўйланиб жавоб берди буйи-

(Давоми, боши ўтган сонда)

си. — Аммо унга ҳам ҳозирча миқ эта кўрма! Мактабингдаям ҳаммаси аъло бўлсин.

Равшан бувисини кучоқлаб бетларидан ўпди.
— Мани энг қадрли ва ишонарли дўстим сиз-сиз, бувижон!

* * *

Равшаннинг ҳунар билим юртига кириш ҳақидаги аҳдини билиб қолган ойисининг жазаваси тутди. Хонадан бу хонага югуриб, идиш товоқларининг баъзи бирларини полга тушириб, синмаганларни жой-жойига қўйиб юрарди.

— Эртагаёқ топширган аризангни қайтариб оласан! — бақириб берди у. — Эртагаёқ!

Равшан индамасдан деворга суянганча турар, очик эшикдан нариги хонада бошига ҳўл сочиқни қўйиб ётган бувиси кўриниб турар эди.

— Бу қилмишингни қандай тушунса бўлади? Қандай? — тинмай жаврар эди ойиси, — Мактабни битириб институтга кириш бурчинг, бунга яхши билиб ол!

— Мен хоҳлаймайман.
— Хоҳлашга ёки хоҳламасликка нима ҳаққинг бор, кимсан сен ўзинг?! Ҳеч ким! Тушундингми — ҳеч ким! Гапирингга ҳаққинг йўқ, чунки сен бизнинг қарамоғимиздасан!

— Шунинг учун ҳам аризани бердим-да...
— Қандай берган бўлсанг, шундай қайтариб оласан. Сиз ҳам ойи, унинг тарафини оляпсиз!

«Катта бўлиб қолди! Ҳунар ўрганиши керак эмиш!» Е ўзинг аризангни қайтиб оласан, ёки ўзим бориб оламан!

Шовқин-суронни эшитиб қўшни хонадан дадаси чиқиб қолди.

— Эшитдингизми? — хитоб қилди унга ойиси. — Эшитдингизми бунинг гапини?..
— Нима бўпти?! Ўз вақтида мен ҳам ҳунар билим юртини битирганман.

— Сиз-ку, яқна эдингиз! Етим эдингиз!
— Буни нима фарқи бор?
— Фарқи шундаки, сиз қирк уч ёшингизда энди кичик илмий ходим бўлиб юрибсиз. Гапирайми яна?.. — аччиқланиб деди ойиси.

Дадаси бу гапга жавоб қайтармасдан эшикни қаттиқ ёпганча кабинетига кириб кетди.

— Хуллас, гап шу, — кабинет эшигига қараб бақирди ойиси, — Агар у аризасини қайтиб олмас экан, мен уйдан кетаман!

— Кераги йўқ, — деди Равшан. — Уйдан мен кетялман. Менга ётоқхона беришяпти.

Охири ойиси бари бир хушидан кетиб қолди. У қўқис стулга ўтириб қолганда, дори билан бир стакан сув ва ҳўл сочиқни кўтариб бувиси кирди. У Равшанга, кетақол дегандай имо қилди-ю, қизига парвона бўлди!

* * *

Бундан кейин ҳам Равшаннинг ойиси тинчимасди. Ота-оналар комитети вакили билан билим юртига йўл олди. Шаҳдам келаётган аёллар Шукур Ҳайдарович кабинетига киришди.

— Мен Зулфия Аҳмедовнаман, Равшан Аъзамовнинг онаси. Бу киши — ота-оналар комитетининг раиси Валентина Сергеевна Павлова.

— Жуда хурсандман, Ҳўш, хизмат? — деди ўзини таништирган Шукур Ҳайдаров хотиржамлик билан.

— Ҳайрон бўлсангиз ҳам биз сиздан ёрдам сўраб келдик. Гап шундаки, ўғлим сизларнинг билим юртингизга ариза берган.

Шукур Ҳайдарович жилмайди:
— Жуда яхши. Мен қандай ёрдам беришим мумкин?

— Болани кўндириш, аризасини қайтиб олсин. У ҳали жуда яна ёш. Ҳаётни билмайди, тушунинг.

— Мен бу ишни қилолмайман. Аризани ўзи берган ва фақат ўзи қайтиб олиш мумкин. Бундан ташқари, менимча, у тўғри йўл танлаган.

— Ўз ўғлингиз шундай ишни қилганида, нима қилган бўлардингиз?
— У билим юртини тугатиб заводда ишла-япти, — кулимсираб жавоб қилди Шукур Ҳайдарович.

— Билмадим, билмадим... Агар менинг ўғлим оддий бола бўлганидаям майлиди. Аммо унинг математика, физикага қобилияти бор, ёшлигидан классикани ўқишга ишқибоз эди, бу ерда эса қандайдир темир-терсақлар...

Шукур Ҳайдарович ўридан турди. Ўзини тутишга ҳаракат қилди:

— Мени кечирингу, Зулфия Аҳмедовна, бунақанги китобий мисол учун, аммо мамлакатимиз — ишчи-деҳқонларники! Ва унинг бор-йўқлиги ҳам биринчи гал мана шу темир-терсақларга боғлиқ. Фақат тушунолмайд қолдим, ишлаб чиқаришга нисбатан шунақанги кеккайиш қаердан пайдо бўлди экан? Ўзингиз кимлардансиз?

— Тушунмадим.
— Ота-онангиз ким бўлган, деб сўраялман?
— Ишчи улар. Аммо бунинг ҳозир ишга даҳли йўқ.

— Бизнинг мамлакатимизда, — деб қолди шу вақтгача жим ўтирган Валентина Сергеевна, — ҳар ким ўз бурчини бажаради.

— Бу-ку тўғри, аммо болаларга келганда ҳаммамизда битта ягона бурчимиз бор. Мутахассислигингиз нима?

— Мактабда адабиётдан дарс бераман.
— Унда сизга даъвом бор.
— Қизиқ, қанақа даъво экан?
— Мактабда адабиётни ўқитиш масаласи мени қониқтирмаяпти.

— Аниқроқ айтолмайсизми?
— Мумкин. Саккизинчи синфда программа бўйича нималарни беришсизлар?

— Ҳамма жойдагидек. Классика. Пушкин, Лермонтов.

— Ах-ха! Классика. Сўзсиз классика ҳам керак, аммо бугунги ҳаётимиз қаерда қоляпти? Ахир ўқувчиларга ҳаётда йўл танлаш масаласини ҳал қилиш тўғри келади. Бугун бўлмаса эртага касб танлаш керак, булар эса ҳалигача Татьяна Онегинга хат ёзиши жоизми ё йўқми, деган муаммо билан машғул.

— Сиз нимани истардингиз, — жеркиб жавоб берди Валентина Сергеевна, — адабиётни касб танлаш системасига алмаштиришимиз? Бундан ташқари, ҳунар техника билим юртлари ҳақида бирорта китоб ёки кинони менга тавсия қила оласизми, буларни мен ўқувчиларга маслаҳат беришим учун?

— Афсуски, тавсия этолмайман... Ва яна гумоним борки, ёзувчи ва киночининг кўпчилиги системамизнинг муаммолари борлиги ҳақида билишни ҳам истамайди, аммо битирувчиларимиз чиқарган нарсалардан бемалол фойдаланишяпти, улар қурган уйларда яшашяпти, бундан ташқари кўп нарсаларни мисол келтиришим мумкин... Ўйлайманки, мамлакатимизнинг меҳнат рёсурсларини тайёрлаш — бутун халқ ишига айланиши ва ҳукумат доирасида ҳал қилиниши керак.

— Гапларингиздан билдимки, мактаб ислоҳотимиз умуман йўқдай, — гердайиб деди Валентина Сергеевна.

— Шаҳсан мен ислоҳотдан каттароқ натижани кутган эдим. Сизлар, мактабдагилар, ҳозир бизга «учга» ўқийдиганларни — яроқсизга чиқарилган ўқувчиларни беришсизлар. Ва магазинларда яроқсиз чиқарилган молларни кўргангизда га-забланасиз, бу ўша яроқсиз ўқувчилар чиқарган моллар. Сизлар нимани кутар эдиларинг? Нимани эксангиз ўшани ўрасилар. Эртага эса буларга каттароқ, жиддийроқ масалаларни ҳал қилишга тўғри келади...

Зулфия Аҳмедовна шиддат билан туриб кетди.
— Мазмунли лекциянгиз учун раҳмат! Директорингизни қаердан топса бўлади?

— Унг томондаги биринчи эшик, — куруқкина жавоб қилди Шукур Ҳайдарович меҳмонларни кабинет эшигигага кузатиб қўяр экан.

* * *

Улар «директор» деган ёзуви бор эшикнинг олдида тўхтаб қолишди.

— Бир томондан қарасангиз уям ҳақ, — ўйланиб деди Валентина Сергеевна.



В. ЛУНЕВ РАСМ.

— Кўнғироқ ўрнига, — деди эгизаклардан биттаси, — магнитофон ишга туширилиб эълон қилиш мумкин: нонушта, тушги овқат, кечки овқат ва бошқаларни.

— Жуда яхши! Яна ким?

— Еруғлик таблосини ишлатса бўлади, — қўшиб қуйди эгизакларнинг иккинчиси.

— Умуман бу принципти фотоэлементлар ёрдамида ишлатса ҳам бўлади, — деди малласоч.

— Жуда соз! Яна ким?

Узун бўйли бола жойидан кўзгалди.

— Бу масалани акустика ёрдамида осонгина еча бўлади. Яъни, тескарисини қилишимиз мумкин: магнитофон ёки одам овози системани ишлатади.

— Балли, йигитлар! — кулди Шукур Ҳайдарович. — Шундай қилиб, янаги дарсга топшириқ — схемани ишлаб чиқиш, майли уни «Уқув жараёнини назорат қилиш агрегати» дейлик, қисқачасига — «УЖНА» бўлсин. Бу қатор — автоматик принципти қўласин, сизлар — акустика принципини, мана бу қатор эса фотоэлементлар ёрдамида ишлайдиганини. Кимнинг схемаси яхшироқ чиқса — ўша схемани билим юртимизда татбиқ этамиз. Материаллар билан мен ўзим тяминлайман. Топшириқни бажаришга ҳозирроқ киришишларинг мумкин.

* * *

Куларнинг бирида Равшан Камолани кўриб келаман деб тўғри уйга йўл олганди. Кўчада Генкани учратиб қолди. У эса, сўрашиб, ҳол-аҳвол суриштирди-да, Равшан билан бирга кета бошлади.

— Биласанми, дўстим, — эҳтиёткорлик билан гап бошлади у. — Тўғриси айтганда, мен ҳам сен билан бирга билим юртига кирмоқчи эдим...

— Хўш, бўлмаса нимага кирмадинг? Эси пастларнинг қаторига қўшилиб қоламан, деб қўрқдингми?

— Шунга ўхшаган гап бўлувди. Тушунасанми, агарда бутун синфимиз билан айтайлик БАМга жўнаганимизда эди, ўшанда ҳаммаси жойида бўлар эди. Бу ҳолда эса — худди менинг камчилигим бордек.

Равшан тўхтади. Кейин кулди:

— Энди нимага бошингни оғритиб юрибсан, ҳарбий? Ҳаммага ўхшаб юравер, — деди-да, йўлида давом этди.

Генка турган жойида мунгайиб қолаверди.

Камоланинг уйига етиб келганида Равшан эшикни ўзи очармикан деган хаёл билан кўнғироқ тугмасини босди.

— Ҳозир, ҳозир! — ичкаридан Камоланинг ойисининг хурсанд овози эшитилди. — Ҳозир очаман! — У эшикни очди-ю, чеҳрасидаги хурсандчиликдан асар ҳар қолмади. — Уста келди деб ўйлабман... — деди у Равшанни уйга киритиб. — Ишим бошимдан ошиб ётган вақтида дегин, тикув машинам бузилиб қолса бўладими. Икки кундан бери устани кутиб ётибман. Ичкарига кир. Камола ҳозир келиб қолади, театрга кетувди.

Равшан қизиқиб сўради:

— Машинангизга нима бўлди?

— Биласанми, ишлаб-ишлаб, кейин тўсатдан худди безгак тутгандай қалтираб қолади, тақатқ тўхтади. Бунинг устига гувиллайди.

— Отвертка борми? — сўради Равшан.

Аёлнинг чеҳраси очилиб кетди.

— Топилади! Албатта топилади! — шоша-пиша жавоб қилди у. — Вой, билим юртига кирганинг ёдимдан кўтарилиб кетибди-ку.

Ошхонада чойнакнинг шақирлаган овози эшитилиб қолди.

— Ҳозир чой ичамиз, пирог билан! — дея Малика опа ошхонага кириб кетди.

Равшан машинканинг ичини очиб тузата бошлади.

Малика опа ошхонада турган куйи гапира кетди: — Билим юртига бориб тўғри қилдинг. Бу дунёда ҳар қандай одамнинг бир ҳунари бўлиши керак, қолган нарсалар топилаверади. Буларни менинг бобом гапирган эди.

— Камолани нега тикувчиликка ўргатмайсиз? — сўради Равшан.

— Ана холос! Билмайсанми ҳали? — Малика опа қўлларида ҳар хил пишириқлар била тўла патнис кўтариб хонага кирди. — Тўртинчи синфдан ҳаммасини беш қўлдай билади. Тикувчиликда мендан ҳам ўтади. Пишириш масаласига келсак — тенги йўқ! Мана бу пирогни ўзи пиширган.

«Ажабо! Камола тикувчиликниям, нарсани пиширишниям билар экан! Ақлга сиғмайди!» — кўнғилдан ўтказди Равшан.

Эшик овози эшитилиб, хонага Камола кирди. — Ҳа Равшан, салом! — деди у худди Равшан бу уйга ҳар куни келаётгандай. Сумкачасини диванга ташлади-ю, ўзига жой тополмагандай югура бошлади. — Ҳозир нималар бўлганини биласизми, ойижон, жуда қизиқ нарсалар! Феруза билан биринчи қаторда ўтирганимизда саҳнада «Вақт машинаси» ударниги-чи, ўзи чалапти-ю, кўзини эса менга қараб қисяпти. Феруз бўлса: «У менга кўзини учирапти!» — дейди, мен эса: «Менга!» десам, у яна: «Йўқ менга!» — деди-да. Қип-қизил экан! — Камола шуларни жавраганча хонасига кириб кетди.

Малика Қурбонова қизининг орқасидан бошини сарак-сарак қилиб қолди.

— Мана тийёр, — деди Равшан ва тикув машинани юргизди. Машинани бу сафар безгак тутмади.

— Вой, раҳмат! — суянди Камоланинг ойиси. — Баракалла! Ақлинг балли! Ўтир, чой ичамиз.

— Йўқ, раҳмат! Кетишим керак.

Камола уни қузатгани чиқиб подъездда мақтанди:

— Биласанми, менда Магомаев, Кобзон, Лещенко, барча Зокировларнинг, Мансур Тошматов, Антонов дастхатлари бор, яқинда Леонтьев ҳам келар эмиш, дейишяпти...

— Бундан бошқа бахт керак эмас, дегин?

— Устимдан куляпсанми?

— Йўқ, жиддий гапиряпман. Битта танишим бор, у олдин конфет ўрайдиган қоғозчаларни тўплаган, кейин гугурт қутичаларни, ундан кейин сигаретларни, ҳозир эса капалакларни коллекция қилиб тўплайпти...

— Куляпсан-а, — араалади Камола.

* * *

Қани менинг ўғлим? — зарда билан сўради Шукур Ҳайдаровичдан Зулфия Аҳмедовна. — Мен сиздан сўрайяпман: қани менинг ўғлим?

— Илтмос, тинчланинг, — жавоб берди Шукур Ҳайдарович. Унинг орқасида «Навбатчи мастер» деган ёзув кўриниб турар эди.

— Қандай қилиб тинчланишим керак. Ҳозиргина уни хонасидан қидирдим. Жойида йўқ, кўчада эса аллақачон қоронғи тушган. Қандай қилиб мен хотиржам бўлай, унинг қаерларда дайдиб юрганини билмасам?

— Мен эса биламан.

— Қаердалигини мен ҳам билсам бўладими? — сал юмшаб сўради Равшаннинг ойиси.

Ҳозир уни сизга кўрсатаман, — деди Шукур Ҳайдарович, — фақат битта шарт билан — сиз ҳеч нарсага аралашмайсиз. Келишдикми?

* * *

Улар бир нечта коридорлардан ўтиб чиққлари ёнган хонанинг деразалари олдида тўхтади. Шукур Ҳайдарович ичкарига қараб кўрди-да, Зулфия Аҳмедовнани яқинроқ келишга чақирди. У ҳам келиб ичкарига қаради.

Хонанинг полида бир гуруҳ ўсмирлар қўлларида кавшарлагичлар билан эмаклар юриб қандайдир катта-кичик темир қутилардан чиқиб чатишган симларни қалайлашар эдилар. Уларнинг ичиде Равшан ҳам бор эди. Малласоч йигитча стол устига ётволлиб қандайдир чизмалар устида бош қотирар эди. Эгизаклар тайёр симларни изоленга билан ўрашарди.

Шукур Ҳайдарович уларга халакит бермайлик, деб имо қилди-ю, коридор бўйлаб юра бошлади. Зулфия Аҳмедовна унга ёлвориб:

Нима қилишяпти улар? — деб сўради.

Масофали бошқариладиган синф доскасини ясашяпти. Уларнинг фикрича, ҳозирги замон ўқитувчиларимиз техника воситалари билан етарли тяминланмаган.

— Уларни ясашяптими?

— Ҳа десам ҳам барибир менга ишонмайсизку. Зулфия Аҳмедовна кулди:

— Ўғлим бирор нарсани ўйлаб ўз қўли билан ясагани ҳеч хаёлимга келтирмаган эдим.

* * *

Бу воқеа бир куни кечкурун юз берди. Равшан билан Юсуф шошилмай кўчани ўртасидан кетишар эди.

— Юр, кўчанинг нариги томонига ўтамиз, — деди Юсуф.

— Нима учун. Бу йўл яқинроқ-ку?

— Биласанми, у томонда биттаси ҳар сафар йўлимни тўсаяпти. Пул сўраб. Битта ўзи бўлганда-ку, энасини кўрсатардим, аммо улар кўпчилик, шайка бўлиб олишган...

Тўлқин ШАМШАРОВ таржимаси

(Давоми бор)

Абитуриентнинг иншолари

қай тартибда баҳоланади?

Ташкент Давлат педагогика институтининг доценти сифатида бир неча йилдирки, кириш имтиҳонларида қатнашиб, абитуриентларнинг ҳар хил савиядаги иншоларини текширишга тўғри келади. Баъзи ёзилган иншоларни бадиий асардай завқланиб ўқиган чоғинг улардаги самимий фикрлар сени маҳлиё қилиб олади. Мана шу жумлаларни абитуриентнинг ўзи туздимикан, теран мулоҳазали, саводхонлик билан ёзилган иншода планда берилган масалалар тўла акс эттирилбди, деб қувонасан, киши.

Лекин шундай ёзма ишлар ҳам учрайдики, абитуриентларнинг фикрлар доираси тор, ўз фикрини мустақил, раво баён қила олмайди, бадиий асарни чуқур муҳокама қила билмайди, она тили грамматикаси қонун-қоидаларини тўла эгаллай олмагани, мукамал план тузишни билмаслиги ишнинг мазмунидан сезилиб туради. Фикримиз қуруқ бўлиб қолмасин. Қашқадарёлик абитуриент Ғойипов Оқилжоннинг ёзма ишидан: «Достондаги Фарҳод образига тарбиявий аҳамият.(?) Фарҳодни қийналганини кўриб Ширин ҳам канал қазийди.(??) Фарҳод Бам қурилишларида ҳам қатнашади.(???)»

Хоразмлик Боймуратова Шоиранинг иншосидан: Мирзо Турсунзода ўғли Ойбек(?) атоқли ўзбек совет ёзувчиси.

Бойнинг оила аъзолари оғзи катта демократ(?) бўлиб оддий меҳнаткаш йўлчиға менсимай қарашларини кўра бошлайди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар наинки абитуриентнинг, балки уни ўқитган ўқитувчиларнинг ҳам савияси нечоғлик эканини исботлаб ту-

рибди. Бундай «иншо»ларга қандай баҳо қўйиш мумкин?!

Риштонлик адабиёт муаллими-аси Мавлуда Пўлатова редакцияга йўллаган мазмундор мақола-сида «олий маълумотли мутахассис бўлиш учун она тилида чиройли ёза билиш керак. Ҳарф элементларининг бузиб ёзилиши имло хато ҳисобланади», — деб тўғри таъкидлабди. Муаллиманинг «абитуриентларнинг иншоларини текшираётган олимларнинг виждонини рентгендан ўтказиш керак. Иншонинг мазмуни ҳам, саводхонлиги ҳам адолатли баҳо олиши керак», деб куюнчаклик билан айтган эҳтиросли фикрларини ҳам тушуниш мумкин. Лекин унинг «кечки сменада ўрта мактабни тугатган колхозчи абитуриент билан шаҳар мактабни тугатган абитуриент бир хил ўлчовда ўлчанаётганлиги»га норозилик билдириши ноўрин. Акс ҳолда «чўлда ўқиган абитуриентлар учун колхозчи абитуриентдан кўра кўпроқ енгиллик берилиши керак» деган фикрларни ҳам, инobatта олмоқ керак бўлади. Иншо баҳоси учун мезон — битта...

Омадсиз абитуриентларнинг фикрича, гўё олий ўқув юртининг ўқитувчилари абитуриентларни қийнаб, юқори баҳо қўймай, уларни атайлаб йиқитишга, паст баҳо қўйишга ҳаракат қилар эмишлар. Халқ ибораси билан айтганда: «Қозонда бўлса чўмичга чиқади», — яхши ёзилган иншога паст баҳо қўйиш мумкин эмас. Абитуриентнинг ёзма иши ойнадек кўриниб туради. Ҳозирги кунда ҳатто оғзаки имтиҳон жавоблари ҳам ёзма ҳолда алоҳида титул листларга ёздирилиб, абитуриент билимини объектив баҳолашга имконият яратилмоқда. Шунга кўра, абитуриент си-

фатида иншо ёзмоқчи бўлган ёшларимиз фақат 10-синф ҳажмида эмас, балки барча синфда (7, 8, 9, 10-синфларда) иншони тўғри, саводхонлик билан ёзишга ҳаракат қилмоқлари лозим. Бунинг учун энг аввал дарсликдаги темаларни етарли ўзлаштириб олишлари, дарсликдаги темалар билан боғлиқ ҳолда синфдан ташқари ўқиладиган бадиий асарлар, публицистик мақолаларни пухта ўрганиб, иншоларида улардан ўринли фойдаланишлари лозим. Мана шундагина ўқитувчиларга айб қўймай, олий ўқув юрти талаблари асосида ёзган иншолари учун юқори баҳо олишлари турган гапдир.

Иншо беш балли система асосида баҳоланади. Иншони баҳолашда унинг мазмуни, нутқий ифодаланиши ва саводли ёзилиш даражасига алоҳида эътибор берилади. Теманинг ёритилиш даражаси, иншо мазмуни, планинг берилиши, иншода план пунктларининг акс эттирилиши, қай даражада ёзилганлиги (стилистик, орфографик, пунктуацион ва грамматик хатоларнинг сони) ҳисобга олиниб баҳоланади.

«5» баҳо:

а) тема тўғри ва тўлиқ ёритилган, адабий материаллардан ўринли ва яхши фойдаланилган, ҳодисаларга берилган план асосида ижодий ёндашилган ва мустақил фикрлар ифодаланган;
б) фикрлар мантикий изчилликда ифодаланган, хулосалар тўғри асосланган;
в) адабий тил нормаларига риоя қилинган ҳолда тушунарли ва аниқ ёзилган;
г) бир ёки иккита қўпол бўлмаган орфографик, пунктуацион ва стилистик хатога йўл қўйилган иншога қўйилади. Иккитадан ортиқ орфографик хато билан ёзилган

иншога «5» баҳо қўйилмайди.

«4» баҳо:

а) тема план асосида, асосан, тўғри ва тўлиқ ёритилган, адабий материалдан ўринли фойдаланиб ёзилган;
б) фикрлар мантикий изчилликда ифодаланган, хулосалар асосланган, адабий тилда ёзилган, аммо айрим жузъий ноаниқликка йўл қўйилган;
в) офографик, пунктуацион ва стилистик хатоларнинг умумий сони беш-олтитадан ортиқ бўлмаган иншога қўйилади. Орфографик хатоларнинг умумий сони тўрттадан ошса, «4» баҳо қўйилмайди.


«3» баҳо:

а) темаси асосан тўғри ёритилган, адабий тилда ифодаланган; маълум хулосалар чиқарилган, аммо баёнда темадан бирмунча четга чиқилган;
б) материални изчил ифодалашда айрим камчиликларга йўл қўйилган, баъзи сўзлар нотўғри қўлланган;
в) хатоларнинг умумий сони ўн-ўн иккидан ортиқ бўлмаган иншога қўйилади. Орфографик хато олтитадан ошса, «3» баҳо қўйилмайди.

«2» баҳо:

а) планда кўрсатилган тема тўғри ва тўлиқ ёритилмаган, фикрлар тушунарли ҳамда изчил ифодаланмаган;
б) хулоса жуда бўш ифодаланган ёки бутунлай хулосаланмаган;
в) фикрни баён этишда қўпол хатоларга йўл қўйилган;
г) ўн икки ёки ўн учтадан ортиқ орфографик, пунктуацион ва стилистик хатолар билан ёзилган иншога қўйилади.

Раъно ИНОҒОМОВА,
педагогика фанлари кандидати,
доцент.



Бепардоз гулларнинг ифори ўзга...

Р. АЛЬБЕКОВ фотоси.



ЎСМИРНИНГ

Инсон боласи вояга етгунга қадар босиб ўтадиган даврларни билиб олиш, таълим-тарбия жараёнида уларга эътибор қилиш ота-она ва мураббийлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Бу даврнинг энг мураккаб, энг бежилов босқичи ўсмирлик даврига тўғри келиб, фанда буни болаликдан балогат ёшига ўтиш босқичи дейилади. Болалар ва ўсмирлар билан иш олиб борувчи барча мутахассисларнинг яқдиллиги билан таъкидлашларича, бу шахс тараққиётидаги энг оғир ва мураккаб давр ҳисобланади.

Бу ёшда ўсмир организмда, унинг руҳий дунёсида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Унда янги қизиқиш, майл ва эҳтиёжлар вужудга кела бошлайди. Ўсмир руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришларнинг энг муҳими — уларда хусусий фикрларнинг пайдо бўлиши, танқидий тафаккурнинг ривожланишидир. Бунинг натижасида улар катталарнинг фикр ва кўрсатмаларига танқидий муносабатда бўла бошлайдилар.

Кечагина ота-онаси ва ўқитувчиларининг айтган ҳар бир сўзини ҳеч иккиланмасдан қабул қилаётган бола энди уларни танлаб қабул қилади. Берилаётган топшириқ ва талабларни ўз тушунчалари чиғиригидан ўтказиб муҳокама қилади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга хос бўлган «Бу нима?», деган содда савол ўрнини «Нима учун?», «Нима сабабдан?» деган мураккаб саволлар эгаллайди.

Ўсмир кўпинча ўзининг бутун ҳулқ-атвори билан болалар дунёсидан ажралишга, катта кишиларга ўхшашга, атрофдаги кишилар ўзи билан катталардек муомала қилишларини хоҳлаб, шунга эришишга ҳаракат қила бошлайди. Агар ўсмирнинг бу хоҳиш, истаклари инобатга олинмасдан, у билан худди илгаригидек муомала қилинса, унинг жаҳли чиқади, ўжарлик ва ҳатто кўполлик, кўрслик қилади.

Минг афсуски, биз катталар ўсмир фарзандларимизда содир бўлаётган бу хил руҳий ўзгаришларни ҳар доим ҳам ўз вақтида сезавермаймиз. Ўсмирлар эса ўзларига қилинаётган муомаланин оҳангига, характериға нисбатан жуда сезгир бўладилар.

Ўсмирлик даврининг яна бир характерли хусусияти — унинг мустақилликка бўлган интилишидир. Шунинг учун ҳам уларнинг бу интилишларига путур етказмаган ҳолда муносабатда бўлиш, уларга ишонч билан қараш, айрим оилавий масалаларда улар билан маслаҳатлашиб туриш фойдадан ҳоли эмас. Бу ёшда уларга қатъий ва кескин талаблар қўйиш, дўқ-пўписа қилиб буйруқ бериш доимо салбий реакцияларни юзага келтиради.

Баъзан ўсмирлар катталар билан муомалада ўз ёшига номуносиб хатти-ҳаракатлар қилиши, айрим сўзларни ноўрин айтиб юбориши мумкин. Бу билан у катталарни менсимганлиги ёки ҳурмат қилмаётганлигини эмас, балки ўзининг катта бўлиб қолганлигини, энди у ёш бола эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлади. Психологлар томонидан ўсмирлар билан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, улар ўртасида қайсарлик, ўжарлик, ҳатто кўполлик ва кўрслик каби нуқсонларга ижобий баҳо бериш кенг тарқалган экан. Ўсмирлар бу хусусиятларни гўёки қатъиятлик, мустақиллик, қарам бўлмаслик ва довуракликнинг намоён бўлиши, деб ҳисоблашар, яхши муомалада бўлиш, меҳрибонлик кўрсатишдан уялиб, бу хил муомала қилишни улар ландовурлик, лаганбардорлик, қўрқоқлик деб тушунадилар.

«Ўжарлик ва қайсарликни қандай баҳолайсиз?» деган саволга VII синф ўқувчиси: «Қайсарлик билан бўлса ҳам мустақил бўлишни ва бошқаларнинг маслаҳатисиз яшашни хоҳлайман. Ҳаётда ҳамма вақт ҳам маслаҳатчинг бўлавермайди. Емон бўлса ҳам, аҳмоқона бўлса ҳам, майли, ўз хоҳишимча қиламан» деб жавоб берган.

VIII синф ўқувчиси бундай деб ёзади: «Майли, қайсар кўпинча ноҳақ бўла қолсин, лекин ҳақсиз бўлса ҳам у бугун ўз деганини қилади, эртаси куни эса ҳақли бўлиб чиқади. Иродани катта ишларда синаб кўришдан олдин, уни арзимас ишларда синаб кўриш керак».

Ўсмирдаги мустақилликка бўлган интилишни ўстириш ва ижобий томонга ривожлантириш учун оила ва мактабда уларнинг руҳий ва жисмоний имкониятлари тақозо қиладиган ишлар билан банд қи-

лиш, ижтимоий фойдали фаолиятга тортиш катта аҳамият касб этади. Бу уларни бекорчи, бемаъни вақт ўтказишларига имкон бермаслик билан бирга, уларда мустақиллик, активлик, маълум шароитларда шахсий позицияда туриш, коллектида ўзаро боғланиш ва бўйсунуш каби хусусиятларни шакллантиради. Н. К. Крупскаянинг «Ўсмир энди ёш бола эмас, у теварак-атрофдаги ҳамма нарсаларга жуда қизиқади. Ниҳоят даражада актив, меҳнатга — ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнатга қизиқиши катта бўлади. Бу активликни йўлга солишни билиб олиш, болаларни аҳиллик билан иш кўришга ўргатиш, уларни зарур билимлар билан қуроллантириш, жамоат ишларини олиб боришга ўргатиш, ақлий меҳнат соҳасида ҳам уюшқоқлик билан ишлашга ўргатиш зарур» деб уқтиргани бежиз эмас.

Ўсмирлик даврида ўқувчиларнинг ўқитувчиларга бўлган муносабатларида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлади. Улар ўқитувчиларининг хато ва камчиликларини тузатишни, турли-туман «қийин, сирпанчиқ» саволлар билан уларни «мот» қилишни, тортишишни яхши кўрадилар. Буларнинг ҳаммаси юқорида айтганимиздек, ўсмирга хос хусусият — ўзининг «катталашиб» қолганлиги, етуқлиги, билими, ўз мустақил фикри борлигини кўрсатишга интилишидир.

Ўсмир организми ва руҳиятида бўладиган ўзгаришларнинг барчаси ҳам бир вақтда, бир хил даражада содир бўлавермайди. Шунинг учун уларда ҳам катталарга, ҳам болаларга хос хусусиятларни учратишимиз мумкин. Психологик ва социологик текширишлардан маълум бўлишича, кейинги даврларда акселерация (лотинча — тезлашиш) ҳодисаси туфайли ўсмирларнинг жисмоний ўсиш даражаси уларнинг маънавий ўсиш даражасидан бирмунча илгариллаб кетган, яъни жинсий етилишнинг бошланиши ва у билан боғлиқ бўлган ҳислар ва майлларнинг намоён бўлиши ўртасида маълум номувофиқлик юзага кела бошлаган. Бу ўсмир тарбиясида қўшимча қийинчилик ва мураккабликлар вужудга келтиради. Негаки, ўсмир аксарият ҳолларда ўзи учун янги бўлган инстинктларга, эҳтиёжларга, майлларга тўғри баҳо бериб, уларни росмана бошқара олмай қолиши мумкин.

Саноат ривожланган мамлакатларда болалик даври нисбатан кам тараққий этган мамлакатлардагига қараганда бирмунча чўзилган бўлади. Болалар ва катталар алоҳида-алоҳида группаларга ажратибли, уларга қўйиладиган талаблар, қоидалар бир-биридан кескин фарқ қилади. Натижада бола ёшлиқда бир хил талабларга риоя қилишга ўрганиб, катталар учун зарур бўлган қонун-қоидалардан четда қолади. Вояга ета бошлаши билан янги талаблар тақозо этадиган қоидаларни ўрганиш учун болалиқда ўзлаштирган айрим кўникма ва одатлардан халос бўлиши ва янгиларини ўрганиши зарур бўлади. Бу эса психологик нуқтан назардан қарайдиган бўлсак, анча мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки муайян вақт давомида ва маълум тартибда таъсир этиб турувчи кўзғовчилар бош мия катта ярим шарлари пўстида мустақкам нерв боғланишларини вужудга келтирадими, бу болаларга ҳосил бўлган кўникма, малака ва одатларнинг нерв-физиологик асоси бўлиб, уларнинг ўзгариши, қайта қурилиши нерв системаси ишини қийинлаштириб юборади.

Шунинг учун ҳам биз ўсмирлик ёшини болалик даври билан катталар группаси ўртасидаги ўтиш даври деймиз. Ўсмир катталар қаторига ўтишни, уларга хос хусусиятларни эгаллашни хоҳлаб ҳар жиҳатдан катталар оламнинг «эшиги»ни қоқа бошлайди. Катталар эса уни ўз «эшик»ларидан киритмай туришади. Ўсмир ўзининг катта бўлиб қолганлигини кўрсатиш учун уларга тақлид қила бошлайди. Унинг юришида, сўзлашишларида катталарга хос хусусиятлар намоён бўла бошлайди. Ўсмирнинг папирос чекиши унинг кашандалигидан эмас, балки юқорида айтганимиздек, катталарга ўхшашга интилиши ва ўзини катта киши қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишдан далолат беради. Бу билан биз ундаги шу нуқсонга эътибор бермаслик керак, демоқчи эмасмиз. Болага ётиғи билан бу — зарарли одат эканини тушунтириш керак. Лекин ҳамон мактабларимизда ўсмирдаги баъзи ўзгаришларнинг туб сабабини билмай уни дарров педсоветларда асабий муҳокама қиладиган калтафаҳм ўқитувчилар учраб туради.

Бу даврда ўсмирлар катталардан фақат салбий хусусиятларини ўрганиб қолмасдан, худди улардек жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишга, ирода-ларини мустақкамлашга, мард ва довуракликка, содиқ дўст бўлишга ҳаракат қилиб катталарда мавжуд бўлган бу хусусиятларни ўзларида тарбиялай бошлайдилар. Шунинг учун ҳам кўпгина ўсмирлар ўз ҳаётий идеалларига эга бўлиб, уларга тақлид ҳам қилишади. Бу идеаллар бадий адабиётда, кино ва театрларда тасвирланган қаҳрамонлар, тарихий шахслар, ёхуд кундалик ҳаётда учраб турадиган, ўзини юксак иродавий ва ахлоқий фазилатлари билан ҳамманин хурматини қозонган киши бўлиши мумкин.

Меҳнат жараёнида катталар билан тенг ва ёнма-ён ишлаш, катталар томонидан кўрсатиладиган ишонч ўсмирларнинг ўзини социал жиҳатдан вояга етганлигини англаб олишига, ўз тўғрисидаги тасавурларининг ўзгаришига олиб келади. Ўзининг вояга етганлиги катталар томонидан тан олиниши ўсмирнинг болалиқдан катталар дунёсига тез ўтиб олишига, уларга хос қоида ва тартибларни, норма ва тушунчаларни илдамлик билан эгаллаб олишга ёрдам беради. Аксинча, ўсмирлардаги жунбушга келиб турган бу интилиш ва куч-ғайратни намоён бўлиши учун тўғри йўл топиб берилмаса, у баҳордаги бебош тошқинга ўхшаб кўпгина ноҳусусиятларни келтириб чиқариши мумкин.

Агар шу нуқтан-назардан қарайдиган бўлсак, ўсмирлик даврининг ўтиш даражаси шаҳардагига қараганда қишлоқ шароитларида тез ва энгил ўтиб кетишини кўриш мумкин. Қишлоқ шароитида болалар ёшлиқиданоқ уй ва ҳўжалик ишларига катталарга яқиндан ёрдам бериб боришади. Ҳўжалиқдаги ишларнинг айрим турларининг қай даражада ба-жарилиши бевосита уларга боғлиқ бўлиб қолади. Бу эса унинг оила ва катталар олдидаги масъулиятини, мустақиллигини ошириб, ижтимоий муносабатларни осонлик билан ўзлаштириб олишига ва ўсмирлик даврининг конфликтларсиз ўтишига ёрдам беради.

Шаҳарда ўсмирларнинг ижтимоий фаолиятга қатнашиши эса бирмунча кечроқ бошланади. Чунки шаҳар шароитидаги фаолият турлари ўсмирдан юқори билим ва профессионал тайёргарликка эга бўлишликни тақозо қилади. Натижада уларнинг меҳнат жараёнига бевосита қатнашиши назарий жиҳатдан тайёргарликдан бошланади.

Шаҳар шароитларида ўсмирларнинг бўш вақти масаласини оқилона ечиш катта ижтимоий аҳамият касб этади. Бунинг учун уларни мавжуд спорт секцияларига қатнаштириш, мактабдаги ва мактабдан ташқари муассасалардаги турли-туман тўғарақларга жалб қилиш зарур. Акс ҳолда, ўсмирлик даврида фаолиятсиз қолиш, бусиз ҳам мураккаб бўлган бу даврни янада мураккаблаштириб, тузатилиши қийин бўлган кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин.


Ўсмирлик даврида дўст, ўртоқ орттиришга интилиш кучаяди. Чунки бу ёшда ўз сир-асрорларини ўртоқлашадиган, сирлашадиган, ўзини қизиқтираётган масалаларга жавобни бирга топадиган дўстга эҳтиёж кучаяди. Бундан ташқари ўсмир ўз тенгдошлари даврасининг тенг ҳуқуқли аъзоси ва бу ерда у ўз шахсини тўла намоён қилиши мумкин. Шу босдан уларнинг ота-оналар билан бўладиган муносабатлари системасида ҳам маълум ўзгаришлар юз беради. Ўсмир энди бўш вақтларини, дам олиш соатларини ўз тенгқурлари билан ўтказишни афзал кўради. Лекин бу ота-оналарнинг ўсмирлар наздида обрў-эътибори тушганини кўрсатмайди.

Психологлар томонидан ўсмирларга: «Мураккаб ҳаётий масалаларда ким билан маслаҳатлашасиз?» деб берилган саволга ҳар икки жинсдаги ўсмир ҳам биринчи ўринга она, иккинчи ўринга болалар отасини, қизлар эса дугоналарини қўйишган. Шулардан кўриниб турибдики, ота-онанин ўсмирлар олдида обрў-эътибори тушмайди, балки улар ўртасидаги муносабатлар системасида ўзгаришлар юз беради.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, ўсмирлик ёши таълим-тарбия учун анча қийин давр ҳисобланади. Зеро, бу даврда инсон боласи жуда муҳим бир жараёни — болалиқдан катта одамга айланиш жараёнини бошидан кечиради. Бу эса ота-она, ўқитувчи ва тарбиячилардан алоҳида диққат-эътиборни, қўшимча меҳнатни талаб қилади.

Мўминхон МАМАТОВ,
фалсафа фанлари кандидати

МУРАККАБ ДУНЁСИ



Толиб ИУЛДОШ

Ёшлик тўртликлари

Қадрдоним «Еш куч!» Бундан 50 йил аввал — 1938 йили «Чол билан бўри» деган илк эртагим саҳифангда чоп этилган эди. У пайтда эндигина ҳаётни таниётган бўз йигит эдим... Фашизм бошлаган уруш сенинг ҳам дастингни кесди. Сен чиқмай қолдинг. Ииллар... Улар сувдек оқиб ўтдилар. Нурафшон кунларнинг бирида сен қайта тикландинг. Бир йил ораллиғида — 200 000 ўқувчини атрофингга тўплабсан. Уша-ўша навқиронсан, сал қизиққон, ўта тиниб-минчимас... Бу — ёшликка хос фазилат. Мен эса мўйсафид бўлдим. Сени кўриб, ёшлигимни эслаб, ушбу ўғитларимни тақдим этяпман.

Муаллиф

Ешда дерлар ука, узрли
Сени топтаб, босиб ўтса ҳам.
Бебошликнинг ёшлиги бўлмас,
Бир умрга иши ташвиш, ғам.

Хўп гапларни гапирасан,
Кимга, қачон гап берасан?
Кичикларга, каттаман деб,—
Катталарга чап берасан.

Жилдираб оқамиз, сапчиб оқамиз,
Ҳали жилғамиз-да, шўх қуйилмаган.
Одамлар кўзидан четда, ҳовлиқма
Босар-тусарига чек қўйилмаган.

Сўзлаганда жон сўзин сўзла,
Ҳар дил сенга бир эшик бўлсин.
Она алласи бўл, тебраниб —
Олам сенга бир бешик бўлсин.

Ўз билганинг ўзингга,
Ўзгага ҳам бер қулоқ.
Ўз бошига иш тутган —
Бурундан қайнар булоқ...

Ҳар сўзда бир мақтаниб,
Сувдан қуруқ чиққанинг —
Ўзинг билмас нуқсонинг,
Юракдаги чипқонинг.

Дўст изласанг дўст топарсан,
Зинҳор душман излама.
Душманинг ҳам ўзинг билан —
Бўласанг икки юзлама.

Ўйра пишиб ҳалво бўлади,
Ҳалво пишса қуруқ куйинди.
Ўйра эдинг, шира олибсан,
Меъерингдан ошма, қўй энди.

Ердан изла йўқотганингни,
Кўпка боқиб қачон етасан.
Тик ёғочга тирмашар бўлсанг,
Лозимингни бекор йиртасан...

Ҳаётга келдингми, вақти бемаҳал
Яхшидан ёмонга йўйма отингни.
Замон фарзанди бўл содиқлик билан,
Сен унга тўғрилаб ол соатингни.

Ҳозирингни йўловчи бўлма,
Ҳали сени эрта кутади.
Эртанинг ҳам эртаси бор, ҳа —
Этагингдан маҳкам тутади.

Ризқини тергувчи, сочувчи ҳам сен,
Соғ танда жароҳат очувчи ҳам сен.
Тўғри йўл турганда эгрисин танлаб,
Қопқонга урилиб қочувчи ҳам сен.

Ёшликда жон койитганинг,
Қарилликда жон роҳати.
Уч-тўрт кунлик ҳаю-ҳавас,
Витмас юрак жароҳати.

Шоҳинг синар, вақти бемаҳал
Сўзлайверсанг маза-бемаза.
Дарахт оти кесилармиди,
Болта учун даста бермаса.

Ёшлигин эсламас киши бўлмайди,
Бўлса ҳам камдан-кам эси кетгандир.
Эси кетганлигин сабаби ҳам шу,
Ёшлиги бемаҳал, эссиз кетгандир.

Ёшликда муҳаббат ошиноси бўл,
Қўлингдан берма ҳеч вақтинг-нақдингни.
Ўтганинг қайтмас, ёшлик ғанимат,
Ғанимат дамлардан сўра бахтингни.

Ешинг ўтгач энди армонда,
Ўз бошингга ўзинг куюсан.
Гул умрини қадрин англамай,
Уни елга берган куя — сан.

Ёшликни гул десак, севги — болари,
Ёшликда нуқсонсиз бўларкан, бари.
Қариллик етишгач, сендан ҳаммаси
Ўзрсиз узоқлаб кетаркан нари.

Ешлар, қулманг ҳеч кексалардан,
Шундай бўлар қариғач киши.
Қарилликни эслатди менга,
Ёшлигимнинг тушга кириши.

Кўзингни очиб юр вақти-бемаҳал,
Пайингда юрганлар очиб қўймасдан.
Умринг қаймоғини шимир, ғанимат,
Сен ундан беҳабар, ачиб қолмасдан.

Кекса дерлар — ғаним келади,
Ошиқмасак дейман бунчалик.
Кеча бола эдим, сизнинг ҳам —
Ёшлигингиз ҳа, бугунчалик.

Минг йиллик умрни қўйсанг-да гаров,
Ёшликнинг бир дамин топмаклик, маҳол.
Ёшликда қозонган шон-шухратингни
Қайта бир ёшликда кўрсанг, эҳтимол.

Ўтган ёшлик қайтсаю,
Висол билан бўлса кечам.
Кун кўзини кўрмасам ҳам,
Тонг отмасин дердим ҳеч ҳам.

Ёшлик қайтиб келмайди

(Давоми. Боши 9-бетда.)

водийнинг текислик билан тоғ-адирлар чегарасини белгилагандай қирларга ёнбошлаб, тепаликларга тирмашиб, адир ёқалаб ариқ ўтар, унинг тошга урилиб оққан зилол суви кўз ёшидай тиник, роҳатинг эди. Унинг қайрилмаси қишлоқ болаларининг энг севимли чўмиладиган жойи бўлиб, соҳили ёз кунлари болаларга тўлиб кетарди.

Мен уларнинг ёнига боролмасдим. Болалигимда нимагадир томга чиқиб олиб ўша ариқ бўйларига, ундан нари қирларгаю, қирдаги жилғаларга қарагим келаварарди. Негаки дадам ўша ёқдан уйимизга қайтиб келётгандай туюларди. Қўшни болалар дадасининг елкасига миниб юрганини кўриб ҳавас қилардим-да: «Дадам қанилар?» деб сўрасам, «Дадам узоқ сафарга кетган» деб алдасарди. Кўпгина ўғил болалар янглиг менинг ҳам «дада» деб тилим чиқиб, дадам оғзимдан тушмас экан. Дадамни соғинсам томга чиқиб йўл қарардим. Кўзимни уфқ қамраб оларди. Зумрад осмоннинг ҳаворанг қўлида сузиб юрган ёғи булутларнинг оқиш қанотларигина кўринарди. Жилғалардан пастга эсган шабада маҳалламиз болалари чўмилётган сувга бир шўнгиб олиб қишлоққа оралар, гўё атайлаб қилгандай томлар ошиб мени елиб ўтарди.

Адир шабадаси ҳовлимиздаги бир туп ўрик барглари ҳам ўйноқлаб ўтарди. Мен бу ўрикни жуда яхши кўрар, ҳамиша унинг тагида ўйнардим. У мenden баҳорда гўрасини, ёзда мевасини аямасди. Менинг учун шу ўрик дарахти ҳам қадрдон, меҳрибон бўлиб кўринарди. Мен шу ўрик ҳидини ота хиди, деб билардим. Менинг назаримда қишлоғимиздан нарида бошқа қишлоқ йўқдай, узоқдан кўринган тоғлардан нарида бошқа ҳаёт йўқдай эди. Демак, тоғлар орқасига узоқ сафарга кетган дадам ҳам ўша ёқларда йўқолиб кетгандай

бўларди-да, юрагим орқамга тортиб кетар, хўрлигим келиб, бағрим эзилиб ҳўнграб йиғлаб юборардим.

Бундай вақтларда онам мени илиқ бағрига босиб, гўё аллалагандай кўксига тебратар, мени юпатадиган, овунтирадиган нафис лутф билан кўнглимни кўтарарди.

— Менинг бағримдасан-ку, опанг бор, акаларинг ёнингда-ку... Виз ота ўрнига ўтмайми?.. Қарасам, бечора онажонимнинг кўзидан милт-милт ёш томяпти...

— Сизни хафа қилиб қўйдимми? Йиғламанг, онажон. Энди ҳечам шунақа қилмайман!

Қайси бола ўзининг жонидан ҳам яхши кўрган меҳрибон ойисини хафа қилгиси келади — ҳеч ким ва мутлақ! Дадамнинг ўз ажали билан оламдан ўтганини билганимдан кейин ўз алами ўзига етарли бўлганини сезиб, онажонимни сира-сира хафа қилмадим. Чақирсалар «Лаббай!» деб, иш буюрсалар «Хўп бўлади» деб дарровда бажарадиган бўлдим.

Онам Тўхтабиби болаларини кўпда уришмасди: боланинг кўнгли чўкади. Урушадиган бўлса ҳам овозини баланд қилмасди: «Аёл кишининг овози кўчага чиқмаслиги керак, номаҳрам эшитилади. Қўшнилари нима деб ўйлайдилар...» У кишининг бола тарбиясидаги ўзига хос усулига қўшни аёлларнинг ҳаваси келарди. «Урмайди, сўкмайди, ширин гап билан ҳаммасини йўлга солади. Тўхтабининг болалари мўмин-қобил ўсапти...»

Ўйласам, онам Тўхтабиби болаларнинг психологиясини яхши биладиган ва болаларга мос муомала қиладиган моҳир тарбиячи эди. Бир онанинг тўрт боласи тўрт хил характерга эга эдик. Опам кувёга чиқиб кетгач, уйимизга кам келарди, аммо ҳар келганида онамнинг нимасинидир ўз уйига олиб кетишга уринарди. «Қизларнинг одати шунақа — уйининг тупроғи ҳам кўзига олтин кўринади» дер эди кўнгиладан она. Катта акам меҳнаткаш бўлиб, тиним билмасди: ўтин териб келар, узоқдан сув келтирар, ишқилибки, ўзига яраша иш топарди. Уртанча акам шўхрок, ўйинқароқ бо-

ла бўлгани учун кўчадан келмас, болалар билан соққа, ёнғоқ ўйнаб, усти-боши чанг бир аҳволда уйга қайтарди. Онаминг жаҳли чиқса ҳамки уни хафа қилмасди: «Ўят эмасми, афти-ангорингга бир қараб қй, болам» деб, қўлига ойна тутқизарди. «Укангни қара, бирор жойига чанг юқтирмай ўйнайди». Мақтов эшитганим сари мен акаларимга ҳам намуна бўлишга уринардим.

«Гўдакни гўдак деб, ёш болани тушунмайди» деб ўйлаганлар янглишадилар, — дер эди онам. — Гўдакнинг ҳам эшитиш ҳислати бор. Яхшими, ёмонми, қулоғига кирган ҳар бир гап гўдакнинг миёсига ёзилиб қолади. Ёш боланинг миёсига ўрнашиб қолган гап эси кирганида хотирасига келади-да, боланинг тафаккури унга яхши билан ёмонни ажратиб беради...»

Бола тарбиялашда онамнинг яна бир яхши усули бор эди: у болаларининг фикрини ўстириш, мустақиллик ҳиссини уйғотиш, масъулиятини ошириш учунми, биз билан тенг ҳуқуқда гаплашар, биз билан ўз тенгдошидай маслаҳатлашарди. «Келинлар, болаларим, маслаҳатлашиб олайлик: бугун ўтинга ким борадию, сувни ким олиб келади? Ҳовли билан дарвоза тагини ким тозалаб супуради?» Онам шундай деб фарзандларига маслаҳат солганидан кейин қайси бола ўзини четга оларди дейсиз...

Ҳамма ишни қилардик, аммо нон топиб келолмасдик.

Нон топиш қийиндан-қийин эди. Винобарин, нонни ҳар нарсадан ҳам азиз билардик. «Ушоқ ҳам нон» дер эдилар-да, одамлар ерда ётган ушоқни қўлига олиб, кўзига суртардилар.

Бир ушоқ ноннинг ҳам қимматини қурғоқчилик йилида айниқса яхши билганмиз. Ҳеч нарса, на гўшт-ёғ, на қанду асал, ноннинг ўрнини босолмас экан. Энг қимматбаҳо таом, ҳатто жикқа мойда пишган палов ҳам меъдага тегадую, аммо нон меъдага тегмас экан. Неча кунлаб ўрик, ёнғоқ, жийдаю майиз есак ҳам «Нон! Буви, нон!» деб зорланар эдик...

Ихчам этик кийиб олган Аманда Лир Бремен телевидениеси студиясининг сахнасида пайдо бўлиши билан зал бўйлаб ола-ровур бошланди. У ҳаяжонли, паст овоз билан ўзининг янги «Қон ва асал» кўшиғини бошлаганда ҳамма жимиб қолди. Жозибали табассуми, фусункор нигоҳи, ғаройиб равишда эгилувчи узун қўлининг сеҳрли ҳаракатлари, хушқомати томошабинларни лол қилиб қўйди.

Аманда Лир. У Джанис Джонлин ва Сюзи Кватродан кейин рок музыкада эркаклар ҳокимлигига қарши чиққан рок-қўшиқчилар тоифасига тааллуқлидир. «Биз узоқ уйқуда эдик, аммо энди бунга чек қўйилди» — «Браво» музыка журналининг муҳбири билан суҳбатда Аманда шундай деди.

Унинг ёзиб олинган дастлабки қўшиқлари 1974 йилда Лондонда пайдо бўлди, биринчи шахсий кўргазмаси 1981 йилда Парижда намойиш қилинди, яқингинада эса биринчи китоби ГФРда босмадан чиқди. Аманда Лирнинг ўзи эса 1945 йилнинг 18 ноябрида Гонконгга туғилган. Бриллиантлар ва миллионерлар ҳақида орзу қилувчи кўпгина гўл қизлар каби ўз фаолиятини 60-йилларда аввал АҚШда, кейин эса Европада реклама учун фотомоделчиликдан бошлади. «Ғарбда одам кўйлақлар учун доим кулиб турадиган илгакка айланиб қоладиган мана шундай касб бор», — дейди Аманданинг ўзи. Илгак эса, маълумки, тилсиз буюм. Шунинг учун ҳам Амандани ишга олаётганларида: «Ғинг демай кулиб туравер», — дейишди. Бир неча йил бир сўз демай кулиб туришга тўғри келди. Ғарбда бундай бизнеснинг нафи бор (албатта, агар шартнома имзоланаётган пайтда ҳийла ишлатишмаса), чунки муваффақиятли чиққан фотосурат ажойиб шуҳратнинг бошланиши бўлиши мумкин. Бироқ «омад ютуғи» изловчиларни бу йўлда анчагина кўнгилсизликлар кутади. Америкалик рок-ашулачи ва кино артисти Мадонна «юлдуз»га айланиши билан газетачилар бир пайтлари Мерилин Монронинг шахсий ҳаётининг тафсилотига тумшугини тикқандек, унинг «Томорқасига тош отишни» бошлаганди.

Аманда Лир ҳар турли миш-мишларга дучор бўлса-да, барибир жанжалли тўполондан ўзини четга ололди. Шундай миш-мишлардан бири ашулачининг нодир «эркакча» овози муносабати билан юзага келди. «Албатта, ашулачи хусусида ҳаммавақт аллақандай афсонавий гаплар бўлади, лекин

«...Кунларнинг бирида гитарали бир киши эшигимизни тақиллатди. У Нью-Йоркдан ҳозиргина келган Джимми Хендрикс эди. Джимми бир неча кун бизникида яшади». Бу Аманда китобидан келтирилган сатрлар. «Келажакка йўл очадиган музыка»ни орзу қилувчи афсонавий гитарачи билан бўлган бу учрашув 1970 йилнинг ёзида содир бўлган. Бу пайтга келиб Аманда Лир кўпгина рассомлар, музикачилар, артистлар билан танишиб олганди... шулар орасида Элтон Жон, Мик Жеггер каби юлдузлар, машҳур «Роллинг стоунз» ёки авангардчи кинорежиссёр Энди Уорхол бор эди. Кейинчалик Аманда Лир фантастик фильмда Уорхол билан бирга қатнашди.



Тақдир машҳур кишилар даврасига кириш имкониятини берди. Ажойиб одамлар билан учрашувлар, таассуротлар кўпайган сари унда кундалик тутиш эҳтиёжини юзага келтирди. Кейинчалик бу кундалик китоб ёзишга асос бўлди.

Аманда Лир ўзининг музика соҳасидаги шуҳрати қандай бошлангани хусусида бундай деган эди: «1974 йилда шеърый пьеса ёзишга жазм этиб, уни машҳур ашулачи ва артист Давид Боувига кўрсатдим. «Менга манзур бўлди, — деди у. — Нега энди бундай кўшиқ яратмаясан?» «Бемалол яратишим мумкин. Уни ижро этган бўлармидингиз?» У кулди: «Нега энди ўзинг уриниб кўрмайсан?»

Шундан кўриниб турибди-ки, аввал сўз, кейин эса музика бўлган. Аманда Лир ўз кўшиқларининг мазмунига катта аҳамият берган. «Мен шеър ёзаётганимда, — дейди у, — ҳар бир сатрнинг худди бокс қўлқопи бўлишини истайман. Мен Воб Дилан каби мураккаб шеър ёзолмасам керак, аммо «Битлз»дан ҳамон ҳайратдаман: улар мураккаб нарсалар ҳақида жудаям жўн гапириш маҳоратига уста».

Бизнинг мамлакатимизда чиққан унинг пластинкаси аннотациясида Аманда Лир шоира деб юритилган. «Бундан хабар топиб бироз уялган бўлсам ҳам менга манзур бўлди», — дейди кўшиқчи.

70-йилларда Аманда Лир ижодининг асосий ҳаракатланувчи кучи шуҳрат ва муваффақият қозониш хусусидаги орзуси бўлди. У нимага интилган бўлса — шунга эришди: уни рассом ва ашулачи сифатида тан олишди, хусусий театр томошаларини ташкил этувчи вакиллар ўзаро манфаатли шартномалар тақлиф қилишди, уни олий таба-



Аманда



бу уйдурмалар жонимга тегди», — деди Аманда, 1976 йилги интервьюларидан бирида.

Ушандан, ўн йил аввал ҳеч қанақанги интервью ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмасди, лекин ўтаётган ҳар бир кун янги ва ғаройиб воқеалардан дарак берарди... Аманда замонамизнинг энг зўр рассомларидан Сальвадор Дали билан танишганда ҳали йигирма ёшга ҳам тўлмаганди. Рассом унда тасвирий санъатга бўлган беқиёс қобилиятни сезиб қизнинг дўсти ва устозига айланди. У 1981 йилда Парижда Аманданинг кўргазмаси очилишига бағишланган тантанادا Лирни «мўйқаламли ниначи» деб атади. «Ровесник» журнали эса Аманда Лир ҳақида қисқача хабар бериб, Далини унинг ҳаётидаги энг асосий фигура эканлигини ёзди. Аманда ўзининг хотиралар китобини мана шу рассомга бағишлади.

қалилар даврасига қабул этишди, матбуотда бирин-кетин фантастик ҳикоялари чиқа бошлади... Аманда Лир ашулаларининг бирида «нонуштага бриллиант» ҳақида куйлаб, «ўзининг қанча пўстини борлигини санаб ҳисобдан адашиб кетганини» тан олганди.

Аммо орадан бир неча йил ўтиб, Чехословакияга гастрол пайтида берган интервьюсида у ўша даврни киноя билан эслади. «Шон-шуҳратим бошланган даврда мен кетидан қувган буюмларнинг одамларга умуман кераги йўқ. Масалан, менга мўйнали пўстининг нима ҳожати бор? Уни кийсам қари бўлиб туюламан, бундан ташқари ниҳоятда иссиқ, тақиб юриш хавфи бўлганидан кейин бриллиантларнинг менга нима кераги бор? Талончилар учун кўрик бўлиб қоламан... Менга бахт келтирмайдиган буюмларга эга бўлишга сарф этилган ҳаракатимга ачинаман».

Бундан беш йил аввал Аманда Лир Францияда унча катта бўлмаган ферма сотиб олиб, эри билан кўчиб келди. Энди кўп вақтини қишлоқ хўжалик ишларига бағишлади. Фақат узоқ муддатли шартномада белгилаб қўйилган навбатдаги пластинкага овоз ёздириш учун шахрига онда-сонда қатнаб турарди. Китоб устида ишлаш учун вақт топилди.

«Мен ўйлаганларимнинг ҳаммасини ашулада айтолмаслигимни тушуниб етдим, — дейди Аманда. — Ниҳоятда қимматбаҳо кўйлақларни намойиш этган манекенчи пайтимда оддий аёллар буларни кийолмаслигини билардим. Энди, ашулачи пайтимда ўзимга ўзим шундай дейман: мен фақат туш ва хаёлий орзуларни сотишни истамайман».

А. ПОПОВ.

Капитализмнинг инқирозини студент ёшларнинг давом этаётган қудратли, кенг кўламли ҳаракатлари билан ҳам кўра бўлади. Бугунги кунда студентлар ҳаракатлари капиталистик мамлакатларнинг деярли ҳаммасини қамраб олди, студентларнинг халқаро бирдамлиги кучайди. Зеро, иккинчи жаҳон урушидан кейин студент ёшлар ҳаракатлари ҳеч қачон бундай оммавий тусда ўтмаган эди. Ҳолбуки буржуа пропагандаси ва капиталистик дунёдаги турли хил «радио овозлар» студентларни буржуазиянинг, ҳукмрон синфларнинг таянчи сифатида талқин қилиб келардилар. Бунинг бир қатор сабаблари бор эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф-маданият ва фан масалалари билан шуғуллануши ташкилоти — ЮНЕСКОнинг расмий маълумотларига кўра, АҚШда ишчиларнинг болалари университет ва коллежларга киришда бошқа социал категорияларга нисбатан беш баравар кам имкониятга эга. Англияда эса 8 студентдан бирини, Франция ва Италияда 20 студентдан бирини, Японияда эса 30 студентдан бирини ишчиларнинг болалари ташкил этади. Буржуа матбуотининг ва радиосининг корчалонлари капитал мамлакатларидаги студентлар составида ишчилар синфининг вакиллари мана шундай камлигига ишора қилиб, студентларни капитализмни, унинг эркин рақобатини маъқуллайдиган ижтимоий категория, деб қарардилар. Бироқ, ҳозирги замон воқеаларининг йўналиши буржуа пропаганда-сининг бу хомхаёлларини пучга чиқарди.

1987 йил Франциянинг Жак Ширак бошчилигидаги буржуа ҳукумати мамлакатдаги олий ўқув юр-ларига ишчи ва деҳқон болалари ўқишга камроқ киришини кўзлаб университетлар ҳақида Деваке-Монори лойиҳасини Миллат мажлиси муҳокама-сига кўйди. Бу қонун лойиҳаси ишчиларнинг ва эмигрантларнинг болалари университетларга киришларини чеклашни кўзда тутган эди. Қонун лойиҳасига кўра ўқиш ҳақини икки баравар ошириш ва бир қатор им-тиёзли олий ўқув юр-ларини тамомлаганлар учун ишга жойлашишда янада енгилликлар яратишни кўзда тутган эди. Бу қонун лойиҳасига қарши д-ст-лаб Парижда, кейин мамлакатнинг бошқа қисм-ларида студентларнинг кучли намоёнлари бошланди, университетларда ўқишлар тўхтатилди, студентлар ўқув юр-лари биноларини эгаллаб олдилар.

Шу ўринда француз студентларини намоён иш ва ғалаёнларга ундаган бошқа қатор сабабларни ҳам кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Франция студентларининг фақат 13—15 процентигина стипендия олиб ўқийди. Францияда кейинги 4 йил ичида ўқишга ки-риш взнослари 4 баравар ўсди. Декаве-Монори қо-нун лойиҳаси эса ўқишга кириш взносини яна икки баравар оширишни кўзда тутган эди. Францияда университетлар ва бошқа ўқув юр-ларига давлат сарфлаётган маблағ миллий даромаднинг фақат 0,2 процентини ташкил этади. Бунинг устига фран-цуз олий ўқув юр-ларини тамомлаган ёшларнинг 30—40 проценти иш тополмай ишсизлар армияси сафларини тўлдирмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси студентлар ғалаён ва намоёнлари учун тўпланган сабаблар эди.

Франция президенти саройи олдида, ҳукумат ва Миллат мажлиси бинолари олдида жуда кучли на-моёнлар бўлиб ўтди. Франциядаги студентлар намоёнларини тўхтатиш учун ҳукумат ўн минглаб полициячиларни, хавфсизлик органлари ходимла-рини ишга солди. Париж ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида студентлар намоёнлари ғалаёнга айланиб кетишининг олдини олиш учун президент Франсуа Миттеран радио орқали студентларга мурожаат қилиб, ҳукумат ўз қонун лойиҳасини Мил-лат мажлисидан қайтариб олажанин, шу босқин о-соийшлик билан университетларда ўқишни бош-лашни таклиф этиб мурожаат қилди. Француз сту-дентлари шунда ҳам курашни тўхтатмадилар. Шун-дан кейин Францияда «қаттиқ қўл» ҳукумат бош-лиғи саналмиш Жак Ширак намоёнчи студентларга мурожаат қилиб миллат мажлисидан университет-лар ҳақидаги қонун лойиҳаси қайтариб олиганини, энди ҳукумат бундай ўзбошимчалик қилмаслигини билдирди. Бу буржуа ҳукуматининг намоёнчи сту-дентлар олдидаги тавбаси эди.

Францияда студентларнинг намоён иш ва митинг-лари бир неча ой давом этди. Шундай қилиб, фран-цуз студентлари Коммунистик партия ва коммунист студентлар союзи раҳбарлигида катта сиёсий ғала-бага эришдилар. Буржуа ҳукумати француз ёшлари ва барча демократик кучлар олдида шармандаш-шармисор бўлди. Студентлар ва демократик кучлар-нинг бу ютуғини Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Жорж Мар-ше: «Француз демократик кучларининг 80-йиллар-даги энг катта ғалабалиридан бири», деб кўрсатди.

...1987 йил май — июнь ойлари Жанубий Корея студентларнинг ғалаён ва намоёнлари гирдобида қолди. Жанубий Кореяда 1980 йили ҳокимиятни АҚШ ёрдамида эгаллаб олган президент Чон Ду Хван ўз кўғирчоқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун мамлакат конституциясидан бир қатор демократик ҳуқуқларни чиқариб ташламоқчи бўлди. Бунга бир-ринчи навбатда Сеул миллий университетининг студентлари норозилик билдирдилар. Шундан сўн

Жанубий Корея полицияси билан студентлар ўрта-сида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Полиция студентлар ҳаракати раҳбарларидан ўнлаб ёшларни қамоққа олиб уларни қийнай бошлади. Сеул миллий уни-верситети студенти Пак Чон Чол полициячилар томонидан азоблаб ўлдирилди. Бу воқеа сабр-коса-си тўлган Жанубий корейлик ёшларнинг, хусусан студентларнинг бутун мамлакат миқёсида давом эт-ган ғалаёнларига баҳона бўлди. Жанубий Корея ҳукумати Бутун мамлакатда фавақулда ҳолат эълон қилди. Биргина Сеул университет ва коллежлари-нинг студентлари бошлаган ғалаённи бостириш учун Жанубий Кореянинг юз мингдан ортиқ полициячиси ва хавфсизлик органлари ходимлари ишга солинди. Натижада студентлардан бир неча минг киши яр-дор бўлди. Унлаб студентлар ҳалок бўлди. Жанубий Кореяда полиция студентлар намоёнларини тар-қатиш учун 1986 йилнинг 9 ойи ва 1987 йилнинг 4 ойи давомида 700 минг канистрдан ортиқ кўздан ёш кел-тирувчи газлар сарфлади. Бироқ намоёнчиларни уриш, қўрқитиш ва қамаш билан студентлар ҳара-катини бостириб бўлмади. Шундан кейингина Жа-нубий Кореянинг кўғирчоқ президенти Чон Ду Хван 19 июнда АҚШ президенти Рональд Рейгanning шах-сий мактубини олди. Бу мактубда АҚШ ҳукумати-нинг Жанубий Кореядаги студентлар ғалаёнларини бостириш борасидаги «тавсиялари» кўрсатилган э-ди. Худди шу вақтнинг ўзида Сеулга АҚШ давлат секретари ёрдамчиси Гастон Сигур етиб келди. Жа-нубий Корея диктатори Чон Ду Хван конституцияда-ги демократик эркинликларни бекор қилмаслик ҳақида студентларга ваъда берди.



Пиночет режимига қарши норозилик на-моёнларида Чили ёшлари фаол иштирок эт-моқдалар.

АП — ТАСС телефотоси.

Жанубий Кореянинг олий ўқув юр-ларидаги сту-дентлар ҳаракати бироз тинчиган ҳозирги кунда мамлакатда кўтарилган ишчилар синфининг кучли ҳаракати студентлар хайрихоҳлик билдирмоқда-лар, ишчиларни қўллаб-қувватламоқдалар. Жану-бий Кореядаги студентлар ҳаракатининг кучайишига яна бир қатор сабаблар бор: АҚШнинг Жанубий Кореядаги қўшинларининг бебошлиғи, мамлакатда нарх-навоининг тинмай ошиб бораётганилиги, Жану-бий Корея экономикасининг милитаризацияланиши студентлар ҳаракати кучайишига зўр туртки бўлди. Шундай қилиб, Жанубий Корея студентлар ҳара-кати ҳам мамлакатнинг кўғирчоқ ҳукумати антиде-мократик сиёсатига қакшатқич зарба берди, амери-капараст ҳукуматни ён беришга мажбур қилди. 1987 йил октябрь — декабрь ойларида Жанубий Корея студентлари президент сайлови олдида де-мократик руҳдаги номзодларни камситишга қара-та кучли намоёнлари бўлиб ўтди.

1987 йилда Испанияда студентларнинг жуда кат-та кўтарилишлари бўлиб ўтди. Бунинг бир қатор сабаблари бор: кейинги йилларда, хусусан 1975 йилдан 1985 йилгача Испанияда студентлар сони 519 мингдан 791 минг кишига етди. Университет ва коллежларнинг ўқув-моддий базаси ниҳоятда но-чор аҳволда қолиб келаётди. Бунинг устига уни-верситет ва коллежларни тамомлаб чиқувчилар учун мамлакат халқ хўжалигида иш ўрни етишмаётди. На-тижада университет ва коллежларни тамомлаган ёшларнинг ярмидан кўпроғи ишсиз қолмоқда. Шу-нинг учун испан студентлари 1987 йил баҳор ва ёз ойларида жуда катта намоёнлар ўтказдилар.

1987 йил Италияда ҳам студентларнинг кучли кў-тарилишлари юз берди. Бунга сабаб мамлакатда ўқишга кириш учун тўланадиган взноснинг деярли 3 баробар оширилиши 100 минг лирга етказилгани-дир. Италия студенти ҳатто ҳар йили курсдан курсга кўчиш учун ҳам 100 минг лир миқдоридан пул тўлаши керак. Италия студентлари ўқув ҳақининг тўхтов-сиз ўсиб боришига қарши курашни давом эттирмоқ-далар. Бундан ташқари Италияда ҳам олий ўқув юр-тини тамомлагандан кейин ишга жойлашиш амри-маҳол бўлиб қолмоқда.

1987 йилда АҚШда ҳам студентларнинг олий ўқув юр-лари учун федерал бюджетдан маблағ ажра-тишни камайтиришга қарши, шунингдек тирикчи-лиги ўтиши қийин бўлган студентларга ёрдам фонди камайтирилганига қарши намоёнлар бўлиб ўтди. Кейинги 5 йил ичида АҚШнинг федерал бюджетидан университет ва коллежлар учун ажратиладиган маб-лағлар кескин қисқартирилди. АҚШ студентлари шунингдек ўқув ҳақининг камайтирилишини талаб қилмоқдалар. 1987 йилда АҚШдаги 340 та олий ўқув юр-тида йиллик ўқув ҳақи 10 минг доллардан ошиқ-ни ташкил этади. Принстон, Колумбия ва Йель уни-верситетларидаги ҳар бир студентнинг йиллик ўқув ҳақи 18 минг долларга етди. АҚШда кейинги 20 йил ичида коллеж ва университетларда ўқиш ҳақи 3,5 баробар ўсди. Ҳозирги кунда АҚШдаги универси-тет ёки коллежни тамомлаш учун 50 мингдан 100 минг долларгача маблағ талаб этилади. 1986—1987 ўқув йилида АҚШ олий ўқув юр-ларидаги ўқув ҳақи яна 6 процентга ошди. Шунинг ҳам айтиш керакки, АҚШда бир қанча нуфузли бўлган Массачусетс те-хнология институтини ёки Беннингтон коллежини тамом-лаб чиқиш учун 170 минг доллардан ортиқ ўқув ҳа-қи талаб қилинади. Бундай шароитда кам иш ҳақи олувчи ва ўртачадан кам даромад олувчи онла-лар ўз ўғил-қизларини ўқитиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолмоқдалар.

Турли капиталистик мамлакатлардаги студентлар ҳаракатлари студентларни таъкиб этиш, уларни асосиз қамаш, ўлдириб юбориш фактлари ҳам сабаб бўлмоқда. Венесуэлада кейинги 15 йил ичида энг йирик студентлар ҳаракатлари бўлиб ўтди. Бун-га сабаб — полициячилар томонидан Мерида шаҳ-ридаги университет студенти Луис Конторанинг ўлдирилиши бўлди. Студентларнинг кўтарилишлар-ини мамлакатдаги барча демократик кучлар қўл-лаб-қувватладилар. Студентлар буржуа ҳукумати ол-дига мамлакатдаги иқтисодий кризисни тугатиш, нарх-навоини тартибга солиш, демократик эркинлик-лар эълон қилиш каби талаблар қўйдилар.

...Чилидаги полковник Пиночетнинг фашистик ре-жимига қарши курашда ҳам студентлар катта роль ўйнаётди. 1986 йил июль ойида Пиночет режимига қарши ўтказилган намоёнларнинг бирида поли-циячилар студентлардан Кармен ва Рохаснинг устига бензин сеппиб ёндириб юбордилар. Натижада Рохас ҳалок бўлди, Кармен базўр тирик қолди. Бу воқеа Чилида ва бошқа Латин Америкаси мамлакатлари-да студентларнинг йирик кўтарилишларига сабаб бўлди. Жанубий Африка ирқчилар республикасида студентлар доимо таъкиб этиб келинмоқда. Питерс-бургдаги Норта университети студентлари поли-циянинг доимий назорати остида яшамоқдалар. Жа-нубий Африка республикаси полицияси бу универ-ситетда сиёсий фаолиятларни чеклаш ва радикал элементларни кузатиш баҳонаси билан уни доимо қамал ҳолида сақлаб келмоқда.

Ирқчи Исроил ҳукумати Иерусалимдаги «Бир-Зейт» университетидаги фаластинлик студентлар-нинг тинч намоёнчилиги ўққа тутди. Студентлар университетнинг ноқонуний беркитилишига қарши намоён иш уюштирган эдилар. Исроил маъмурлари ўққа тутилган студентларни араб студентлари ўқий-диган бошқа университетлар қўллаб-қувватлаши-дан қўчиб барча университетларни беркитиб қўйдил-лар. Студентлар шаҳарчаларида оммавий тинтув ва қамоққа олишлар ўтказилди. Исроил маъмурлари фаластинлик студентларни жазолаш сиёсатини дав-лат сиёсати даражасига кўтардилар.

Айрим мамлакатларда студентлар ташкилотлари буржуа ҳукуматларнинг сиёсатига қарши студент-лар ҳаракатини уюштиришнинг раҳбар кучига айла-ниб қолди. Либерия парламентининг вакиллар пала-таси Либерия студентлари миллий союзини тарқатиб юбориш тўғрисида қонун қабул қилди. Студент ташкилотлари душман социализм ва коммунизм идеологияси таъсирида қолганлиги учун тарқатиб юборилди, деб эълон қилинди. Либерия студентла-ри ҳукуматнинг ва парламентнинг бу конституцияси-га зид ҳаракатларига қарши кураш олиб бормоқда.

Доҳиймиз В. И. Ленин 1910 йил ёзган «Намоёнш-лар бошланиши» мақоласида «капитализм шароити-да студентлар ҳаракати онглилиги билан, изчиллиги билан ажралиб туради», деб кўрсатган эди. Ҳозир-ги кунда капиталистик мамлакатларда давом эта-ётган ва тобора кенгайиб бораётган студентлар ҳа-ракати доҳийнинг башорат қилиб айтган бу сўзлари-ни яққол тасдиқламоқда.

Капиталистик мамлакатлардаги студентлар ҳа-ракати демократия ва тинчлик учун кураш ҳарака-тининг узвий қисмидир. Шунинг учун ҳам бу ҳара-катнинг кўлами йилдан-йил кенгайиб бораверади, студентлар тинчлик, демократия учун курашда эътиқод ва мардлик кўрсатаверадилар.

Козим УМАРОВ,
тарих фанлари кандидати,
доцент

ҚАЙДАСИЗ

КУЛГИ ДАРГАЛАРИ?

60-йилларнинг бошларида, кўхна Жанггоҳнинг қадим чинорлари атрофида халқ сайлига тўпланган кекса-ю ёш-ялангнинг кулгиси, қаҳ-қаҳаларининг жаранглаган садоларидан диллар яшнаб кетган эди. Ҳозир ўйлаб, ўйимизнинг тагига етолмаяпмиз, қайта-қайта саволлар бериб, ўзимизни ўзимиз безовта қиляпмиз. Қачон ўчиб қолди ўша кулгиларнинг жаранги? Қачондан буён ҳувиллаб қолди сўлим боғлар? Қани ўша сўзлари шамшир тигидай ўткир, товушлари ширадор аскиячилар?

Айрим «тадқиқот»чилар боғларимизни файзи кетиб, мунгайиб қолганини одамларнинг алоҳида оромгоҳларга келиб дам олишга вақти йўқлигидан, телевизорлар қаршисидан узилиб кетолмаётганидан кидиришга уринадилар.

Билмадик, балким булар ҳам сабаб бўлар. Лекин боғларга файз киритувчи, одамларнинг чарчоғини эсдан чиқариб, экран қаршисидан такрор-такрор берилаётган киноларни тарк этиб, уларни сўлим боғлар бағрига етакловчи қандайдир куч ҳам бўлмоғи керак-да. Қани ўша куч? Уша жозиба борми ҳозир оромгоҳларда?

Аскиячиларнинг ичакузди пайровлари, дорбозлар, масхарабозларнинг чиқишлари, болалар учун тайёрланган махсус томошалар, отахонларимизнинг бир пиёла кўк чой устидаги ширин гурунглари... қуллас улкан халқ сайллари бўляптими? Бўлаётганлари ҳам кўнгилдагидайми?

Йўқ, одамларнинг оромгоҳлардан қадами узилганига анча узоқ бўлди. Бу ҳақда ҳали яна суҳбатлашармиз. Лекин ҳозир гап боғларимизга файз бағишловчи, кўнгилларимизни чоғ этиб, вужудимизга бардамлик ато этувчи аския ҳақида.

Аския оламига озгина саёҳат

Аския халқ ижодининг дурдона жанрларидан бири бўлиб, у неча юз йиллардан буён авлодлардан-авлодларга ўтиб, водийлардан водийларга тарқалиб яшаб келаётган. У бизнинг замонамизда ҳам улугворлигини, ўткир, чақмоқдай тезкорлигини, ҳозиржавоблигини, иллатларга қарши кескин ўт очувчи хусусиятини йўқотгани йўқ.

Қадимда аскиячилар замон азоб-уқубатларини аччиқ, заҳарханда кулгилар замирига сингдириб келган. Войлар, дин пешволари, ҳатто подшоҳлар ҳам аскиянинг ўткир тигидан омон қолишмаган. Қудратли аския ҳеч кимни тан олмай, ҳеч кимдан чўчимай, собит қадам ташлаб, давраларда голиб бўлиб келаверган. Шунинг учун ҳам аҳли аския доимо замон пешволарининг таъқибига учраган.

Қадимда қайсидир шаҳарнинг машҳур қозиларидан бири Салай чаққон исми аскиябоздан кўп азият чекаверганидан уни ҳеч бўлмаса бир бор бадном этишнинг йўлини қидира бошлабди. Шунда қозининг яқин ҳамроҳларидан биттаси жонига аро кириб маслаҳат берибди.

Эмишким қози ўз уйда каттақон зиёфат ташкил этиб, унга Салай чаққонни ҳам чаққириб, ҳатто тўрга ўтқазиб қўйиб, шундай сўроқлар берармишким, ниҳоят оқибатида аскиябоз ўз оёғи билан «Мен итга ўхшайман» деб айтишга мажбур бўлармиш. Хасиликда тенги топилмайдиган қози Салай чаққонни бадном этиш учун зиёфатга ҳам рози бўлибди. Аҳли жамоа дастурхон атрофида жамулжам бўлгач, қозия ҳамроҳи ўргатганидай, ниҳоятда мулойимлик билан нозу-неъматларни бемалол тановвул қилиб ўтирган Салай чаққондан сўрабди:

— Салай чаққон, бу ўзлари итдан қўрқадиларму?

Салай чаққон эшикдан кирган заҳоти бу таклифдан бир муддао борлигини англаб етгани сабабли кўп ўйлаб ўтирмай:

— Ўзларидан бўлсин тақсир, ўзлари шу махлуқ итдан қўрқадиларму? — деб саволга савол билан мурожаат қилибди.

Нима қиларини билмай гангиб қолган қози ноилож:

— Мен махлуқ итдан қўрқмайдирман, — деб жавоб этибди.

Шунда Салай чаққон бамайлихотир қўлларини артиб:

— Бўлмаса мен ҳам сиз каби махлуқ итдан қўрқмайдирман, — деб ўрнидан қўзғалибди.

Шу тариқа қози ҳам зиёфатга куйиб, ҳам ўзи бадном бўлиб қолган экан.

Бугун ҳаётимиздаги салбий кўринишларни чўчимай, рўйи-рост ошкора айтиш имкони турғилаётган бир пайтда аскияга, унинг ўткир, аёвсиз фош этувчи кучига муҳтожлигимизни ниҳоятда чуқур ҳис этаётимиз. Лекин чуқур ҳис этишимиз жозибали, қудратли аскияга қўлимиз етмаяпти. Қайда ўша жозиба? Қайда унинг аёвсиз ижрочилари?

Биз саволларимизга жавоб излаб турли кишиларга мурожаат қилдик.

Ғанижон Тошматов (Ўзбекистон ССР халқ артисти):

Аскиянинг ҳозирги аҳволи, унинг борган сари овози ўчиб бораётгани ёки йўқ бўлиб кетиш хавфи тўғрисида ортиқчи тортишиб ўтирмайлик. Аския халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ўйламанки, халқ билан бирга ҳамиша яшайди. Фақат уни оммалаштириш, унинг завқидан халқимизни янада кенгроқ бақраманд этиш хусусида кўпроқ ўйлашимиз керак. Гапнинг очигини айтсам ўйлаш, мулоҳаза юритиш билан ҳам мақсадга эришиб бўлмайдиган кўринади. Бу кўпроқ амалий ишга, фаолиятга боғлиқ.

60-йилларнинг бошларида аскияга яхшигина эътибор берилган эди. Дўстимиз Расул Муҳаммад (марҳум) бу жанрни юзага чиқаришда фидойилик қилган десам адашмайман. Олимнинг «Аския» китоби ҳам ана шу фидойиликнинг маҳсули сифатида юзага келган. Машҳур кулги даргалари Амин бува (Ижрокўм), Абдулхай Махсум, Жўраҳон Султонов, Мамажон Махсум, Ғойиб ота, Нас-

риддин махсум, Расул қори кабилар халқ сайилларига шу қадар файз киритганки, буни сўз билан ифодалаб беришим қийин. Ҳатто матбуотда ҳам аския ҳақида жиддий чиқишлар, баҳс-мунозаралар анча вақт давом этган эди. Мана шундан буён чорак асрдан зиёд муддат ўтибди. Шу давр ичида аския борган сари оммавийлашиш ўрнига ўз доирасидан чиқолмай, биздан узоқлашиб борапти.

-ҳазинл-



Езувчи ва кинодраматург Мурод МУҲАММАД ДЎСТга

— Галатенал!
Алло! Пуф-пуф...
Салом... пуф... ҳой, Ғайбаров!
— Мунча шовқин, ие...
— Ким бу?
— Минҳожиддин Ҳайдаров...

Дўст-



Рассом Ҳабибулла РАҲМУТАЛЛЕВга

Овуғмоқ-чун ўзимни ҳануз
Тун-қун сурат чизганим-чизган.
Виноидек рассомман...
Афсус,
Тақдир мени соқолдан қисган.

— Бу соҳани яна қайта жонлантиришнинг, аскияни оммавий саҳналарга олиб чиқишнинг иложи бордир? Конкрет таклифларингизни айтсангиз.

Бор. Бунинг учун фидойилик, бағрикенглик, қунт керак. Амалий ишга келганимизда эса, «Ўзбекконцерт» қошида (майли кимнинг, ниманинг қошида бўлса ҳам) «Аскиячилар» группасини тузиб, уни концерт программаларига киритиш лозим деб ўйлайман. Кимнингдир эсига тушиб қолганида ёки бирон тадбир, байрам баҳона бешта-олтита аскиячини чаққириб, ҳайбаракалла қилган билан иш битмайди.

Аскияни, айниқса унинг характерини тушунган

-Бирлашув



Шоир
Муҳаммад СОЛИҲҒа

Туз камаяр етмаса бир сўз,
Ортиқча бир сўздан шеър ачир.
Ҳозирча мен...
тегмасини кўз...
Беназирман, илло... «Валфажр!»

Ҳазилкаш: Анвар ОБИДЖОН.
Рассом: Абдубоқи ҒУЛОМОВ.

одамлар бу соҳага мутасадди бўлгани маъқул. Бўлмаса, юришаётган иш ҳам рўёбга чиқмайди. Сизга шундай бир характерли мисолни айтиб беришим мумкин. Бундан бир неча йил муқаддам классик ашулалар кўриги давом этаётган пайтда, собиқ раҳбар ходимлардан бири «Раҳим қил, давлатли султоним мурувват чоғидир» деб ижро этилаётган кўшиқни тўхтатиб: «Бу нима гап, ахир бугунги замонамизда султонлар нима қилади?» деб бизни тергаган бўлди. Ҳазимни ушлаб туришининг иложини тополмадим чоғи: «Ахир бу Фузулийнинг ғазали, унинг устига ошиқ ўз маҳбубини султоним деб атаб, ундан ўзига мурувват этишни сўраяпти, ҳеч қандай султон, ҳеч қандай подшоҳлар ҳақида гап бўлаётгани йўқ» дедим.

Обрўли раҳбаримиз эса ўз ношудлигини тан олишдан кўра, каминанинг «беодоб»лиги учун танбеҳ беришни абзалроқ кўрди. Аскиянинг бошида ҳам ана шундай одамлар турса, қанча ҳаракат бўлгани билан ҳаммаси беҳуда кетади.

— Еш, истиқболли аскиячилар ҳақида мулоҳазаларингизни айтсангиз.

— Жуда истеъдодли аскиячилар етишиб чиқапти. Уларнинг чечанлигини кўриб қувонасан, ҳавасинг келади. Қўқонда Муҳиддин, Йўлдошхон, Неъматжон, Одилжон, Жўраҳон, Марғилонда Зайнобиддин, Мадаминжон, Адиджонда Ғулмонжон каби аскиячилар шулар тоифасига киради. Бундай талантлар халқ орасида кўп. Улар катта авлод сабоқларини олиб устозларининг ишларини давом эттиряпти. Мен амалий ишга ўтиш керак деганимда, мана шу истеъдодли ёшларни катта саҳнага олиб чиқишни назарда тутаятирман.

Шукрулло, (Ўзбекистон халқ шоири):

— Аския, менинг назаримда, демократиянинг юксак чўққиси. Айниқса ҳаётимиздаги салбий ҳодисаларга аёвсиз ўт очилаётган, ошкоралик қўллаб-қувватланаётган ҳозирги кунимизда аскияга йўл очиб бериш, уни қўллаб-қувватлаш, саҳнага олиб чиқиш ниҳоятда зарур.

Айрим кишилар аскияни тўғри тушунмаслиги, ундан ёмон маънолар қидириши мумкин. Лекин биз нега ўзимизни ўшундай шахсларнинг фикрига мослашимиз, шуларнинг мулоҳазаси билан аскияга ёндашимиз керак? Замонамизнинг порахўрлари, ўзгалар меҳнати эвазига бойлик орттирган харомхўрлар, ношуд, бюрократ раҳбарлар аскиядан худди қадимга бойлар, қозилар, мансабдорлар сингари чўчишган, унинг кўчасига киришмаган,

аксинча уни «этикага тўғри келмайди», «совет кишиларига номуносиб бўлган сўзларни айтади» деб доимо унга тош отиб, унинг ривожига тўсқин бўлиб келишган.

Аския ўз табиатини йўқотса нобуд бўладиган, кўп «тарбия ва насихат»ни қабул қилмайдиган жанр. Унинг энг дурдона намуналари бевосита ўша саҳнада, айтишув жараёнида турғилади. Мен ўткир, тигдор, маъноли, минг бир тусга кириб товланаётган ва шу орқали тилимизнинг қудратини намойиш этаётган, даврада, минглаб томошабинлар олдида бир-бирдан устин келишга уринаётган икки аскиячини оний бир илҳом огушида қалбидаги ҳиссиётларини қоғозга тўқаётган шоирга қиёс қиламан. Шунинг учун саҳнага қадам қўяётган аскиячига, уни айтиш, бундан ташқари га чиқманг, эҳтиёт бўлинг, қалтис кетманг, фалончи аканинг ёнида казо-казоларимиз бор дейиладиган бўлса, ўша ерда аския ўлади.

Хўш, унда саҳнага чиққан аскиячи нима хаёлига келса айтавериши керакми? Йўқ, ахир ўзингиз ўйланг, аския айтиш, айтганда ҳам унинг моҳир устаси бўлиб, саҳнага чиқиб ижро этиш иқтидорига эга бўлган одам, зукко, доно, сўзларда хилма-хил товланишларни ниҳоятда тез илғаб оладиган билимдон кишилар бўлишади. Қолаверса, аскиянинг қоғозларда ёзилмаган этикаси, одоб доираси бор. Буни аскиячиларимиз ўзларига насихат қилаётган серташвиш одамлардан кўра минг чандон яхшироқ билишади. Улар даврага шундай бир назар ташлашнинг ўзидаёқ, сўзни нимадан бошлаб, қандай ниҳоясига етказишни илғаб олишади.

Узоққа, тарихга мурожаат этмасдан яқин ўтмишимизга бир назар ташлаб кўрайлик. Халқимизнинг афсонавий қаҳрамонлигига айланиб кетган Фарғона канали қурилишини ёдимизга келтирайлик. Ҳў... Улар плани муддатдан аввал ошириб бажарамиз, дўндирамиз деб гап сотишмаган, эртага бугунгидан кўра, ёки тоби қочиб қолган дўстимиз учун ҳам ишлаймиз деб мажлис очишмаган. Ўша чангдан ёзувлари кўринмай қолган плакат, қизил алвонлар атрофида Ҳалимаҳонимнинг ашуласини эшитиб, Мукаррамаҳонимнинг ўйинларини тамоша қилишган. Аскиячиларнинг ичак узди пайровларини тинглашиб, кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшишган. Республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсуповлар ҳам ўша давраларда бирга бўлган, ҳатто аскияларга қўшилиб кетишган. Яхши гаплар ҳам, етишимовчиликлар ҳам, талаб-илтимослар ҳам ўша аския баҳона айтилаверган.

Бугун худди шундай аскиянинг саҳнага чиқадиган мавриди келди. Бунга оталик қилиш, ташаббускор бўлиш керак. Айрим мутасадди ўртоқлар турли баҳоналар кўрсатиши мумкин. Лекин биз амалий иш қилиш ўрнига ўшундай мутасаддиларнинг баҳоналари билан ҳисоблашиб келаётимиз. Ҳадеб баҳоналарни рўқач қилгандан кўра, аввал аскияни саҳнага олиб чиқиш учун биронта тadbирни амалга ошириб кўрайлик, шунда ҳам натижа бермаса ёки қилинган хизматлар зое кетса, мана оқибати нима бўлди деб айтмайлик. Ахир ҳеч нарса қилмасдан, у нарса бўлмаёпти, бунинг иложини топиш қийин деб баҳона кўрсатаверган билан бўлмайди-да.

Ниҳоят аския ҳар бир кишини фикрлашга, ўйлашга, ҳозиржавобликка ўргатади. Биласизки жамиятимизга фикрлайдиган, ўйлайдиган, зукко одамлар керак.

Мадина Кавиевна Темиргалиева, (Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли 16-шаҳар клиникаси кардиология бўлимининг мудир):

— Узр, Мадина Кавиевна, аскияни...

— Йўқ, ҳижолатчиликнинг ўрни эмас ўртоқ, ҳар қалай аскиянгизни тушунаман, эшитганман.

— Бўлмаса айтинг-чи, инсон соғлигини тиклашда кулгининг, аския натижасида пайдо бўлган қувноқликнинг ёрдами билан сизларнинг тилингизда қандай изоҳласа бўлади?

— Кулгининг расмини чизиб бўлмагандай, унинг инсон организмга ижобий таъсирини ҳам илмий тилда тушунтириб беришим мушкул. Келинг, яхшиси «ўз тилимиз»да сўзлашаврайлик.

Назаримда инсон кайфиятини бироз муболаға қилиб бўлса-да, унинг яшаш тарзини белгилловчи энг асосий омил деб ҳисоблайман. Масалан жисмоний томондан ниҳоятда бақувват бўлган соғлом

одам ҳам агар кайфияти яхши бўлмаса, унинг юрак қон томирларининг маълум бир участкасида салбий маънода ўзгариш бўлади, кун бўйи унинг иш фаолияти ҳам кўнглидагидай кечмайди. Қолаверса у ким бўлишидан қатъий назар, ёмон кайфияти билан ўзгаларнинг ҳам оромини бузади.

Яхши, умуман кишига қувноқлик бахш этадиган хуш кайфиятни биринчи галда медицина ходимлари учун ниҳоятда зарур деб биламан. Мени тўғри тушунинг, биз оқ халат кийиб олиб, ҳамшиша беморлар қошида бўламиз. Қаршимиздаги бизга нигоҳини тикиб, нажат илаб турган беморнинг нотекис ураётган юраги биз шифокорларни азобга солмайди деб ўйлайсизми?

Бемор учун (айниқса юрак оромининг бузилиши натижасида даволанаётган бемор учун) кайфиятнинг яхши бўлиши бениҳоя зарур. Сизга иш тажрибамиздан шундай бир мисол келтиришим мумкин. Бизда тажрибали даволловчи врачларимиздан бирини беморлари ҳар куни ниҳоятда интиқлик билан қутишади. У палатасига кириб кетиши билан зум ўтмай у ердан кулги кўтарилади. Биз-ку бунга ўрганиб қолганмиз. Лекин ташқаридан келган одамга бу ҳолат галати туюлиши мумкин. Ахир беморлар палатани бошига кўтариб кулишса чиндан ҳам галатида. Тушуниб турибсизки бу даволловчи врачимиз аввал беморларнинг кайфиятини кўтариб, уларга қизиқ воқеаларни, ҳангомаларни, латифаларни айтиб беради, сўнг уларнинг бемор юрагини эшитади. Натижада у кишининг қўлида шифо топган бемор бошқаларга қараганда тезроқ, яхшироқ оёққа туради.

— Демак сиз вақти-вақти билан аскиячилар, сўз усталари келиб, беморлардан «хабар» олиб турса, уларнинг кўнглини кўтаришига ёрдамлашса маъқул иш бўларди деб ўйлайсизда?

— Нега энди ўйлар эканман, шундай бўлиши керак, зарур деб биламан. Тўғри, айрим расмиятчи одамларга бу иш хуш келмаслиги, сизларга клиника тамошоҳона эмас деб айтиши мумкин. Лекин кулгини, юракнинг қат-қатидан отилиб чиққан қаҳқаҳани устозларимиз бизга «юрак физкультураси» деб ўргатишган. Аввал сиз журналистлар шундай ишларнинг амалга оширилишига ёрдам беринглар, кейин бунинг инсон соғлиғига кўрсатган ижобий таъсирини биздан сўранглар. Ана унда бемалол суҳбатлашишга имкон туғилади.

Тўрабой ота Акбаров (Избоскан районидagi Карл Маркс номли колхоз аъзоси):

— Ешим тўқсонга яқинлашиб қолди. Ҳали ҳам йигитларнинг даврасида, тўю томошаларда аския бўлиб, кулги кўтарилса ўзимни ушлаб туролмайман. Барибир узоқ йилларнинг тажрибаси, водийдаги не-не аскиячиларнинг хотирамда ўрнашиб қолган тигдай ўткир сўзлари устунлик қиладими, чоғимда улоқни тортиб кетгандай бўламан.

Баъзан аскиялар тиниб, кулгиларнинг жаранги тўхтаган оқшомлар ўтмишининг бир дунё ташвишларини ўйлаб чиқаман. Лекин сахар барибир дилим ёришиб, бардам уйғонаман.

Баъзида шаддод йигитлар, Тўрабой ота... ҳо, Тўрабой ота деб чақириб қолишади. Чикқанамда, улар машинасининг ўтини ўчиришмай, эшикларини қия очишиб, бир оёғини зинасига қўйиб шай туришган бўлишади. Ҳа Йўлдошали, сахарнинг калласида йўл бўлсин? дейишимни биламану, тун бўйи ўйлаб топишган аскиясини айтишиб, жавобига шайлангунимча эшигини ёпиб қочиб қолишади. Ҳой шоввоз, тўхта деганимча қоламан. Гарчанд, айтадиганимни айтолмай қолсамда, кўнглимда бир дунё ифтихор ҳиссини туяман. Йигитлар кун бўйи топган аскиясидан завқланиб, Тўрабой бобосини «боплаганидан» хурсанд, кўзлари чақнаб юришади. Мен эса набираларимга мерос қолдираётган «бойлигим»дан хурсанд бўламан.

Аския ҳар қандай даврага фазл киритади. Тўю сайлларнинг доврўгини оширади. Лекин ўйлашимча унинг бирон мактаби йўқ. Аскиячини халқ ўзи яратади, даврага олиб чиқади, ўзи тарбиялайди, сўнг ундан ўзи баҳраманд бўлади.

* * *

Кимга мурожаат қилманг, шодлигу кулгидан, инсон кайфиятдо саломатлигидан гап очилса, аскиянинг аҳамияти таъкид этиляпти. Шундай экан, келинглар бир кулишайлик, шундай кулайлики, унинг жарангидан еру-осмон ларзага келсин. Қани, қайдасизлар кулги даргалари!

Ёқуб ЯКВАЛХУЖАЕВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Халқ ижодининг ажойиб намунаси бўлган аскиянинг ривожини, уни оммалаштириш ҳақидаги фикрлар тегишли мутасадди ташкилотларнинг диққатини жалб этади деб ўйлаймиз. Сиз азиз журналхонлардан эса мулоҳазаларингизни кутамиз.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Ёш математиклар! Ёш физиклар! Ёш химиклар!

Сизлар учун «Ёш куч» журналі саҳифаларида

АНИҚ ФАНЛАР

ўз ишини бошлади. Энди ёш математикларгина эмас, ёш физиклар ва химиклар ҳам беллашувда иштирок этадилар.

Қадрли болалар! Севимли журналнингизда «Ёш математикларнинг сиртки олимпиадаси» муваффақиятли давом этаётганлигини биласиз. Олимпиаданинг биринчи ғолибларига «Ёш куч»нинг эсдалик совғалари ҳамда Фаҳрий ёрлиқлари топширилади. Иккинчи олимпиада ғолиблари ҳам аниқланмоқда.

Шу давр ичида редакция физика ва химия ишқибозларидан ҳам кўплаб хат олди. Уларда математика билан бир қаторда физика ва химия фанлари бўйича ҳам мусобақалар ўтказиш таклиф қилинган.

«Ёш математиклар сиртки олимпиадаси»нинг ташкилий комитети ўқувчиларнинг таклифларини ўрганиб чиқиб, журналда

АНИҚ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ташқил қилишни лозим топди.

ХИМИЯ:

1. Полиметалл рудаларини қайта ишлаш корхоналари қошида сульфат кислота ишлаб чиқарадиган цехлар қурилади. Бунинг сабабини тушунтиринг ва жавобингизни химиявий реакция тенгламалари ёрдамида изоҳланг.

2. Углерод ва олтингурут (IV) оксидларида углерод ва олтингурут бир хил оксидланиш даражасига эга. Кислороднинг углерод билан ҳосил қилган бирикмасидаги химиявий боғ қўтблилиги олтингуруртнинг кислород билан ҳосил қилган боғига нисбатан қўтблилиги каттароқ бўлса ҳам, бир турдаги химиявий реакцияларда сульфит ангидридининг карбонат ангидрида нисбатан активлиги анча юқори. Суюқ ҳолдаги сульфит ангидрид углерод (IV) оксидга нисбатан яхши ионлаштирувчи эритувчи бўлади. Бу моддаларнинг химиявий активлигидаги ва физик хоссаларидаги тафовутни тушунтиринг. Шундай реакцияларга бир неча мисоллар ва уларнинг тенгламаларини келтиринг.

3. Бир литр сувда тенг ҳажмдаги аммиак ва сульфит ангидриди эритилган. Эритманинг муҳити қандай? Тегишли ҳисобларни келтиринг.

4. Барий сульфатни олишга имкон берадиган барча реакция тенгламаларини ёзинг.

5. Ихтиёрингизда сувдан ташқари бошланғич моддалар сифатида калий хлорид, сульфат кислота, марганец (IV) оксид, кальций карбонат бўлса, улар иштирокида мумкин қадар кўпроқ янги моддалар синтез қилиш реакция тенгламаларини ёзинг. Янги олинган моддалар орасида оддий ва аорганик бирикмаларнинг турли синфларига кирадиган намоёндалари бўлсин. Тегишли реакция тенгламаларини, уларнинг содир бўлиш шароитларини, ионлар орасида борадиган реакциялар учун ионли тенгламаларни тузинг.

ФИЗИКА:

1. Туристлар базасидан 40 км нарида бўлган икки турист базага бир вақтда ва энг қисқа вақт ичида етиб келишлари керак. Туристлар ихтиёрида бир велосипед бор. Улар шу велосипеддан галма-гал фойдаланишга келишиб олдилар. Дастлабки пунктдан бир пиёда турист $V_1=5$ км/соат тезлик билан, иккинчи турист велосипедда $V_2=15$ км/соат тезлик билан жўнаганлар. Иккинчи турист оралиқдаги пунктларда велосипедни қолдириб, пиёда жўнаганда бу ерда етиб келган пиёда турист бу пунктдан велосипедда жўнайди.

Туристлар қандай ўртача тезлик билан ҳаракат қилганлар? Велосипеддан қанча вақт фойдаланилмаган?

2. Ер орибатисининг ўртача радиуси $R=150 \cdot 10^6$ км эканлигини билган ҳолда қуёшнинг M массасини топинг.

Академияга академик С. Ҳ. Сирожиддинов (президент), УзФА мухбир-аъзоси У. Е. Фуломов, Д. И. Менделеев номидаги Бутуниттифоқ химия жамиятининг раиси, УзФА мухбир-аъзоси Н. А. Парпиев (вице-президент)лар бошчилик қилишади.

Физика ва химия бўйича биринчи беллашув 4 турда ўтказилади. Барча турларнинг топшириқларини тўла бажарган журналхонлар ғолиб деб топилади. Ғолибларга «Ёш куч» журналининг эсдалик совғалари ҳамда Фаҳрий ёрлиқлар топширилади.

«Ёш куч» «Аниқ фанлар академияси» мусобақаларида ҳамма қатнашиши мумкин.

Бир ўқувчи бирданига ҳам химия, ҳам физика мусобақаларида иштирок эта олади.


Бугун 1 тур саволларини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Биринчи турга жавоб йўллашнинг охириги мuddати — 20 апрель. Конверт устига «Аниқ фанлар академияси», 1 тур деб ёзиб қўйинг. Жавобларингиз қайси фанга тааллуқли эканини англатиш учун адрес ёнига «Физика» ёки «Химия» деб қўшиб қўйинг.

3. Иссиқлик ўтказмайдиган ёпиқ идишда $t=527^\circ\text{C}$ температурада озон (O_3) гази бор. Маълум вақтдан кейин озон бутунлай кислород (O_2) га айланади.

Агар бир моль озоннинг кислородга айланишига $q=143$ кЖ иссиқлик миқдори керак бўлса ва ўзгармас ҳажмдаги бир моль кислороднинг иссиқлиқ сийми $C_v=21$ Ж (Моль. К) бўлса, идишдаги босим неча марта ортади?

4. Ўзгармас юқори кучланиш манбаига $R=10^3$ Ом бўлган қаршилик ва пластинкалари орасидаги масофа $d=9$ мм, сийми $C=9$ н. Ф бўлган конденсатор уланган (1-расм). Пластинкалар орасидаги ҳаво реңтген нурлари билан ионлаштирилганда бир секундда 1 см^2 ҳажмда $n=10^4$ жуфт ион ҳосил бўлган. Ҳар бир ион заряди электрон зарядга тенг.

Барча ионлар рекомбинациялашмасдан конденсатор пластинкаларига етиб боради деб ҳисоблаб, R қаршиликдаги кучланишни аниқланг.



5. Нуқтавий ёруғлик манбаи ва унинг иккита тасвири тенг томонли учбурчакнинг учларида ётади. Қўзуларнинг ёруғлик манбаига нисбатан жойлашшини ва улар орасидаги бурчакни аниқланг.

Саволларни физика фанлари кандидатлари М. ИСАМУХАМЕДОВА, И. КАМАРДИН ҳамда химия фанлари кандидати А. МУФТАХОВ тайёрлаганлар

«ЁШ МАТЕМАТИКЛАРНИНГ СИРТҚИ ОЛИМПИДАСИ»

II ТУР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАР

1. Қуйидаги кўпайтма неча ноль билан тугайди $1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4 \dots 98 \cdot 99 \cdot 100$

Соннинг охиридаги ноллар, унда 10 неча марта кўпайтувчи бўлиб қатнашишини кўрсатади. 10 сони



Рассом Б. Тўхтабоев.

2.5 кўпайтмага тенг бўлади; 1 дан 100 гача 2 сони 5 сонига нисбатан катта даражада кўпайтувчи бўлиб қатнашади. Шунинг учун ҳам 5 сони неча кўпайтувчи бўлиб қатнашишини аниқлаш кифоя. 100 гача натурал сонлар орасида 20 та 5 га бўлинадиган сонлар бор, улар орасида тўрттаси (25, 50, 75 ва 100) 25 га қаррали бўлганлиги сабабли иккитадан 5 кўпайтувчига эга. Демак $1 \cdot 2 \cdot 3 \cdot 4 \dots 98 \cdot 99 \cdot 100$ кўпайтмада 5 сони 24 марта кўпайтувчи бўлиб учрайди. Шунинг учун ҳам бу кўпайтма охирида 24 та ноль бўлади.

2. Ихтиёрий 5 та бутун сондан йиғиндиси 3 га бўлинадиган 3 та сон ажратиб олиш мумкинлигини исботланг.

Икки ҳол бўлиши мумкин.

1) Бешта берилган сон орасида 3 га бўлганда бир хил қолдиқ қоладиган учта сон топилади. Унда уларнинг йиғиндиси 3 га бўлиниши равшан.


2) Бир хил қолдиқли учта сон йўқ, у ҳолда 5 та сон учга бўлганда, 1,2 қолдиқлар ҳосил бўлади. Уша учта сонлар йиғиндиси 3 га бўлинади, яъни изланган сонлар бўлади.

3. 1234567... 5657585960 сондан 100 та рақамни шундай ўчирингки, қолган сон а) энг кичик; б) энг катта бўлсин.


а) Қолган сон энг кичик бўлиши учун 100 та катта рақамларни шундай ўчиринг керакки, қолган сон кичик рақамлардан тузилган бўлиб кичик рақамдан бошланиши лозим. Энг кичик сон 00000123450 бўлади. (Шуни айтиш керакки берилган сон III хонали сондир. Уни 100 та рақамини ўчиринг натижасида II хонали сон қолади.)

б) Энг катта ҳосил бўладиган сон 9 рақамлари билан бошланиши керак (улар, бештадан ортиқ бўлмадлиги керак), бу тўққизлар биринчи бешта ўнликлардан ҳосил қилинади; олтинчи рақам эса энг охирида қоладиган 5 та рақамга қараганда каттаси бўлиши керак. Бундай рақам 7 бўлади. Шундай қилиб энг катта сон қуйидаги бўлади: 99999785960.

4. ABC учбурчакнинг A ўткир бурчагидан чиққан медиананинг узунлиги — m бўлсин, у ҳолда $2m + AB + AC > 2 \cdot BC$ тенгсизлиқни исботланг.



A ўткир бурчакли ABC учбурчакни параллелограммгача тўлдиримиз. A ўткир бурчак бўлганлиги учун $AD > BC$ ёки $2 \cdot AO > BC$, бунда AO учбурчак ABCнинг медианаси. Учбурчак тенгсизлигига биноан $AB + AC > BC$ га эга бўламиз. Ҳосил қилинган тенгсизликларни қўшсак $2AO + AB + AC > 2BC$ ёки $2m + AB + AC > 2BC$ га эга бўламиз, бунда $AO = m$. Шуни исбот қилиш талаб қилинган эди.



5. 4 та 1, 2, 3 ва 5 тийинлик тангалардан аниқ биттаси қалбаки, яъни оғирлиги ҳақиқийликдан фарқ қилади. Агар ҳақиқий тангалар мос равишда 1, 2, 3 ва 5 г ли бўлса у ҳолда тошсиз аптека тарозисидида 2 тортиш ёрдамида қалбаки тангани аниқлаш мумкинми?

Тортишни қуйидагича ўтказамиз:

1) Агар $1+2=3$ бўлса, у ҳолда 5 тийинлик қалбаки танга бўлади.

2) Агар $2+3=5$ бўлса, у ҳолда 1 тийинлик қалбаки танга бўлади.

3) 1 ва 2 тийинлик тангалар биргаликда 3 тийинликка қараганда кўп (ёки кам) бўлсин 2 ва 3 тийинликлар биргаликда 5 тийинликка қараганда мос равишда кўп (ёки кам) бўлсин. У ҳолда 2 тийинлик қалбаки танга бўлади.

4) 1 ва 2 тийинлик 3 тийинликка нисбатан кўп (кам) бўлсин, 2 ва 3 тийинликлар биргаликда 5 тийинликка қараганда мос равишда кам (ёки кўп) бўлсин. У ҳолда 3 тийинлик танга қалбаки бўлади.

Материални тайёрлаганлар:

Б. РИХСИЕВ, Н. ҒАНИХУЖАЕВ, Т. ҚҮРҒОНОВ

АКАДЕМИЯСИ

МАТЕМАТИК КАСБ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

ТОПҚИРЛИК ҲАММА ИШДА ҲАМ КЕРАК!

Уқитувчингиз синфда ишлаш учун масалани доскага ёзди, деб фараз қилайлик. Хўш, уни ким тез ҳал қиларкин? Энг қисқа, чиройли йўлни ким топаркин? Албатта фикри тез, зеҳни ўткир болалар, шундай эмасми? Ҳа, математик олимпиадаларда бериладиган кўпгина масалалар, хусусан, мантиқий масалалар топқирликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам топқирлик математик касбига хос бўлган ҳислатлардан бири ҳисобланади.

Ўзингизни бир синаб кўрасизми? Жуда соз! Биз қуйида берадиган масалалар фақатгина келгусида математик бўлишни орзу қилаётган ўқувчиларгина эмас, балки барча ўқувчиларга (синфидан қатъий назар!) тақлиф қилинади.

1. 10 та халтачада тангалар бор, ҳар бир халтачадаги тангалар сони 10 тадан кам эмас. Шу халтачаларнинг қандайдир биттасидаги ҳамма тангалар қалбаки. Ҳар бир ҳақиқий танга 10 граммдан. Битта қалбаки танга битта ҳақиқий тангадан бир грамм енгил. Граммларга бўлинмаси бўлган тарози ёрдамида бир марта ўлчаб қайси халтачадаги тангалар қалбаки эканлигини қандай аниқлаш мумкин?

2. Бир киши мош ва гуруччини сотгани бозорга олиб келмоқчи бўлди. Қараса, қопи битта экан. Қопга аввал мошни солди, сўнг қопни ип билан боғлаб, гуруччини солди ва бозорга олиб келди. Мошга харидор чиқди ва унинг ҳаммасини олмоқчи бўлди. Харидор ўз қопини сотувчи қопи билан алмаштиришни хоҳламади. Хўш, қопларни алмаштирмай, йиртмай қандай қилиб мошни бўш қопга солиш мумкин? Мош олувчига ёрдам бера оласизми?

Шунга ўхшаш яна бир масала: врачда уч жуфт резинка қўлқоп бор. У қандай қилиб шу қўлқоплар ёрдамида турли юқумли касалликларга чалинган бешта беморни кўриши мумкин?

Ҳар бир ўқувчида илм-фанга, хусусан, математикага маълум бир лаёқат, мойиллик бўлади. Шу лаёқатнинг очилиши, ривожланиши сидқидилдан қилинадиган меҳнатни талаб этади. Ана шу меҳнат ва машқлар жараёнида, синфдан ташқари ишларда, олимпиадаларда, суҳбатларимизда санаб ўтилган математикка хос фазилатлар намоён бўлаверади. Масалаларни кўплаб, тушуниб, атрофлича муҳокама қилиб ишлаш натижасида навбатдаги масалани ўқиб, Сиз уни ечишга қандай ёндошишни биладиган бўлиб қоласиз, Сизда масалаларни ечишга маълум бир интуиция ҳосил бўлиши мумкин. «Интуиция» лотинча сўздан ҳосил қилинган бўлиб, синчиклаб қараш деган маънони англатади. Интуиция ҳам тинимсиз машқ натижасида вужудга келади ва ривожланади. Фанда интуициянинг роли ниҳоятда катта. Йирик олимлар, ўз ишининг моҳир усталари ўз соҳалари бўйича бирор масала қўйилгач, уни ҳал қилмай туриб, масаланинг жавоби қандай бўлиши



Ҳорманг, Мирфозил ака!

Мирфозил акани танийсиз-а? Танийсиз, танийсиз. «Еш куч»да «Математик касб ҳақида суҳбатлар» рубрикаси остида берилётган мақолалар туркумини мароқ билан ўқиясиз. Ушаларнинг авторларидан бири физика-математика фанлари кандидати, доцент Мирфозил ака Мирзааҳмедов бўладилар.

Мен Мирфозил акани ёзув столи ёнида нималарнидир ёзаётган ҳолда учратдим саволга тутдим.

— Салом, Мирфозил ака, «Еш куч»га мақола ёзаясизми, дейман?

— Э, салом Топқирвой, топдинг, журнал учун мақола ёзаяпман.

— Сир бўлмаса, қандай мақола?

— Улуғ олим Улуғбек, унинг илмий мероси ҳақида.

— Мирфозил ака, журналхонларга ўзингизни яқиндан таништирсангиз.

— Ўзим ҳақимда гапириш ноқулай-да. Ҳа майли. Мен В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг математика факультетида ўқитувчиман. Бўш вақтларимда газета ва журналлар учун мақолалар ёзиб тураман. Мақтаб ўқувчиларининг математика олимпиадасининг жиори аъзосиман.

— Яна «Еш куч»да ўтказилаётган Еш математикларнинг сиртки олимпиадаси ташкилий комитет аъзоси, ҳамда жиори аъзосисиз, топдимми?

— Топдинг, Топқирвой. «Еш математиклар олимпиадаси» «Аниқ фанлар академия»сига ўсиб ўтганлиги мени беҳад қувонтирди.

— «Аниқ фанлар академияси» муҳлисларига қандай тилакларингиз бор?

— Тилакларим катта. Журналхонлар орасида зўр, жуда зўр математиклар, физиклар, химиклар етишиб чиқишини истайман. Бунинг учун эса ўқувчилар кўп ўқиши, яъни меҳнат ва яна меҳнат қилишлари керак...

— Сизга эса журналхонлар номидан сиҳат-саломатлик тилайман, «Еш куч» журналхонлари учун кўп ва хўп мақолалар ёзаверинг. Сира ҳорманг, Мирфозил ака!

— Раҳмат, Топқирвой.

Топқирвойнинг суҳбатини Ҳайдарали ОРИПОВ ёзиб олди.

кераклигини, қайси йўллар билан борилса бу масалани ҳал қилиш мумкинлигини, бу жараёнда қандай қийинчиликлар бўлишини кўра оладилар. Ана шу ажойиб фазилат — табиий истеъдоднинг муҳим қирраси — ривожланган интуициянинг борлиги йирик олимларга хос. Шу хислатга эга бўлган олимлардан бири — машҳур ҳинд математиги Сриниваса Раманужан (1887—1920). У туғма талант ва ўзига хос фикрлаш соҳиби, чуқур илмий интуицияга эга ажойиб математик эди. Раманужан, айтиш мумкин, математикани мустақил эгаллади. Унинг топган формулалари ҳақиқий санъат асарлари каби ниҳоятда чиройли бўлиб, кишига завқ бағишлайди. Бу формулаларни у қандай қилиб тополгани машҳур математикларни ҳали ҳам ҳайратга солади. Раманужан таниқли инглиз математиги Харди билан алоқа боғлайди. Англияга бориб у билан бирга сермаҳсул илмий иш қилади. 31 ёшида Раманужан ҳиндлардан биринчи бўлиб Англия Фанлар академиясига сайланади, Кэмбридж университетининг профессори бўлади.

Раманужан мактабда ўқиб юрган йилларидаёқ ажойиб формулаларни топган. Шулардан бирини келтираемиз. У

$$n(n+2) = n\sqrt{1+(n+1)(n+3)} = n \cdot \sqrt{1+(n+1)\sqrt{1+(n+2)(n+4)}} = \dots$$

тенгликларни қарайди. Бу тенгликларнинг тўғрилигига ўзингиз ҳам осонликча ишонч ҳосил қила оласиз. Раманужан бу тенгликларда $n=1$ деб ушбу чиройли муносабатни олади:

$$3 = \sqrt{1+2\sqrt{1+3\sqrt{1+4\sqrt{1+\dots}}}}$$

Ўзингиз ҳам Раманужан формуласига ўхшаб формулани, масалан, 5 ва 6 учун топишга уриниб кўринг. Вазифа сифатида ушбу машқларни берамиз:

1. 1 дан 1001 гача натурал сонлар кетма-кет ёзилган. 1988 чи ўринда қандай рақам турипти?

2. Соатнинг соат ва минут стрелкалари бир суткада неча марта ўзаро перпендикуляр бўлишади?

3. Дарё устига қурилган икки кўприк орасидаги масофа 1 км. 1-кўприкдан сузувчи сувга сакради ва оқимга қарши сузди. У сувга сакраган вақтда кўприкда турган қизчанинг коптоғи сувга тушиб кетди ва 2-кўприк томон оқа бошлади. Сузувчи 10 минут сузиб орқага қайтди ва 1-кўприкка етиб келганда ундан тўхтамасдан сузиб бориб, коптокни тутишни илтимос қилишди, у коптокни 2-кўприк остида тутиб олди. Дарё оқимининг тезлигини топинг.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
академик.
М. МИРЗААҲМЕДОВ,
доцент.

• $a^2 - b^2 = (a - b)(a + b)$

• $m\alpha_T = -mg \sin\alpha$ •

Сарғайган дафтардаги сабоқлар

Журнализмизнинг олдинги сонларида машҳур совет шахмат мастери ва педагоги Б. М. Блюменфельднинг ярим аср муқаддам ўқиган дастлабки лекцияси билан танишишни бошлаган эдингиз. Бугун эътиборингизни унинг иккинчи қисмига жалб қиламиз.

Б. Блюменфельд:

Комбинацияга бўлган нуқтаи назаримизни чуқурлаштиришга ўтамиз...


Йўли кесилган сипоҳ. Сипоҳ рақиб қароргоҳига тушиб қолса, кўпинча йўли кесилиб, нобуд бўлади. Италиянча партиядо шундай бўлиши мумкин: 1. e4 e5 2. Кf3 Кс6 3. Сс4 Сс5 4. с3d6 5. d4 ed 6. cdCb4+ 7. Крf1! Фавқулодда ғалати туюлувчи бу юриш, жуда тўғри ва мантқиқдир. b4 даги филнинг йўли кесилган. Оқлар 8. d5 ва 9. Фа4+ хавфини туғдириб, филни ютиб олади.

Бундай ҳол испанча партиядо ҳам рўй бериши мумкин: 1. e4 e5 2. Кf3 Кс6 3. Сb5 а6 4. Ca4 d6 5. d4b5 6. Сb3 ed. Энди 7. К:d4? бўлса, 7.. К:d4 8. Ф:d4с5! ва b3 даги фил ўлади.

Филга қараганда кўпроқ отнинг йўли кесилиб қолади. Эндшпилда фил кўпинча отдан кучлироқ бўлади. Гап шундаки, фил узоқни нишонга олиши туфайли отни тахтанинг чеккасига қисиб, уни пот ҳолатига солиб қўяди. Лекин от тахтанинг чеккасидагина ўлмайдиган ҳоллар ҳам учраб туради. Бунга яққол бир мисол мана:

М. Ботвинник — С. Флор

Матчнинг 1-партияси, Москва, 1933 йил




Ботвинник 33. Кс:b5? ўйнагач, бунга 33...da1 34. К:d6 a2 35. Кс2 Са6+ 36. Кре3 Кре7 бўлди ва оқларнинг оти тунди.

Албатта, нафақат фил билан отнинг йўли кесилиб нобуд бўлади. Рух ва энг зўр сипоҳ фарзин ҳам шу кўйга тушиши мумкин.

Х. Р. Капабланка — А. Алехин


Матчнинг 3-партияси, 1931 йил



Капабланка 13. g4! ўйнаб, филга ҳужум қилди. Энди агар 13... С:g4 14. fgoFe4 бўлса, 15. Крf2 Фh1 16. С:d6 cd 17. Кf3 дан кейин 18. Лb1 ва 19. Сg2 таҳликаларини бартараф этиб бўлмайди — қора фарзин тутилади. Оқлар филни олиб қочди-ю, лекин 13... Cd3 14. Ф:d5 С:f1. 15. Кр:f1 Фd3+ 16. Ке2 Кс4 17. Крf2 Ке3 18. Ф:b7! Ка6 19. Фb1! дан кейин бари бир ютқазди.

Икки ёқлама зарба. От билан фарзин энг юксак даражадаги икки ёқлама зарба бериш кучига эга; руҳ билан филнинг бундай кучи унчалик эмас.


Г. Мароци — Д. Яновский



Ушбу позицияда Мароци 1. a4 ўйнаб 2... a5 таҳликасини туғдирди. Яновский 1.. Фd6 жавобини қилди. Бундан яхшироқ ҳеч нарса тополмади у. Агар у фарзинини d7 га юрганда, 2.Ф:a8 Л:a8 3. Ке5+ ва оқлар ютарди. 1... Фd7 га дарров 2. Ке5+ ўйнаш анча кучсизроқ. Оқлар сифат ютарди-ю, лекин қаттиқ ҳужум остида қоларди. Умуман, агар моддий устунликка эришиш имконияти бўлса, айни вақтда ўйинни соддалаштириш керак. Ҳарифда от борлигида ҳушёр тортиб туриш ва шохингиз билан фарзинингиз бир хил, яъни оқ ёки қора хоналарда жойлашган-жойлашмаганлигига эътибор бериш лозим. Турган бўлса, қутилмаган икки ёқлама зарба — шохфарзин бўлиши мумкин.

М. Чигорин — Д. Скинурот


Лондон, 1883 йил



Партия шундай тарзда давом этган эди: 12. Лfе1 Са6 13. с4! С:c4? (қоралар тузоққа илинмоқда) 14. С:c4 dc 15. Фf3 ва оқлар руҳни ютиб олди. 15. Фf3 дан кейин оқлар фарзинни ютувчи 16. Кg6+ таҳликасини туғдирмоқда ва бир вақтнинг ўзидо a8 даги ҳомийсиз руҳга ҳужум қилмоқда. Қора шох ва фарзин бир хил — қора хоналарда турибди, улар яқинидаги оқ от ҳам — худди шу рангдаги хонада; бу ерда очмаснинг ҳам аҳамияти бор. Яна битта мисолни кўриб чиқайлик.

Д. Эйде — А. Алехин

Кечкемет, 1937 йил




Агар юзага келган вазиятга яхшилаб разм солинса, қуйидагиларни кўриш мумкин: оқларнинг шох билан фарзини бир хил — оқ хоналарда жойлашган. Алехиннинг оти бўлиб, у ҳам оқ хонада турибди. Агар g3 да пиёда бўлмаганда, қоралар шу заҳотиёқ оти билан f4 хонасидан шохфарзин қиларди. Алехин икки ёқлама зарба учун геометрик мотив борлигини тушунди: 36... Лd4! 37. a3 (37... Ла4 дан ҳимояланиб) 37... Лf4! 38. Кpg2 Л:h4! — иккинчи пиёда билан бирга ўйин ҳам кетди.

Бу мисолда икки ёқлама зарба учун геометрик мотив бериб кўйилган, яъни позицияда мавжуд эди. Қуйидаги мисолда йўқ, у барпо қилинади.

Р. Рети — С. Тартаковер

Нью-Йорк. 1924 йил



Ушбу вазиятда Рети 38. Фf3 ўйнади.

Дастлабки таассурот шуки, бу — хато юриш, чунки оқлар пиёдасидан ажрапти. Аслида эса бу юриш тагида ажойиб тузоқ яширинган. Агар 38... К:g4 бўлса, 39. Лd6! Ф:d6 40. Ф:g4+ Крh8 41. Ф:g7+! Кр:g7. Икки ёқлама зарба учун геометрик мотив барпо этилди, энди зарбанинг ўзи — 42. Кf5+ берилиб, оқлар ютади. Тартаковер бу тузоққа илинмади.

Пировардида сизларга узоқ ёшлик чоғларимда ўйнаган бир партиямни кўрсатай.

МеМе — Блюменфельд

Италиянча партия

1. e4 e5 2.. Кf3 Кс6 3. Сс4 Сс5 4. d3d6 5. Кс3 Кf6 6. Кg5 Лf8 7. Ка4 h6 8. К:c5 hg 9. Ка4 Кh7 10. Фh5 Кb4 11. Сb3 Сe6 12. С:e6 Кf6 13. Ф:g5 fe 14. Фd2 Кg4 15. f3.

15... Ке3 16. Лb1 Кb:c2+ 17. Кре2 Фg5 18. Лg1 Кd4+ 19. Крf2 Ф:g2+ 20. Л:g2 Л:f3+ 21. Кре1 Лf.

Бу партия комбинация қилишни билиш позицияга батамом тушунмаслик билан қандай бирлашувига яққол бир мисолдир.

Эслатма: Блюменфельд ўқиган лекциялар тексти, кўриб турганингиздек, анчагина сиққ ҳолда келтирилмоқда. Уларни тахтага териб шошилмай таҳлил қилсангиз, изоҳлар ўз-ўзидан келиб чиқаверади. Маҳоратини ошираман деган ҳаваскор учун ҳақиқий мактаб шу.

ЧАЙНВОРД

КРОССВОРД



Уннга: 1. Тошкент областининг тоғ этакларида жойлашган район. 3. Ҳинд қизларига қўйиладиган исмлардан бири. 5. Токбарг дўлма. 6. Шоти. 7. «Дарбадар» романининг аuctори бўлган яҳудий ёзувчиси. 8. Поэтик жанр. 11. Қадимда қўлөзмаларни кўчирувчи киши. 12. «Имон» пьесасидаги бош қаҳрамон. 14. Узун қўлли маймун. Боғ яратувчи киши. 17. Ердам-пули. 18. Маиший хизмат соҳасидаги касб.

Чапга: 2. Осмонга кўтарилиш, учиш. 4. Ҳарбий унвон. 9. Республикамиздаги дам олиш санаторияси. 10. Рус самалчиси. 13. Қишлоқ меҳнаткашларининг ўз ихтиёридаги ер участкаси. 15. Бир жабҳада хизмат қилувчи кишилар.

Чайнворд: 1. Симли музыка асбоби. 2. Италиянинг пойтахти. 3. Шахматдаги ютуқ. 4. Футбол биринчилигида бир кур ўйин. 5. Миллат. 6. Водийда оқадиган сув. 7. Босиб ўтиладиган масофа. 8. Буюмларни йилтиладиган бўёқ тури. 9. Олов қолдиғи. 10. Юз аъзоларидан бири. 11. Мевазор. 12. Тоғ оралиғидаги бўшлиқ. 13. Дил изҳори. 14. Лаҳза, он. 15. Муносиб, лойиқ. 16. Оқ суюқлик.

Тузувчи: **Фәиз ҒАҒУРОВ**


„СПУТНИК“ ХАЛҚАРО ЁШЛАР ТУРИЗМИ
БЮРОСИ ЁШЛАРНИ ЎЛКАМИЗНИНГ ХУШ -
МАНЗАРА ГЎШАЛАРИ БЎЙЛАБ САЁХАТГА
ЧОРЛАЙДИ.



ХАЛҚАРО ЁШЛАР ТУРИЗМ БЮРОСИ 30 ЁШДА



Ҳозир мамлакатимизда 19 та халқаро ту -
ризм марказлари ишлаб турибди. Ёшларнинг
кўнгилли дам олишларини уюштирадиган
бу марказларда турли спорт мусобақалари,
бадний ҳаваскорлик кўриклари ўтказилади.
Уларда кафе, видеобар, дискотекалар ёшлар
хизматида бўлади. Шундай туристик саёҳат -
га чиқишни хоҳласангиз область комсомол
комитетига мурожаат қилинг.



ОЧИҚ ФАЗОГА ЧИҚИШ... Космонавт В. ЖОНИБЕКОВ асари.

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75242